O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI

Ватан ҳимояси — иймон рамзи

ВАТАНПАРВАР

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУДОФАА ВАЗИРЛИГИНИНГ МАРКАЗИЙ МАТБУОТ ОРГАНИ

2009 йил, **10** апрель, жума № **15** (2298). | Газета 1992 йилнинг 24 июнидан чиқа бошлаган.

ЦЕНТРАЛЬНЫЙ ПЕЧАТНЫЙ ОРГАН МИНИСТЕРСТВА ОБОРОНЫ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

Пятница, **10** апреля, **2009** год, № **15** (2298). | Газета издается с 24 июня 1992 года.

Сотувда келишилган нархда

E-mail: vatan@rol.uz

В розницу - цена договорная

АРМИЯМИЗНИНГ ҚУДРАТИ – АВВАЛО, УНИНГ ХАЛҚИМИЗ ҲАЁТИ БИЛАН ЧАМБАРЧАС БОҒЛАНГАН МУСТАҲКАМ РИШТАЛАРИДА, УЗВИЙ АЛОҚАСИДА НАМОЁН БЎЛАДИ.

Ислом КАРИМОВ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ

ҚАРОРИ

«ЯГОНАСАН, МУҚАДДАС ВАТАН!» РЕСПУБЛИКА КЎРИК-ТАНЛОВИНИ ЎТКАЗИШ ТЎҒРИСИДА

Барчамиз учун бир умр севиб, ардоқлаб, кўзимизга тўтиё қилиб яшайдиган муқаддас макон бўлмиш она Ўзбекистонимизни улуғлаш, уни кўз қорачиғидек асраш, шаъну шарафини ҳимоя қилиш ва юксалтириш, шу олий мақсад йўлида фидо бўлиб яшаш каби эзгу туйғуларни униб-ўсиб келаётган ёш авлод қалбида камол топтириш, Ватанга садоқат, унинг тақдири учун дахлдорлик ҳисси билан йўғрилган мазмунан теран, бадиий етук қўшиқлар яратишни рағбатлантириш ҳамда уларни халқимизнинг маънавий мулкига айлантириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси, Республика Маънавият тарғибот маркази, Ёзувчилар ва Бастакорлар уюшмалари ҳамда Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг 2009 йилдан бошлаб ҳар йили «Ягонасан, муқаддас Ватан!» республика кўрик-танловини ўтказиш ҳақидаги таклифи маъқуллансин.

2. «Ягонасан, муқаддас Ватан!» республика кўрик-танлови ташкилий қўмитаси таркиби ва кўрик-танлов низоми 1- ва 2- иловаларга мувофиқ тасдиқлансин.

3. «Ягонасан, муқаддас Ватан!» республика кўрик-танлови ташкилий Қўмитасининг вазифаси этиб қуйидагилар белгилансин:

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида кўрик-танловнинг туман, шаҳар ва вилоят босқичларини ўтказиш бўйича барча ташкилий ва ижодий ишларни мувофиқлаштириш;

кўрик-танловни юқори савияда ўтказиш учун амалий ёрдам кўрсатиш, жумладан, жойларга тажрибали режиссёрлар, таниқли санъаткорлар, бастакорлар, шоирлар ва малакали мутахассисларни ижодий сафарга юбориш;

санъат оламига кириб келаётган истеъдодли ёшлар томонидан ижро этилган, ор-номус, қадр-қиммат, ғурур ва ифтихор каби олижаноб туйғуларни тараннум этадиган, юксак гражданлик руҳидаги қўшиқларга алоҳида эътибор қаратиш.

4. Жойларда «Ягонасан, муқаддас Ватан!» кўрик-танловини тайёрлаш ва юқори савияда ўтказишни таъминлаш мақсадида Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларига Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси ўринбосари, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларининг ижтимоий-иқтисодий масалалар бўйича ўринбосарлари раҳбарлигида комиссиялар тузиш вазифаси топширилсин.

5. Белгилаб қўйилсинки:

кўрик-танловнинг республика якуний босқичига тайёргарлик кўриш, тарғибот қилиш ҳамда уни ўтказиш билан боғлиқ харажатлар Маданият ва спорт ишлари вазирлигига ажратиладиган маблағлар доирасида амалга оширилади;

кўрик-танлов ғолибларини пул мукофотлари билан тақдирлаш харажатлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг захира жамғармаси ҳисобидан қопланади.

6. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими, Олий ва ўрта махсус таълим вазирликлари, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси тасарруфидаги ташкилотларнинг ушбу кўрик-танловнинг саралаш босқичларини ўз маблағлари ҳисобидан ўтказиши маълумот учун қабул қилинсин.

7. Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри бўйича кўрик-танловни тайёрлаш ва ўтказиш ҳамда ғолибларнинг республика якуний босқичида иштирок этишини таъминлаш билан боғлиқ барча харажатлар маҳаллий ҳокимликларнинг бюджетдан ташқари ва ҳомийлар маблағлари ҳисобидан амалга оширилиши белгилаб қўйилсин.

8.Тошкент шаҳар ҳокимлиги республика кўрик-танловининг якуний босқичини ўтказиш, ғолибларни тақдирлаш ва улар ижросидаги концерт дастурини намойиш этишда «Туркистон» саройини бепул фойдаланиш учун тақдим этсин.

9. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ва бошқа оммавий ахборот воситаларига кўрик-танлов тадбирларини кенг ёритиш тавсия этилсин.

10. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.Мирзиёев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2009 йил 7 апрель.



Баҳром АБДУРАҲИМОВ суратга олган.

Ватан билан улғаяр шон-шавкатимиз

ШУ СОНДА

- И распустятся в синеве белоснежные купола — 2
- Соҳибқирон байроқларидаги рамзлар — 6
- Банк билан шартнома қандай имзоланади? — 9
- Раънонинг кечиккан бахти — 10
- Суданда астероид бўлаклари — 11
- TV дастур — 12-13
- Саратонга қарши янги дори — 16
- Талабалик сари дадил одим — 19
- «Вақт тушунчаси йўқ», деган эди Толстой — 21
- Биринчи шатранж мусобақаси қачон ўтказилган? — 22



4 АРМИЯМИЗ СУЯНЧИ ВА ТАЯНЧИ
АЛОҚАЧИ ПОСБОННИНГ ЮТУҚЛАРИ



5 ASKAR
ILK KO'NIKMALAR – SHAYLIK OMILI



18 АСКАР УЙИГА ҚАЙТДИ
ТИЛ БИЛГАН – ЭЛ БИЛАР



24 МАДАНИЯТ
ЯНГИЛАНИШ НАФАСИ ИЛА

МАҲОРАТ

ҲАФТАДАН ҲАФТАГАЧА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Оқсаройда Қозоғистон Республикаси Бош вазири Карим Масимовни қабул қилди.

Мамлакатимиз раҳбари Ўзбекистон-Қозоғистон муносабатлари изчил ривожланиб бораётганини, айниқса, савдо-иқтисодий алоқалар кўлами йил сайин кенгаяётганини таъкидлади.

Ўзбекистон билан Қозоғистон ўртасидаги муносабатлар яхши қўшнилик ва қардошлик анъаналарига асосланади. Икки мамлакат раҳбарларининг ўзаро муносабатларни ривожлантиришга доир, минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик масалаларга қарашлари ўхшаш ва яқин. Ўзбекистон ва Қозоғистон халқаро майдонда бир-бирини қўллаб-қувватлаб келади. Президентларнинг кўп жиҳатдан ҳамфикрлиги сиёсий соҳада ўзаро ҳурмат ва ишончни мустаҳкамлашга, иқтисодий соҳада икки томонлама манфаатдорликни кучайтиришга хизмат қилмоқда. Мамлакатларимиз БМТ, МДҲ, ШҲТ каби қатор халқаро ва минтақавий ташкилотлар доирасида кўп томонлама асосдаги ҳамкорликни ривожлантирмоқда.

Оқсаройда бўлган учрашувда К.Масимов самимий қабул учун Президентимизга миннатдорлик билдириб, Қозоғистон Ўзбекистон билан ҳамкорликни ҳар томонлама ривожлантиришдан манфаатдор эканини таъкидлади.

Суҳбат чоғида Ўзбекистон-Қозоғистон муносабатларининг бугунги аҳволи ва истиқболларига оид масалалар юзасидан фикр алмашилди.

●

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 7 апрель куни Оқсаройда Малайзиянинг «Петронас» корпорацияси президенти Муҳаммад Ҳасан Марикан ва Жанубий Африка Республикасининг «Сасол» компанияси бош ижрочи директори Пэт Дэвисни қабул қилди.

Мамлакатимиз раҳбари меҳмонларни юртимизга ташрифи билан қутлар экан, Ўзбекистоннинг «Петронас» ва «Сасол» компаниялари билан ҳамкорлиги ривожланиб бораётганини, қатор қўшма лойиҳалар муваффақият билан амалга оширилаётгани бунинг тасдиғи эканини таъкидлади.

Ҳамкорлик кўлами нечоғли катта экани ҳақида «Петронас»нинг Ўзбекистонга киритадиган сармояси ҳажми қарийб 2 миллиард АҚШ долларига етиши кутилаётгани яхши тасаввур беради. «Сасол» компанияси мазкур завод қурилишида қатнашадиган учинчи томон бўлиб, корхона асосан унинг технологиялари билан жиҳозланади.

●

Мамлакатимизга ташриф буюрган Малайзиянинг «Петронас» корпорацияси президенти Муҳаммад Ҳасан Марикан ва Жанубий Африка Республикасининг «Сасол» компанияси бош ижрочи директори Пэт Дэвис юртимизнинг қатор вазирлик ва идораларида музокара ўтказди.

«Ўзбекнефтгаз» миллий холдинг компанияси билан «Петронас» корпорацияси ва «Сасол» компанияси ўртасида Ўзбекистон Республикасида синтетик суюқ ёқилғи ишлаб чиқариш лойиҳасини амалга оширишнинг асосий тамойиллари тўғрисидаги битим ҳамда ўзаро ҳамкорликка оид англашув меморандуми имзоланди.

ЎзА материаллари асосида тайёрланди.

Идет боевая учеба

ГОТОВЯТСЯ К ПРЫЖКАМ

В парашютно-десантных подразделениях личный состав с большим энтузиазмом принимает участие в занятиях по подготовке к предстоящим прыжкам. Чувствуется, что парашютисты истосковались по полетам под куполом.

На стапелях занятие по отработке элементов прыжка вел капитан Равшан Шамшиев, которому совсем недавно перед всем строем личного состава в торжественной обстановке был вручен нагрудный знак «Парашютист-инструктор». Это событие побудило офицера еще более ответственно подходить к организации учебного процесса в подразделениях.

– Парашютист не просто висит под куполом во время прыжка, он должен активно управлять процессом приземления и ориентирования в воздушных потоках, – говорит младший сержант Рустам Кадыров, имеющий за плечами более 50 прыжков. – В этом плане очень важно уже сейчас на земле тщательно вести отработку всех элементов, связанных с работой на стропах.

Еще одним объектом, на котором традиционно работают перед прыжком парашютисты, является тренажер ВДК. Поднимаясь вверх по крутым ступеням, они попадают в комнату, полностью имитирующую кабину транспортного самолета.

Именно здесь они совершают первые имитационные прыжки. Вот со скрежетом скользит по направляющим очередной воин, пролетая на солидной высоте над землей, чтобы в заданной точке совершить мягкое приземление под контролем инструкторов, которые четко отслеживают действия каждого, не забывая указать на ошибки и неточные движения.

– Горжусь тем, что мне выпала честь служить в десантном подразделении, – говорит рядовой Хайдарали Балтабаев, прибывший из Ходжаабадского района Андижанской области. – С первых дней учебного года с нами проводятся плотно занятия по подготовке к совершению прыжка.

– До службы в армии мне довелось отучиться в спортивном колледже, – включается в нашу беседу рядовой Фахриддин Сайдуллаев из Туракурганского района Наманганской области. – Занимался боксом, имею второй взрослый разряд. А здесь наши инструкторы учат нас также элементам рукопашного боя.

А вот рядовой Фаррух Тохтахунов из Багатского района Хорезмской области перед службой занимался каратэ, окончил колледж по специальности оператора ПЭВМ.

– В областном сборном пункте мы прошли строгий отбор, сдавали тесты, прошли испытания по физической подготовке, – говорит солдат. – Служба в армии намного интереснее, чем я себе представлял.

Заботливо укладывая парашюты, занимаясь на тренажерах, подолгу зависая на стапелях, прыгая с вышки и отрабатывая со всей тщательностью приземление, парашютисты с нетерпением ждут того дня, когда начнутся собственные прыжки. Ведь смысл мобильности «крылатой пехоты» давно и красиво изложен в строках песни, знакомой каждому десантнику: «синевою наполнять парашюты». Придет время, и распустятся в синеве эти белоснежные купола...

Майор Аблай КАМАЛОВ,
корр. «Ватанпарвара».
Фото **Бахрома АБДУРАХИМОВА.**



КЎТАРИНКИ РУҲДА НИШОНЛАНДИ

Наврўз айёми шукуҳи юртимиз узра кезиб юрган шу дамларда ҳарбий қисм ташкил топган кунига бағишланган тантанали байрам тадбири бўлиб ўтди.



Тадбирда Мудофаа вазирининг биринчи ўринбосари, Қуролли Кучлар Бирлашган штаби бошлиғи генерал-майор А.Косьяненко иштирок этиб, шахсий таркибни мазкур сана билан қизғин қутлади.

Қуролли Кучлар Бирлашган штаби бошлиғининг буйруғига асосан жанговар хизматдаги ютуқлари учун бир қатор ҳарбий хизматчиларга эсдалик нишонлари, қимматбаҳо совғалар, Фахрий ёрлиқлар топширилди. Тантанада сўзга чиққанлар сафдошларини қисм ташкил топган кун билан табриклаб, жанговар шайликни оширишда янги-янги марралар сари интилишларини билдиришди.

Тадбирда 21-меҳрибонлик уйи ҳарбий-спорт синфларида таълим олаётган ўсмирлар иштирок этиб, ҳарбий хизматчиларни қутлашди.

Қуролли Кучлар Марказий ашула ва рақс ансамбли ижросидаги дилрабо куй-қўшиқлар тадбирга янада файз бағишлади.

Ўз мухбиримиз.

МУНОСАБАТ

ИНСОН ВА УНИНГ ФАРОВОНЛИГИ ҲАҚИДА ҒАМХЎРЛИК – ИСЛОҲОТЛАР УСТУВОРЛИГИ



Бугун мамлакатимиз ва Қуролли Кучларимизда Президентимиз Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Қуролли Кучларининг 17 йиллик байрамига бағишланган Мурожаати ҳамда жорий йилнинг 13 февралида Вазирлар Маҳкамасининг мажлисида қилган маърузасидан келиб чиқадиган устувор вазифаларга кенг эътибор қаратилмоқда.

Юртбошимизнинг Мурожаати ва маърузаси – бу улкан сиёсий аҳамиятга эга бўлган ҳужжатлардир. Уларда – янги тарихимизнинг ҳозирги, ўта мураккаб ва масъулиятли босқичида мамлакатимизнинг яқин йиллар ва истиқболга мўлжалланган мақсад ва вазифалари, мураккаб иқтисодий ҳамда молиявий инқироз шароитларидаги иқтисодий стратегияси ва сиёсати борасидаги энг муҳим масалалар, ҳарбий ислоҳотларни чуқурлаштириш ва Қуролли Кучларнинг жанговар салоҳияти ва шайлигини янада юқори даражага кўтариш вазифалари таърифлаб берилган.

Жаҳон молиявий инқирози дунёнинг деярли барча мамлакатларини қамраб олди. Ривожланган ва ривожланаётган мамлакатларнинг кўпчилигида у янада кенг кўлам ва даражага эга бўлиб бормоқда, ишлаб чиқаришнинг пасайиши, ишсизликнинг ошиб бориши, аҳоли турмуш даражасининг ёмонлашишига олиб келмоқда ва кўп ҳолларда олдиндан айтиб бўлмайдиган характерга эга бўлмоқда. Иқтисодиётимиз муайян даражада жаҳондаги хўжалик ва молиявий алоқаларга ўзаро боғланганлиги сабабли жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози мамлакатимизга ҳам салбий таъсир кўрсатди ва ўз таъсирини ўтказишда давом этмоқда.

Бироқ, давлатимиз раҳбарининг оқилона сиёсати сабабли, 2008 йилда мамлакатимизда нафақат иқтисодиёт барқарорлигига балки юксак ва барқарор суръатларда ўсишга эришилди. Мисол учун, **ўтган йилда мамлакатда ялпи ички маҳсулот 9 фоизга, саноат ишлаб чиқариш ҳажми 12,7 фоизга ўсди. Бу — ривожланишнинг «ўзбек модели» нақадар тўғри ва ҳаётий эканлигининг яққол исботидир.**

Яна шуни ҳам таъкидлаб ўтиш лозимки, **дунё бўйича кундан-кунга кучайиб бораётган молиявий инқироз шароитларида мамлакатимизда кучли ижтимоий сиёсат изчиллик билан амалга оширилмоқда.** 2008 йилда иш ҳақи, пенсия, нафақа ва стипендиялар миқдори 51 фоизга ошди, 2009 йилда ҳам бу кўрсаткични ошириб бориш режалаштирилган.

Юртбошимиз раҳбарлиги остида 2009–2012 йилларга мўлжалланган Инқирозга қарши чоралар дастури ишлаб чиқилди ва у амалга оширила бошланди. Уни изчиллик билан рўёбга чиқариш бизга нафақат инқирознинг қийин даврига бардош бериш, балки олға интилишимизда ёрдам беради.

Давлатимиз раҳбари чуқур ўйланган иқтисодий сиёсатдан келиб чиққан ҳолда ўз Мурожаатида: **«Ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оилаларини ижтимоий ҳимоя қилиш самарадорлигини ошириш, армияда моддий рағбатлантириш тизимини янада такомиллаштириш бўйича белгиланган кенг кўламли чора-тадбирларнинг тўлиқ амалга оширилишини таъминлаш муҳим аҳамиятга эга»,** деб таъкидлайди.

1999 йилнинг апрелидаёқ Президентимиз Ислом Каримов ўзининг «Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда», деб номланган маърузасида: **«Аҳолининг ижтимоий ҳимоясини таъминлаш ислоҳотларнинг барча босқичида асосий йўналиш бўлиб хизмат қилади. Бу ислоҳотларимизга асос қилиб олинган беш тамойилдан биридир. Биз бундан кейин ҳам шу тамойилга таянган ҳолда иш олиб боришимиз керак»,** деб айтиб ўтган эди. Ушбу тамойилни амалга ошира бориб, республикамиз раҳбарияти халқимизнинг моддий фаровонлигини ошириш, унинг ижтимоий ҳимоясини, шу жумладан, Қуролли Кучлар ҳарбий хизматчиларининг ижтимоий ҳимояси ва таъминотини кучайтириш борасидаги вазифаларни изчиллик билан ҳал қилиб келмоқда.

Ўйлайманки, собиқ шўро давлати ҳудудидаги бирон-бир мамлакатда мустақил давлат тикланиши ва ривожланишининг барча босқичларида ҳарбий хизматчиларнинг ижтимоий таъминоти ва ижтимоий ҳимояси бўйича бизнинг миллий армиямиз билан таққослаша оладиган армия топилмайди.

Шу сабабли, собиқ иттифоқ парчаланиб кетгандан кейинги, хўжалик ишлаб чиқариш ва молиявий алоқалар бузилган, ишлаб чиқариш тубдан пасайиб кетган дастлабки йилларда инфляция (қадрсизланиш) даражаси тўхтовсиз ўсиб борди. Юртбошимизнинг узоқни кўзлаб олиб борган сиёсати бизга энг янги тарихимиздаги ушбу мураккаб даврни йўқотишларсиз, ортиқча сарф-харажатларсиз босиб ўтиш, мамлакатда тинчлик ва барқарорликни сақлаш, уни фуқаролар урушидан асраб қолиш, миллий қадриятларимизни сақлаб қолиш, шок терапиясини четлаб ўтишда катта ёрдам берди. Мамлакатимизда ҳарбий хизматчилар пул ва бошқа таъминот турларини мунтазам равишда, ўз вақтида олиб турдилар. Бу вақтда МДҲнинг бошқа давлатларида ҳарбий хизматчилар таъминотида бир неча ойлаб узилишлар юз бериб турар эди. Яна шуни таъкидлаймизки, офицерларнинг лавозим маошлари, сержант ва аскарларнинг пул таъминоти миқдори тизимли равишда ошириб борилди.

Ижтимоий ҳимоя ва таъминотни кучайтириш ҳарбий ислоҳотнинг энг муҳим таркибий қисмларидан бири. Хўш, сўнгги йилларда бу борада нима ишлар амалга оширилди?

Биринчидан, аскарлар, сержантлар ва офицерлар таркибининг яшаш ва хизматни ўташ бўйича ижтимоий-маиший шароитлари тубдан қайта кўриб чиқилди, ҳарбий хизматчиларнинг пул таъминотини ошириш учун мунтазам равишда қўшимча манбалар излаб келинмоқда. Офицерлар ва сержантлар учун замонавий ва қулай уй-жой фонди яратилмоқда, янги замонавий ҳарбий шаҳарчалар қурилмоқда ва ободонлаштирилмоқда, ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзолари учун мўлжалланган ётоқхоналар, турар-жойлар ва коттежларнинг ажойиб лойиҳалари ишлаб чиқилмоқда, барча жойларда ҳарбий хизматчилар ва улар оила аъзоларининг коммунал ва ижтимоий-маиший шароитлари яхшиланмоқда.

Иккинчидан, ҳарбий шаҳарчаларда ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзоларига кенг кўламдаги ижтимоий-маиший хизматлар кўрсатиш бўйича ҳарбий савдо тизими фаолиятини такомиллаштиришга йўналтирилган мақсадли дастур изчиллик билан амалга оширилмоқда.

Учинчидан, ҳарбий хизматчиларнинг озиқ-овқат таъминоти такомиллаштирилмоқда. 2005 йилдан ҳарбий хизматчилар овқатланиш рациони такомиллашиб, янада қувватли овқатлар билан бойитилди. Уларнинг хилма-хиллиги ошди, аскарлар овқати таркибига миллий таомлар – палов, манти ва бошқалар киритилди. Аскарлар ошхоналаридаги янги жиҳозлар, «Баттерфляй» типидаги қулай ва шинам идиш-товоқлар кўзни қувнатади.

Тўртинчидан, офицерлар ва сержантларнинг лавозим маошлари миқдори мунтазам ошириб борилган бир вақтда, муддатли ҳарбий хизмат ҳарбий хизматчиларининг пул таъминоти миқдорлари 2005 йилдан буён икки бараварга ошди, ҳарбий хизматдан бўшатилган вақтда бериладиган нафақа миқдори эса энг кам ойлик иш ҳақининг 16 бараваригача кўпайтирилди. Шартнома бўйича хизмат ҳарбий хизматчиларининг иш ҳақларига узоқ муддат хизмат қилганлиги учун қўшиладиган ойлик қўшимчалар миқдори анчагина оширилди.

Бешинчидан, муддатли ҳарбий хизмат ҳарбий хизматчиларига бериладиган имтиёзлар тизими такомиллашиб бормоқда. Қисмлар қўмондонлиги Тавсияномаларига эга бўлган ҳарбий хизматчиларга олий ўқув юртига ўқишга кириш вақтида ўтказиладиган тест синовларида йиғилиши мумкин бўлган энг кўп баллнинг 25 фоизи миқдорида қўшимча баллар кўринишида имтиёзлар берилиши белгиланган.

Агар абитуриент алоҳида ихтисосликлар бўйича мутахассис тайёрловчи олий ўқув юртларига киришда зарур миқдордаги балларни тўплай олмаса, у айнан ўша олий ўқув юртига шартнома асосида ўқишга қабул қилиниши мумкин. Бундай ҳолатда «Камолот» ЁИҲ агар талаба мазкур ёшлар ҳаракати фаолиятида мунтазам равишда фаол иштирок этса, бутун ўқув даври давомида унинг шартномаси миқдорининг 35 фоизини тўлайди. Ҳозирги вақтда мамлакат олий ўқув юртларида армиянинг мардлик ва жасорат мактабини ўтаган ҳамда жанговар ва ижтимоий-сиёсий тайёргарликда аъло натижаларга эришган 22 мингдан ортиқ ёшлар таълим олмоқда.

Ҳарбий қисмларда олий ўқув юртига кириб ўқиш ниятида бўлганлар учун барча шароитлар яратилган. Жумладан, ўқишга киришга тайёргарлик кўриш учун ҳафтасига 4 соатдан кам бўлмаган вақт ажратилган. Муддатли ҳарбий хизматдан резервга бўшаган ёшлар учун бепул тайёрлов курслари ҳам иш олиб бормоқда. Резервга бўшатилган ҳарбий хизматчилар учун ишга жойлашишда ҳам катта имтиёзлар берилган.

Ҳарбий хизматчиларни ижтимоий ҳимоялаш ва таъминлаш борасидаги ана шу ва бошқа чора-тадбирлар натижасида армия хизмати нуфузи янада ошди. Муддатли ҳарбий хизмат, сафарбарлик чақируви резервидаги хизмат ёшларнинг маънавий, моддий ва жисмоний такомиллашувининг қудратли қуроли, уларнинг интеллектуал ва умумтаълим даражалари ошиб бориши учун пойдевор, ҳаётга, Ватан олдидаги ўз бурчларини бажаришга онгли муносабатда бўлишларини шакллантириш, ватанпарварлик мактабига айланди.

Давлатимиз раҳбари ўз Мурожаатида: **«Яқин йиллар ичида ўнлаб замонавий ҳарбий шаҳарчаларни барпо этиш ва реконструкция қилиш, бу объектларда энг юксак талабларга ҳамда ҳарбий хизматчилар ва уларни оилаларининг эҳтиёжларига жавоб берадиган қулай ижтимоий-маиший шароит ва инфратузилмаларни яратиб беришимиз керак»,** деб таъкидлаб ўтган.

Кўриб турганимиздек, Қуролли Кучларимиздаги келгуси ижтимоий сиёсатнинг бош белгиловчи йўналиши – бу ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оилалари учун барча зарур ижтимоий-маиший шароитларни яратиш бўлиб, бунда ҳар бир ҳарбий хизматчи, у офицер, сержант ёки оддий аскар бўладими, қаерда хизмат қилмасин – шаҳарда ёки узоқ гарнизондами – барча жойда ўзини ишончли, қулай ва шинам шароитда ҳис қилсин. Бу борада Юртбошимизнинг : **«Ислоҳотлар — инсон учун!» деган эзгу ғоямизни ҳарбийлар учун ҳам тўла татбиқ этишимиз, уларнинг хизмати ва турмуши учун зарур барча шароитларни яратиб беришимиз шарт, бунинг учун давлатимизнинг салоҳияти ва маблағи етарли»,** деб белгилаб берган талабларидан келиб чиққан ҳолда муҳим ишлар амалга оширилмоқда.

Ана шундай фаол ижтимоий сиёсат туфайли истиқлол йилларида Қуролли Кучларга бўлган муносабат тубдан ўзгарди. Жамоатчилик Қуролли Кучларимизга миллий давлатчилигимиз ва мустақиллигимизнинг энг муҳим таркибий қисмларидан бири, ғурур ва фахримиз объекти сифатида қарамоқда. Чақирилувчиларни армияга кузатиш тантаналарига бир назар ташласангиз, ҳарбий хизмат нуфузининг қанчалик ошганлигига, у мамлакатимизнинг ҳар бир ёш фуқароси учун фахрли ва муқаддас бурчга айланганига яна бир бор амин бўласиз. Буни муддатли ҳарбий хизматга, шартнома бўйича ҳарбий хизматга ва олий ҳарбий билим юртларига ўқишга кириш учун ўтказилаётган танловларнинг юқори даражаси ҳам исботлаб турибди. Катта орзу-умидлар билан мустақил ҳаётга қадам қўяётган ёшлар учун армия хизмати муҳим пойдевор бўлмоқда, ҳаёт йўлини танлаб олишларида, олий, шу жумладан ҳарбий таълим олишларида кенг имкониятлар очиб бермоқда. Бугунги кунда армия мактабини ўтаган ёшлар мамлакатнинг энг фаол ва профессионал тайёргарликка эга бўлган кадрлари сафидан муносиб жой олмоқда.


Самарали ижтимоий сиёсат ва ҳарбий хизматчиларни ишончли ижтимоий ҳимоялаш – бу уларнинг машаққатли ҳарбий меҳнати, ўзини Ватан ҳимоясидек шарафли ва олийжаноб ишга бахшида этган кишиларнинг меҳнатига берилган муносиб баҳодир. Унда мамлакатимиз Президенти, Қуролли Кучларимиз Олий Бош қўмондонининг, давлатимиз раҳбарияти ва бутун жамиятимизнинг ўз қуролли ҳимоячиларига нисбатан оталарча ғамхўрлиги намоён бўлмоқда. Бу Ватанимиз сарҳадларини чексиз садоқат, ишонч билан қўриқлаётган Қуролли Кучларимизнинг жанговар салоҳияти ва қудратини, қисм ва бўлинмаларнинг ҳушёрлиги ва жанговар шайлигини янада оширишнинг энг муҳим шартидир.

А. ХЛИЗОВ.

АРМИЯМИЗ СУЯНЧИ ВА ТАЯНЧИ

АЛОҚАЧИ ПОСБОННИНГ ЮТУҚЛАРИ

Профессионаллик сари дадил одимлаётган сержант Шуҳрат Раҳмонов ҳарбий жамоада ўз ўрнига эга кичик командирлардан. Сержантнинг жанговар сафлардаги хизмати бошланганига яқинда саккиз йил бўлади.



Қаҳрамонимиз шу вақт ичида билим ва маҳорати, салоҳиятини намоён қила олди. Муддатли ҳарбий хизматини мотоўқчилар қисмида ўтаган посбон қалбида ҳарбийлик касбига бўлган қизиқиш, айни шу кезларда пайдо бўлди. Кечаги намунали аскар, бугун шартнома бўйича илғор, профессионал кичик командир.

– Ҳарбийликдек шарафли касбга бўлган ҳавасим аскарлик кезларимда пайдо бўлганди, – дейди у биз билан суҳбатда. – Армияда яратилган шарт-шароитлар, офицер ва сержантларнинг биз посбонларга бўлган муносабати бу касбни танлашимда асосий туртки бўлди. Шу вақт ичида ўз соҳам бўйича жуда кўп билим ва кўникмаларни эгалладим.

Хизмати мобайнида мақоламиз қаҳрамони кўпгина натижаларни қўлга киритиб, сафдошларига ўрнак бўлди, командирлари эътиборига тушди.

– Сержант Раҳмонов ўз вазифасини шараф билан уддалаб келаётган ҳарбийларимиздан бири ҳисобланади, – дейди офицер Улуғбек Ҳасанов. – У алоқа воситалари бўйича етук мутахассис. Унинг машғулотларда фаол иштирок этиб, олдига қўйилган топшириқни виждонан бажаришга бўлган интилиши ва соҳасининг сир-асрорларини мукаммал билиши жамоанинг илғорлар қаторига чиқишига ёрдам бермоқда.

...Гуруҳ тоғ дараси бўйлаб ҳаракат қилмоқда. Гуруҳнинг вазифаси шартли душманни излаб топиш ва улар ҳақида тўлиқ маълумот йиғиб, юқори қўмондонликка ахборот беришдан иборат. Ёмғирли кунда тоғда ҳаракат қилиш анча мураккаб. Бироқ бундайин вазифаларни бажариб, ҳар томонлама тажрибага эга бўлган посбонлар қийинчиликни енгиб, олға интилишмоқда. Гуруҳ мерганлари шартли душман жойлашган ҳудудни аниқлаб, командирга ахборот беришди. Шартли душман ўз ҳаракатини давом эттириш мақсадида эканлигини пайқаган командир алоқа воситаси орқали юқори қўмондонликка зудлик билан хабар беришни маъқул топди. Аммо ёмғир сабаб қисқа тўқнашув ҳосил бўлиб, алоқа воситасида носозлик келиб чиқди. Аммо шу пайтда гуруҳ алоқачиси сержант Раҳмоновнинг ўз соҳасини пухта билиши асқотди. Кичик командир қисқа фурсат ичида алоқа воситасидаги носозликни бартараф этиб, керакли маълумотларни узатди. Унинг тажрибаси гуруҳнинг жанговар вазифани аъло даражада уддалашида муҳим бўлди.

Кичик командирнинг бу каби дала машғулотларида юқори натижага эришишида сержантлар тайёрлаш мактабида таҳсил олиб, ҳарб илмини пухта ўзлаштирганлиги, ҳарбий педагогика ва психология фанларидан етарли билимларга эга эканлиги ва ўз устида ишлаши катта ёрдам бермоқда. Сержант спортнинг енгил атлетика тури билан мунтазам шуғулланиб боради. Бу борада кўплаб яхши натижаларни қўлга киритган. Ўтган ўқув йилида ўтказилган оммавий спорт ишлари кўригида илғорлар сафидан жой олишига ҳам енгил атлетика билан шуғулланиб бориши катта ёрдам берди.

– Соҳамни яхши кўраман, мард ўғлонлар орасида хизмат қилаётганимдан фахрланаман, – дейди сержант Ш. Раҳмонов. – Ахир эр йигит учун Ватан тинчлигига, эл-юрт корига камарбаста бўлишдан ортиқ шараф бўлмаса керак. Айни кунларда янги ўқув йили машғулотларини кўтаринки руҳда ўтказаяпмиз. Гуруҳимиз билан шу кунга қадар кўплаб ютуқларга эришдик. Бундан кейин ҳам хизматимизни сусайтирмасдан, синов машқларидан аъло баҳоларга ўтиб, илғорлар сафидан жой олишни мақсад қилганмиз.

Округ миқиёсида ўтказилган «Энг яхши алоқачи» танловида фахрли ўринни эгаллаган сержант Раҳмонов қўмондон томонидан Фахрий ёрлиқ билан ҳам тақдирланган.

Дарҳақиқат, бугун сержантлар корпусига улкан эътибор қаратилмоқда. Улар сержантлар тайёрлаш мактабларида ўқиб, ўз мутахассисликлари ва соҳалари бўйича мукаммал билим ва тажрибага эга бўлишмоқда. Бунга сержант Шуҳрат Раҳмоновнинг фидокорона хизматлари ҳам яққол мисол бўла олади.

Аҳрор ОЧИЛОВ,
«Ватанпарвар» мухбири.
Муаллиф суратга олган.

МОҲИР МУТАХАССИС



Инсон одатда меҳр қўйган соҳасига тез мослашиб кетади. Масалан, унинг дунёқараши, фикрлаши, ўзини тута билиши, муомаласи, ҳатто кийинишига қараб қайси касб эгаси эканлигини англаш мумкин. Ҳарбий соҳа вакиллари ҳам худди шундай. Жиддий, фикри теран, ҳаракатлари кескир, ҳушёр ва эътиборли. Шу сабабли улар ҳақида ҳар гал мақола тайёрлаётганимда юртимнинг шундай фидойи фарзандлари, муносиб қалқонлари борлигига шукроналар келтираман.

Ўз соҳасининг етук мутахассиси шартнома бўйича хизмат кичик сержанти Абдулла Рўзибоев билан бўлган суҳбат ҳам менда катта таассурот қолдирди. У камтарлик қилибми, ўз ютуқлари ҳақида кўп тўхталмаган бўлса-да, офицер Шароф Эшқобиловнинг қаҳрамонимиз ҳақидаги фикрларидан кўп нарсани англадим.

– Рўзибоев эгаллаган соҳасининг ҳақиқий профессионали,– дейди офицер кичик сержант ҳақида сўз кетар экан. –2008 йилда «Энг илғор сержант» танловида 3-ўринга муносиб топилган. Йигитларнинг қай даражада моҳирлиги, ўзлаштирган билим ва кўникмалари якуний синовларда яққол кўзга ташланади. Бу ҳарбий хизматчимиз ҳам ҳар бир йўналишда, яъни ижтимоий-сиёсий, жисмоний, тактик, отиш ва саф тайёргарлиги, топография ва тоғ тайёргарликлари бўйича фақат аъло натижаларни қўлга киритиб келаяпти. Оиласи ҳам барчага ўрнак. Бу йил ҳарбий қисмимизда ўтказилган «Энг ибратли оила» танловида биринчи ўринга ушбу оила муносиб топилди. Шу сабабли ҳам хизматда, ҳам шахсий ҳаётдаги ўрнига эга Рўзибоевни сафдошларига ўрнак қилиб кўрсатамиз.


Тоғли ҳудудда амалий машғулот ўтказиляпти. Тажрибали кичик командир кичик сержант Рўзибоев бўлинмаси ишонч билан ҳаракат қилди. Шартли душман эгаллаган маррани аниқлаш, пистирма қўйиш каби вазифалар бекаму кўст бажарилди. Маҳорат ва жанговар малака ўз сўзини айтди, шартли душман тезда бартараф этилди... Бу қаҳрамонимизнинг кундалик фаолиятидан бир лавҳа.

– Муддатли ҳарбий хизматни ўтаб юрганимдаёқ орзуим мақсадга айланди, – дейди у касби ҳақида сўз кетар экан. – Аскарлик бурчимни ўтагач, шартнома асосида хизматни давом эттиришига қарор қилдим. Яқинларим ҳам мени қўллаб-қувватлашди. Эришган ютуқларимда устоз офицерлар Одилжон Ҳусанов, Зафар Йўлдошев, Қаҳрамон Эрматовларнинг муносиб ўрни бор. Шартнома бўйича хизмат сержантлари Мансур Нурматов, Холмурод Бобожоновлар эса менга ҳамфикр, елкадош. Мақсадим Миллий армиямизнинг муносиб посбони бўлиш. Унинг нуфузи янада ошишига ҳисса қўшиш.

Абдулла Хоразм ўғлони. Қадим-қадимдан маълумки, бу воҳа фарзандлари қони қайноқ, орияти уйғоқ. Бу жиҳатларни қаҳрамонимиз сингари моҳир йигитлар мисолида кўриш мумкин. Абдулла сингари йигитларнинг мустақил Ватанимизнинг муносиб қалқони бўлиш билан бирга, элпарвар, оилапарвар инсон эканлиги янада ибратли. Бугун Рўзибоевлар хонадонида Нодира, Рустам, Алишер каби юрт келажаклари вояга етишаяпти. Улар оталари каби юртга муносиб фарзанд бўлишади, шубҳасиз.

Зарина НИШОНОВА.

БОЛАЛИК ОРЗУСИ УШАЛДИ БУГУН



Қисқа фурсат ичида миллий армиямизда моҳияти ва кўлами жиҳатидан улкан ишлар амалга оширилди. Албатта, уларни бирма-бир санаб ўтиш фикридан йироқмиз. Аммо сержантлар тайёрлаш мактабларининг фаолияти ҳақида тўхталмаслик мумкин эмас. Мазкур мактабларнинг фаолияти кичик командирлар мавқеини сезиларли даражада оширди.

Дарҳақиқат, улар ҳам ўз навбатида юксак ишончни шараф билан оқлаш йўлида фидойилик билан хизмат қилмоқдалар. Қуйида ана шундай фидойилардан бири, ўз тақдирини Ватан тақдири билан чамбарчас боғлиқ, деб биладиган курсант Шерали Тошпўлатов ҳақида ҳикоя қиламиз. Мулоҳазали, жиддий, камгап, техника сир-асрорларини мукаммал ўзлаштирган йигит айни кунда сержантлар тайёрлаш мактабида таҳсил олмоқда.

Шерали муддатли ҳарбий хизматга қадар мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилотининг ҳайдовчилар тайёрлаш курсида таҳсил олди. Бу ерда таҳсил олиш Шерали учун ҳеч қандай мураккаблик туғдирмади. Чунки у ўн беш ёшидаёқ техникалар ҳақида етарли тасаввур ва билимга эга эди. Отаси Чори ака узоқ йиллар ҳайдовчилик касбида ишлаган. Табиийки, ўғил болалар даставвал ота касбига меҳр қўядилар. У ҳам ота касбига меҳр қўйди. Ва шу касб орқали ҳаётда ўз ўрнини топди. Ҳайдовчиликка қизиқиши келажакда ҳам ўз самарасини берди. Посбон ўғлон ҳайдовчи вазифасида хизматини бекаму кўст уддалаб, жамоасининг илғорлар сафида бўлишига ҳисса қўшди. Оддий аскарнинг фидокорона хизматлари муносиб тақдирланиб, Ватан ҳимоячилари байрами арафасида қисм қўмондонлиги томонидан рағбатлантирилди. Муддатли ҳарбий хизматдан сўнг шартнома асосида хизматини давом эттириш истагини билдирганида командирлари мамнуният билан унинг қарорини маъқулладилар. Чунки у хизмат давомида ҳамма тайёргарликлардан аъло натижалар кўрсатиб, шарафли касбга қанчалар муносиб эканлигини исботлади.

Шерали Шеробод туманининг Пашхурт қишлоғида туғилиб ўсган. Сурхон воҳаси елкаси ер искамаган полвонлари билан азалдан шуҳрат қозониб келади. Бу ерда йигитлар болаликдан кураш тушиб катта бўладилар. Шерали ҳам ана шундай азамат ўғлонларнинг бири. Полвон йигит ҳарбий хизматда ҳам ўзини кўрсатди. У округ миқёсидаги спорт мусобақаларида ҳамиша фахрли ўринларни эгаллаб келди. Бугунги кунда ҳам кураш тушишни канда қилган эмас. Бунинг учун у таҳсил олаётган сержантлар тайёрлаш мактабида барча шарт-шароитлар етарли.

– Мактабимизда ҳаётини армия билан боғлашга аҳд қилган алп ўғлонлар таҳсил олади, – дейди офицер Фарҳод Ортиқов. – Курсантлар билан ишлаш жараёнида ҳар бирининг шарафли касбга чексиз меҳри, иқтидори борлигини сезиб олиш қийин эмас. Аммо ана шундай сараланган йигитлар орасида ҳам ҳарб илмига алоҳида қобилияти бўлган йигитлар ажралиб турадилар. Улардан, айниқса, курсант Шерали Тошпўлатовни алоҳида тилга олиб ўтсак арзийди.

Танлаган касби ҳақида унинг ўзи шундай дейди:

– Мен ўзимни бошқа касбда тасаввур ҳам қилиб кўрмаганман. Ҳарбийлик ҳақиқий йигитлар касбидир. Шарафли касбнинг ўзига яраша мураккаб жиҳатлари ҳам йўқ эмас. Аммо Ватан деганда қийинчиликлар ҳақида ўйлаш эр кишига ярашмайди. Ватанга хизмат қилишни мен фарзандлик бурчим деб биламан. Агар хизмат давомида, ўқишда бирозгина муваффақиятга эришган бўлсам, бунда албатта, аҳил жамоадошларим, жонкуяр устозларимнинг катта ҳиссаси бор. Айниқса, устоз офицерлар Давлет Какаев, Бахтиёр Юнусовлардан миннатдорман. Сержантлар тайёрлаш мактабидаги таҳсил ҳаётимнинг энг унутилмас кунларига айланиб қолиши шубҳасиз. Бу ерда ҳарб илмини мукаммал эгаллашимиз учун барча шарт-шароитлар етарли. Машғулот хоналари замонавий ўқув воситалари ва кўргазмали қуроллар билан жиҳозланган. Спортга катта эътибор қаратилади. Мактаб бўйича турли беллашувлар ўтказиб турилади. Бир сўз билан айтганда, асосий мақсад бўлғуси профессионалларнинг ҳарб илмини пухта ўзлаштиришларига қаратилган.

Ҳа, кейинги йилларда сержантлар тайёрлаш мактабида янада катта ишлар амалга оширилиши режалаштирилган. Бу ўз навбатида таълим самарадорлигини янада яхшиланишига, такомиллашувига олиб келади. Демакки, миллий армиямиз сафлари Шерали Тошпўлатов каби садоқатли, зукко ўғлонлар билан тўлиб боради.

Инобат ИБРОҲИМОВА,
«Ватанпарвар» мухбири.

ASKAR

ILK KO‘NIKMALAR – SHAYLIK OMILI



Shu kunlarda barcha qism va bo‘linmalarda yangi o‘quv yili mashg‘ulotlari ko‘tarinki ruhda davom etayapti. Ayniqsa, saflarga yaqinda qo‘shilgan askarlar uchun bu davr o‘ta mas’uliyatli hisoblanadi.

Darhaqiqat, o‘tkazilayotgan jangovar va ijtimoiy-siyosiy, jismoniy tayyorgarlik mashg‘ulotlari askarlarning ilk harbiy ko‘nikmalarni hosil qilishida katta o‘rin tutmoqda. Qismga kelganimizda posbonlar bilan yangi o‘quv yilining ilk mashg‘uloti, ya’ni «trevoga» komandasi bo‘yicha o‘quv mashqi o‘tkazilayotgan ekan. Oddiy askar Sultonbek Qayumovning harakatlarini kuzatib, uning o‘z vazifasini mahorat bilan bajarayotganiga guvoh bo‘ldik. U buyruqni eshitgani zahoti, harbiy liboslarini kiydi va o‘rnini tezkorlik bilan yig‘ishtirdi. Shundan so‘ng biriktirilgan qurolni olish uchun qurol-aslaha saqlash xonasiga yetib keldi hamda qayd qilish daftariga imzo chekdi. Yelkasiga quroli, safar qopini va ommaviy qirg‘in qurollaridan himoya qilish vositasini ilib, qism qurol-aslaha saqlash ombori tomon yugurib ketdi. Soqchiga qo‘shimcha yordam kuchi sifatida kelgan o‘g‘lon postni himoya qilishga e’tibor qaratdi va o‘z vaqtida komandirga axborot berib turdi. Askarning mazkur mashg‘ulot bo‘yicha qilgan aniq va tezkor harakati komandirlari tomonidan yuqori baholandi.

O‘quv mashg‘uloti tugaganidan so‘ng, ofitser Bahodir Otamurodov posbonlar bilan yong‘in havfsizligi bo‘yicha mashg‘ulot olib bordi. Qism yong‘in havfsizligi burchagi barcha zarur vositalar bilan jihozlangan bo‘lib, favqulodda hodisa ro‘y berganda ishlatishga shay holatda turibdi. Ofitser posbonlarga yong‘inni o‘chirish jarayonida kerak bo‘ladigan asbob va vositalarning umumiy tuzilishi, texnik tavsifi va ishlatilishi haqida batafsil ma’lumot berib, uni amalda ko‘rsatdi. Shundan so‘ng, har bir posbon bu vositalardan foydalangan holda mashq bajarishdi. Mashg‘ulot yakunida posbonlar ichidan o‘t o‘chirish guruhi tuzilib, ularning vazifalari belgilab berildi.

– Armiyaga qadar Buxoro avtomobil yo‘llari kasb-hunar kollejida o‘qib, soham bo‘yicha kerakli bilimlarga ega bo‘ldim, – deydi buxorolik oddiy askar Akbar Egamov. – Armiyaga bo‘lgan ishtiyoqim tufayli muddatli harbiy xizmatga keldim. Xizmatimni namunali o‘tab, amakim serjant Umid Egamov kabi harbiy sohada faoliyat yuritishni maqsad qilganman. Shu bois, mashg‘ulotlar jarayonida ko‘proq bilim olishga intilayapman. Bugungi amaliy mashg‘ulotlardan ancha narsani o‘rgandim. Ayniqsa, yong‘in havfsizligi bo‘yicha o‘tkazilgan mashg‘ulotdan yetarli bilimlarga ega bo‘ldim. Yong‘in sodir bo‘lganda uni o‘chirishni va vositalarni ishlatishni bilmasak, davlat mulkiga zarar yetishi mumkin. Bu borada yanada ko‘proq tajribaga ega bo‘lish maqsadida o‘t o‘chiruvchilar guruhiga a’zo bo‘ldim.

Tushlikdan so‘ng, qism avtomobil parkida posbonlar bilan texnika havfsizligi qoidalari va jangovar mashinalarning tuzilishi, ishlashi bo‘yicha amaliy mashqlar o‘tkazildi. Mashg‘ulotlarni ofitserlar Rashid Ashurov, Dilmurod Gaipov hamda kichik serjantlar Shuhrat Davlatov, Laziz Jabborovlar yuksak saviyada olib borishdi.

– Yig‘in davomida posbonlarga harbiy bilimlarni turli ko‘rgazmali qurollar va adabiyotlar asosida yetkazgan bo‘lsak, – deydi ofitser Avazbek Qoraboyev, – endi ular har bir mashg‘ulotni amalda, ya’ni dala sharoitida o‘tamoqdalar. Asosiy e’tiborni saflarga yaqinda qo‘shilgan askarlarni harbiy hayotga ko‘niktirish, soha bilimlarini puxta o‘zlashtirishlariga yordam berish, ular qalbida Vatanga muhabbat, vatanparvarlik tuyg‘ularini shakllantirishga qaratayapmiz. Mashg‘ulotlarni kuzatar ekanmiz, posbonlarning har bir jarayonga diqqat bilan e’tibor berishib, ko‘proq narsani o‘rganishga intilayotganlariga amin bo‘ldik.

Darhaqiqat, ulardagi g‘ayrat va shijoat, intiluvchanlik tuyg‘ularining yuksakligi isbotini topib turibdi. Ular bilan suhbatlashish jarayonida aksariyatining kelajakda harbiylikda faoliyat yuritishini bildik. Posbonlarning xizmatlarini namunali o‘tab, ezgu maqsadlariga yetishishlariga ishonch bildirib qolamiz.

Ahror OCHILOV.
Abdulaziz MIRZARAIMOV olgan surat.

Tahririyatga maktub

HARBIY KASB – YIGITNING ZIYNATI

Farzand yig‘isi yangragan xonadondagi baxtli lahzalarni, xursandchilikni tasavvur qilib ko‘ring-a?! Yangi «mehmon»ning tashrifi ko‘ngillarga surur baxsh etadi, ko‘zlarni-da quvontiradi. Go‘dak dunyoga kelgan hamonoq bobolari unga ism qo‘yish payiga tushishadi, momolari beshigini bezatib, beshik to‘yiga hozirlik ko‘ra boshlaydilar.

Biz ham o‘g‘limiz Mirolim tug‘ilganda benihoya sevingan edik. Axir «O‘g‘li borning o‘rni bor», deb bejiz aytilmagan-da. Uning xulqiga, o‘qishiga doimo jiddiy e’tibor qaratib kelganman. Chunki ilmli, hunarli inson har qanday qiyinchilikni yengib o‘tishga qodirdir. Quvonganim, Mirolim bergan o‘gitlarim, maslahatlarimga amal qilib yaxshi o‘qidi, hamisha o‘z yutuqlari bilan bizni quvontirib keldi. Ayniqsa, uztozlari bizni ko‘cha-kuyda uchratishganda u to‘g‘rida iliq so‘zlar aytishib, shunday tarbiya berganimiz uchun chin yurakdan minnatdorchilik izhor qilishganda, ich-ichimizdan g‘ururlanardik.

Kasb-hunar kollejini bitirish arafasida u bizni yana bir karra quvontirdi. Ta’lim dargohidan berilgan yetuklik guvohnomasini qo‘limga tutqazar ekan, Vatan oldidagi konstitutsiyaviy burchini o‘tashga ahd qilganini ma’lum qildi. Armiyaga tantanali kuzatish marosimida ishtirok etib, Vatanni himoya qilish, uning sarhadlari daxlsizligini ta’minlashdek sharafli va muqaddas ishga bel bog‘lagan posbonlar safida farzandimning ham borligi qalbimda hayajon, iftixor hissini uyg‘otdi.

Navro‘z bayrami arafasida o‘g‘lim Vataniga, xalqiga, Prezidentiga sodiq bo‘lishga, o‘z burchini sidqidildan, mardonavor o‘tashga qasamyod qildi. Tantanali marosimga oila a’zolarimiz bilan bordik. Harbiy qismda Vatan himoyachilariga yaratilgan shart-sharoit, ularning ta’lim olishlari, harb ilmiga oid saboqlarni mukammal o‘zlashtirishlari, sohasining bilimdoni bo‘lib yetishlari, ham ma’nan, ham jismonan barkamol inson bo‘lib shakllanishlariga qaratilgan imkoniyatlarni ko‘rdik.

Shu o‘rinda Vatan oldidagi yigitlik burchini o‘tayotgan o‘g‘lonlarimizga harb ilmining sir-asrorlarini o‘rgatayotgan, ularning har tomonlama kamol topishiga munosib hissa qo‘shayotgan, bu borada ulardan yordamlarini, maslahatlarini ayamay kelayotgan harbiy jamoaga, ofitser va serjantlarga, qolaversa, posbonlar hayoti bilan yaqindan tanishishimizda yordam bergan ofitser Otabek Saidovga o‘z minnatdorchiligimni bildiraman.

Kozimjon SODIQOV.
Andijon viloyati.

Yondaftarchangizga

MASHG‘ULOTDA NIMALAR TAQIQLANADI?

Mashg‘ulotlar paytida xavfsizlik talablariga rioya qilish jangovar yutuqlarni ta’min etishda muhim. Quyida qurol usullari bilan mashg‘ulotlarini bajarishda nimalar taqiqlanishi borasida ma’lumotlar berib o‘tamiz.

Saf tayyorgarligi mashg‘ulotlarini qurol usullari bilan bajarishda quyidagilar taqiqlanadi:

– qurolni boshqa harbiy xizmatchilar (odamlar) tomon yo‘naltirish;
– o‘zining qurolini o‘zga shaxsga berish;
– qurolni saf maydonida tashlab ketish;
– saf usullarini bajarishda qo‘ndoqni yerga qattiq urish;
– mashg‘ulotlar orasidagi tanaffuslarda qurolni (piramida ko‘rinishida) yig‘ib qo‘yish;
– qurolni saqlagichdan yechish;
– zaruratsiz qurolni jangovar holatga keltirish.

Dala mashg‘ulotlarida quyidagilar taqiqlanadi:

– qurolni saf nizomi talablarini buzgan holda olib yurish;
– qurol o‘qlangan yoki o‘qlanmaganligidan qat’iy nazar boshqa harbiy xizmatchilar (odamlar) tomon yo‘naltirish;
– qurolni yerga, balchiqqa, suvga tashlash;
– stvol va stvol qutisini har xil latta, bint va shu kabi matolar bilan o‘rash;
– qurolning gaz kamerasi ichini qiradigan qum va boshqa materiallar bilan tozalash;
– o‘qotar qurolni qismlarga to‘liq ajratish;
– benzin va dizel yonilg‘isi bilan qurol tozalash.

Qorovul xizmatini o‘tash paytida quyidagilar taqiqlanadi:

– qurolni qismlarga ajratish va tozalash;
– qurolni qurol saqlash javonidan ruhsatsiz olish;
– o‘qdonni avtomatga ruhsatsiz biriktirish;
– qurol o‘qlangan yoki o‘qlanmaganligidan qat’iy nazar odamlarga yo‘naltirish (garnizon va qorovul xizmati nizomida ko‘zda tutilgan holatlardan tashqari);
– patronni patrondonga zaruratsiz yuborish.

ISHONCHNI OQLAYMIZ

Saflarda yaqinda qo‘shilgan askarlar xizmat qilayotgan qismda bo‘lganimizda ular uchun yaratilgan shart-sharoitlarni ko‘rib, juda quvondik. Ayniqsa, askarlar bilan suhbatlashish asnosida, ularning harbiy xizmatdagi ilk taassurotlari va kelajakdagi maqsadlari bizda katta taassurot qoldirdi.



Oddiy askar Nodir SOLIYEV, Farg‘ona viloyatidan:

– Yoshligimdan egnimga harbiy libos kiyib, Vatan himoyasiga kamarbasta bo‘lishni orzu qilardim. Mana bugun orzuim ro‘yobga chiqdi. Tengqurlarim qatori el-yurt osoyishtaligi yo‘lida munosib hissa qo‘shishga intilayapman. Armiyaga kelgan ilk kunimdanoq, bizlar uchun yaratilgan sharoitlar men va safdoshlarimda katta taassurot qoldirdi. Zamonaviy sport shaharchasi va trenajyorlarda jismonan chiniqayotgan bo‘lsak, ilmiy va badiiy adabiyotlarga boy kutubxonada ma’naviy bilimlarimizni yanada oshirayapmiz. Shuningdek, sohamiz bo‘yicha malakali va tajribali ofitser hamda serjantlardan bilimlarni puxta egallayapmiz. Harbiy xizmatgacha Marg‘ilon shahridagi xorij tillarini o‘rgatish kursida o‘qib, ingliz, fransuz va rus tillarini o‘zlashtirdim. Hozir shu tillarda bemalol gaplasha olaman. Kelajakdagi maqsadim – shartnoma asosida xizmatimni davom ettirish.



Oddiy askar Jamshid MUHAMMADOV, Buxoro viloyati, Shofirkon tumanidan:

– Xizmatga bayramona kuzatilayotgan kunimiz ustimga harbiy libosni kiyganimda, qalbimni g‘urur, faxr tiyg‘ulari chulg‘adi.


Mana, harbiy qismga yetib kelib, ilk xizmatimizni boshladik. Hozirda bor kuchimni harbiy bilimlarni o‘rganishga sarflayapman. Men ham safdoshim kabi muddatli harbiy xizmatimni namunali o‘tab, shartnoma asosida xizmatga qolishni rejalashtirib qo‘yganman. Buning uchun sidqidildan xizmat qilib, o‘zimni har tomonlama chiniqtirishim kerak. Bunga esa imkoniyatlarim ham, shart-sharoitlar ham yetarli. Xizmatdagi eng unutilmas lahzalardan biri – bu Harbiy qasamyod qabul qilgan kunim bo‘lib qolsa, ajabmas. Eng asosiysi chegarachilar safida xizmat qilayotganimdan faxrlanaman. Bu men uchun katta sharaf va mas’uliyat. Hozirda chegara xizmatini o‘tash tartiblarini o‘rganib, o‘zimizni ham jismonan, ham ma’nan chiniqtirib boryapmiz.

Podpolkovnik M. MATAYEV suhbatlashdi.

ҚУТЛУҒ

СОҲИБҚИРОН БАЙРОҚЛАРИ

Давлатчилик тарихида байроқларнинг ўрни беқиёс. Чунки у мамлакат рамзи, қўшинлар ифтихори, халқ орзу-умидларининг ифодаси ҳисобланган. Қадимда жанг майдонларида аскарлар ўз байроқларидан кўз узмаганлар. У ҳилпираб турган бўлса, руҳланиб янада олға боришган.



Темурийлар даври миниатюралари ўша даврларда турлича маънони ифодаловчи байроқлар бўлганидан далолат беради. Демак, шундан ҳам билса бўладики, туғ, ялов ва байроқларнинг аҳамияти жуда юқори бўлган.

Соҳибқирон Амир Темур қўшинида ҳарбий юришлар вақтида, жанг палласида байроқларнинг барча сарбозлар ва сипоҳийларга кўринарли даражада ҳилпираб туришига урғу берилган.

Ҳар бир қўшин турининг махсус байроғи ҳамда туғи бўлиб, жанг майдонига тушиш буйруғи янграгач, ҳар бир гуруҳ ўз туғи остида ёғийга ташланган ва қайта сафланиш зарурати туғилса, осонгина жой-жойларига тўпланган. Чунончи, қўшиннинг ҳировул, буронғор, жувонғор каби қисмларининг махсус байроқлари бўлгани тарихдан бизга маълум. Мазкур байроқларга ой, қуёш, юлдуз рамзлари, қўшин турининг белгиси туширилган.

Ҳарбий юришлар чоғида лашкарбоши қароргоҳи асосий марказ саналган. У ерда байроқ ҳилпираб, ҳамма томондан кўриниб турган. Бу байроқ воситасида қўшинларга буйруқлар маълум қилинган. Лашкарбоши ва қўшин сардорлари байроқнинг шартли ҳаракатига қараб, ҳужумга ўтишган, қўшинлар ўрнини ўзгартиришган, чекинишган. Турли рангдаги байроқлар турли шартли маъноларни англатган.

Амир Темур қўшинида маълумотларни етказишга доир алоҳида "шартли белгилар тили" ишлаб чиқилгани диққатга сазовордир. Масалан, оқ байроқ кўтарилса, ёрдам кучи етиб келгани ёки муҳорабада ғалаба қозонилгани англашилган. Агар лашкарбоши байроғини одатдагидан анча баланд кўтарса, бу унинг қўшини хавф остида қолганини билдирган. Байроқнинг ерга ташланиши таслим бўлиш, мағлубиятни тан олиш рамзи ҳисобланган. Шу боис жанг давомида байроқлар қўлга киритилишига астойдил ҳаракат қилинган.

Муаррихларнинг гувоҳлик беришларича, забт этилган шаҳар, қалъа ва қўрғонларнинг деворлари устига ғолиб ҳукмдорнинг байроқлари осиб қўйилган. Агар лашкарбоши вафот этса, унинг байроғи дафн маросими пайтида тобут билан бирга қабрга қўйилган.

Ўша пайтларда тахт эгалари жангларда жасорат кўрсатган, ўзининг матонати ва садоқати билан барчага ўрнак бўлган амир ва лашкарбошиларни тақдирлаб, уларга суюрғол билан биргаликда байроқ ва туғ инъом этишган. Чунки байроқ халқ томонидан ҳукмдорлик, ҳукмфармолик рамзи сифатида қабул қилинган ва унга эга бўлганларга бўйсунилган. Шунинг учун ҳам, улуғ пир Шайх Амир Барака Соҳибқирон Амир Темурга байроқ ва ноғора топшириб, уни ҳокимиятни эгаллашга даъват этган эди.


«Темур тузуклари»да ёзилишича, Бош лашкарбошининг иккита фахрий белгиси бўлган. Булар: туман-туғ ва чор-туғ. Уларни лашкарбоши ҳарбий юришлар чоғида доимо бирга олиб юрган. Тарихчи Ғиёсиддин Алининг хабар беришича, Соҳибқирон Олтин Ўрда ҳукмдори Тўхтамишхон қўшинлари билан Терекда рўбарў келганида душман қўшини яловбардорини қўлга олган ва байроқни ерга ташлаттирган. Табиийки, бу ҳаракат моҳиятидан яхши хабардор бўлган ёв навкарлари жангни тўхтатишган. Бу эса Амир Темур қўшинининг ғалабасига олиб келган. Яна бир жангда бобокалонимиз томонидан ўйланган режага мувофиқ душман аскарлари кўнглига қутқу солиш мақсадида одамлар ўртасида мўғуллар келгани ҳақида ёлғон хабар тарқатилади ва уни тасдиқлаш мақсадида бир гуруҳ туркий сипоҳийлар мўғул байроқлари билан таъминланади. Малик Баҳодир қўшини бунга лаққа тушиб, шу заҳоти чекинади ҳамда мағлубиятга учрайди.

Шероз, Табриз ва Ҳиротда XIV – XV асрда яратилган миниатюраларда тасвирланишича, Темурийлар даврида байроқлар турли шакл ва кўринишларга эга бўлган. Масалан, Самарқанд ва Ҳирот байроқлари эндигина очилаётган ғунча шаклида ишланган. Айрим ҳолларда унинг учига бир бўлак от думи – туғ боғланган. «Туғ» («туғро») атамаси шундан келиб чиққан, дейилади. Бу жасурлик, довюраклик рамзи бўлиб, жангларда жасорат ва мардлик намунасини кўрсатган лашкарбошиларгина унга муносиб топилган.

Амир Темур саройида яшаган Испан сайёҳи Клавихонинг қайд этишича, «Темурнинг туғросида учта айлана тасвирланган бўлиб, бу унинг дунёнинг уч қисмига ҳукмдор эканини англатган...» Бошқа бир талқинга кўра пастдан юқорига қараб турган уч айлана «Соҳибқирон – омадли буржлар ҳукмдори» деган маънони ҳам билдирган.

Жамшид СОБИРҚУЛОВ.

СИЗДАН ҚОЛГАН ЗУРРИЁТМИЗ МАРД, ЁВҚУР



Авлиёлар босган тупроқ азиз дерлар,
Қат-қатидан чиқаверар экан сирлар,
Ҳар тупроқдан ҳар кун ўтмас ахир пирлар,
Кўкрагимни ҳайрат тиклар, Темур бобо.

Менинг сизни танимаган даврим юм-юм,
Йиғлар, сездим кўзларига тўлгандек қум,
Унда ўзим-ўзимга ҳам ёт, номаълум,
Танимадим кимман, отим недур, бобо.

Қарам йиллар қақшамадик десам ёлғон,
Кунлар бўлди ер қаттиғу йироқ осмон,
Қора терлар тўка-тўка ичдик ёвғон,
Бу аламлар дилга тиғдек ботур, бобо.

Қодирийни ўшал алам йиғлатди-да,
Ўшал алам Чўлпонларни чўғлатди-да,
Эл таниди сийратни-да, сувратни-да,
Туёқлари қон тулпорлар мағрур, бобо.

Туркий тупроқ сиздан ўтган туркий элга,
Бойлангандир сиздан қолган қийиқ белга,
Эрким деган қанча эрлар кетди селга,
Кўкраклардан кетмади лек бир нур, бобо.

Дунё билар, меҳнатсиз бир дамимиз йўқ,
Эркинликдан баландроқ бир ғамимиз йўқ,
Эшитсинлар, ҳеч кимсадан камимиз йўқ,
Сиздан қолган зурёдмиз мард, ёвқур, бобо.

Сиз тузган ул тузукларни ўқиб кун-кун,
Тикланармиз, ечимларин топгай тугун,
Бўлмагаймиз ҳеч кимсага қарам, забун,
Ўзбек бугун ўз-ўзини танур, бобо.

Авлиёлар алқаган эл эмиш аъло,
Сўзи бутун, тиззаси тик, кўкси само,
Музаффарлик кўриб ўтган бир авлиё –
Ўзингизсиз, Соҳибқирон Темур бобо.

Ҳар тупроқдан ўтавермас ҳар кун пирлар...

Замира РЎЗИЕВА.

БУЮК СИЙМОНИ ЁД ЭТИБ

Халқимиз тарихида инсоний камолоти ва ижтимоий фаолияти билан довруқ қозонган, миллатимиз фахри, ғурури бўлган улуғ зотлар бениҳоя кўп. Улар орасида ватанимиз кечмиши, бугуни ва эртасида беҳад юксак ўрин тутган сиймо Амир Темур алоҳида ажралиб туради. Айни кунларда мамлакатимиз бўйлаб Соҳибқирон Амир Темур таваллудига бағишланган маданий-маърифий тадбирлар ўтказилмоқда. «Соҳибқирон Амир Темур – буюк саркарда ва давлат арбоби» деб номланган ана шундай тадбирлардан бири Марказий офицерлар саройида бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон халқ ёзувчиси, Халқаро Амир Темур жамғармасининг раиси Муҳаммад Али, филология фанлари доктори, профессор Ҳамидулло Дадабоев, Ўзбекистон халқ артистлари Теша Мўминов, Эркин Комилов иштирок этдилар.

Тадбир Мудофаа вазирининг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари полковник Т.Ҳамроқуловнинг маърузаси билан бошланди. Унда жаҳонгир саркарданинг кўҳна тарихимизда тутган ўрни, мамлакатимизда Юртбошимиз ташаббуси билан буюк сиймони ёд этиб, амалга оширилган улкан ишлар ҳақида сўз борди. Шунингдек, тадбирда севимли ёзувчимиз Муҳаммад Алининг буюк Соҳибқирон ҳақидаги мулоҳазалари катта қизиқиш билан тингланди. Таниқли адибнинг тарихий асарлари ўқувчиларга яхши таниш. Темур шахсини унинг каби мукаммал ўрганган кўп бўлмаса керак. Тадбирда ёзувчи улуғ саркарданинг инсоний фазилатлари акс этган тарихий воқеалардан ҳикоя қилиб берди.

Тарихий манбаларнинг гувоҳлик беришича, Амир Темур мингдан зиёд жангларда иштирок этган. Улар орасида ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлган йирик жанглар ҳам кўп бўлган. Ана шу тарихий жанглар ҳақида профессор Ҳамидулло Дадабоевнинг сермазмун маърузаси тингловчилар томонидан катта қизиқиш билан кутиб олинди.

Театр – бу ҳақиқий мўъжизанинг ўзгинаси. Ниҳоят саҳнага бугунги куннинг икки забардаст санъаткори Теша Мўминов, Эркин Комиловлар чиқиб келишди. Улар ижросидаги икки буюк саркарда – Соҳибқирон Амир Темур ва султон Йилдирим Боязид монологи йиғилганларни сеҳрлаб қўйди.

– Севимли санъаткоримиз Теша Мўминовнинг ижодини жуда ҳурмат қиламан, – дейди курсант Абдуазим Ширинов. – Гулдираган овоз, юрак-юрагингга етиб, тўлқинлантириб юборадиган «Биз ким – мулки Турон амири Туркистон, миллатларнинг энг қадими ва улуғи...» деб бошланувчи сўзларида буюк аждодларимизнинг асрларга татигулик қудратини ҳис қиламан, беихтиёр кўнглим ифтихор ҳисларига тўлади. Қисқа муддатли саҳна кўринишида улуғ саркарданинг донолиги, саховатли қалби, ғаним саркардага ҳурмати ва мурувватти, урушнинг даҳшатли қонунлари яққол намоён бўлади. Санъаткорларимизнинг юксак маҳорати бизни гўё сеҳрлаб қўйди. Уларнинг ташрифидан беҳад мамнун бўлдик.

Сермазмун ва қизиқарли тадбирга Қуролли Кучлар Марказий ашула ва рақс ансамблининг хушовоз хонандалари ижросидаги куй-қўшиқлар янада файз бағишлади.

Инобат НОДИРШОҲОВА.
Баҳром АБДУРАҲИМОВ суратга олган.



САНА

БУЮК САРКАРДА ВА ДАВЛАТ АРБОБИ

“КИМКИ ЎЗБЕК НОМИНИ, ЎЗБЕК МИЛЛАТИНИНГ КУЧ-ҚУДРАТИНИ, АДОЛАТПАРВАРЛИГИНИ, ЧЕКСИЗ ИМКОНИЯТЛАРИНИ, УНИНГ УМУМБАШАРИЯТ РИВОЖИГА ҚЎШГАН ҲИССАСИНИ, ШУ АСОСДА КЕЛАЖАККА ИШОНЧИНИ АНГЛАМОҚЧИ БЎЛСА, АМИР ТЕМУР СИЙМОСИНИ ЭСЛАШИ КЕРАК”.

Ислом КАРИМОВ



Буюк ота-боболаримиз бизга ҳали-ҳануз бутун дунёни ҳайратга соладиган ноёб меъморий, адабий-бадиий ёдгорликлар ва бой илмий-маданий, маънавий мерос қолдиришган. Ҳазрат Алишер Навоийнинг гўзал ва теран ғазаллари ўз жозибаси билан шеърият шайдоларини ҳамон мафтун этиб келаётган бўлса, Камолиддин Беҳзод миниатюралари ҳозиргача ўзининг ёрқин жилосини йўқотмай келади. Алгоритмни кашф қилган ва алгебра фанига асос солган ватандошимиз Муҳаммад ибн Мусо Хоразмий, «Шарқ Арастуси» номини олган Абу Наср Фаробий, машҳур ҳаким Абу Али Ибн Синони, улкан қомусий аллома Абу Райҳон Беруний, ҳадис илмининг султони Имом ал-Бухорий, улуғ ижодкорлар Маҳмуд Кошғарий ва Аҳмад Югнакий, шунингдек, буюк астроном, ўрта асрларда йирик расадхона бунёд этган Мирзо Улуғбекнинг номларини билмайдиган кишини учратиш мушкул.

Ватанимизда, муқаддас заминимизда Наврўз ҳавоси уфуриб турган бир пайтда таваллуд топган ана шундай инсонлардан бири буюк саркарда, давлат арбоби, Мовароуннаҳр ва Марказий Осиёни мўғуллар истибдодидан озод этиб, илм-фан ва маданият юксак ривож топган буюк салтанатга асос солган Соҳибқирон Амир Темур ҳазратлари ҳақида алоҳида тўхталиб ўтиш ўринлидир.

Жангларда доим ғолиб эди

XIII асрнинг 20-йилларида Марказий Осиёда мўғуллар ҳукмдорлик қила бошлашлари оқибатида илму фан ва маданиятимиз таназзулга юз тута бошлади. Чунки Мовароуннаҳрни ўз улуси ўлароқ тасарруфига олган Чиғатойнинг халққа қилган зулми ҳаддан ошиб кетган эди.

Ҳақиқатан ҳам, олимлар ва тарихчилар ёзиб қолдирган маълумотларга кўра, мўғуллар тажовузи ва ҳукмронлиги жаҳоннинг кўп жойларини қамраб олган эди. Асирликка олинган минглаб кишилар мўғул аскарларининг олдинги қаторига қалқон сифатида тизилгани сабаб биринчи ўқлар уларга тегиб, ҳалок бўлишган. Баъзан Ватан ҳимоячилари ўз фуқароларига ўқ узишни лозим кўрмай таслим бўлишга мажбур бўлганлар. Мўғуллар кўп мамлакатларни эгаллаб, адолатсизлик ва зулмни давом эттиришди. Шуни айтиш лозимки, босиб олган мамлакатларида дастлаб уларнинг тажовузлари, сўнгра ҳукмронлигига қарши озодлик курашлари авж олган, лекин уларни бошқариш ва ғалабани таъминлашга қодир йўлбошчи бўлмаганлиги сабабли душманни тамомила тор-мор қилишга олишмаган. XIV асрнинг 60 йилларига келиб бундай улуғ вазифани буюк лашкарбоши, давлат арбоби Амир Темур бажарди. У мўғулларнинг Туркистон заминидаги 150 йиллик зулмига чек қўйишга муваффақ бўлди. Мустақил давлат ташкил қилди.

“Мовароуннаҳрда мўғулларнинг жабру зулми ортиб кетди. Мўғуллар устидан ғалаба қилдим ва мазлумларни золимлар жабридан озод қилдим”– деб ёзган эди у ўз тузукларида. Амир Темур жангда шижоат кўрсатган жангчиларнинг хизматларини жуда қадрлар, ўзини кўрсатганларга “Баҳодир” унвонини таъсис этган эди. Унинг қўшинларида ҳаттоки аёллар ҳам хизмат қилишган. Бу ҳақда Ибн Арабшоҳ қуйидагича ёзади: “Темур аскари ичида аёллар ҳам бўлиб, улар жанг тўс-тўполонлари ва шиддатли тўқнашувларда матонат кўрсатардилар. Улар найза санчишда, қилич билан зарба беришда ва камондан отишда моҳир эркаклардан кўра ҳам ортиқроқ иш қилардилар”.

Соҳибқирон ўтказган жанглар ичидаги энг йириклари деб, қуйидагиларни санашимиз мумкин. Масалан, 1366 йилда Қаршида 243 кишилик қўшин билан 12 000 кишилик душман қўшини устидан қозонилган ғалабани, 1391 йилдаги Кандарчи дарёси бўйида Олтин ўрда хони Тўхтамиш устидан қозонилган улкан ғалабани таъкидлаш мумкин. Унда ҳар икки томондан 200 мингдан ортиқроқ аскар иштирок этган бўлиб, бу ғалаба туфайли Турон давлати янада мустаҳкамланди. Шунингдек, Тўхтамишга қарши Терек ёнидаги иккинчи жангни эслашимиз лозим. Унда Турон томонидан 250 минг, Олтин Ўрда томонидан тахминан 450 – 500 минг сипоҳ қатнашди. Бу жанг ҳам Амир Темурнинг узил-кесил ғалабаси билан якунланди.

Амир Темурнинг ўта жасур, мард, шижоатли, доно саркарда эканлигини ёрқин далиллар ёрдамида очиб берадиган кўплаб тарихий ва бадиий асарлар яратилган, илмий тадқиқот ишлари амалга оширилганки, булардан хабардор бўлиш, ўқиб-ўрганиш барчамизнинг бурчимиздир.

Тарих — буюк мураббий

Президентимиз Ислом Каримовнинг Амир Темур ҳақида фахрланиб айтган қуйидаги сўзларини эслайлик: «Халқимиз тарихида инсоний камолоти ва ижтимоий фаолияти билан доврўқ қозонган, миллатимиз фахри бўлмиш улуғ зотлар бениҳоя кўп. Аммо улар қаторида юлдузлар аро қуёшдай чарақлаб турган бир зот борки, у Ватанимиз кечмиши, бугуни ва эртасида беҳад юксак ўрин тутади.

Ул муҳтарам инсон Соҳибқирон Амир Темур ҳазратларидир...

Буюк шахсларни тарих яратади, дейдилар. Бунга қўшимча қилиб Соҳибқирон бобомизнинг суронли ҳаётини хаёл кўзгусидан ўтказиб, буюк шахсларни миллат қайғуси, халқ дарди яратади, дейиш мумкин.

Умрининг мазмунини “Миллатнинг дардларига дармон бўлишдан иборат” деб билган Амир Темур халқимизнинг ана шундай ардоқли, улуғ фарзандидир...»

Дарҳақиқат, Амир Темур буюк шахс сифатида миллат тақдирини белгилашда муҳим ўрин тутади. У ўз давлатининг ҳарбий салоҳиятини мустаҳкамлаш билан бир қаторда ташқи алоқаларга ҳам алоҳида аҳамият берган. Карвон йўлларининг бехатарлигини шу даражада таъминлаганки, тарихий манбаларда кўрсатилишича, Амир Темур ҳукмронлиги даврида агар Самарқанддан бирорта одам бошига тилла тўлдирилган табоқни қўйиб бутун салтанатни айланса, ҳеч қандай тўсиқ ва талафот кўрмай қайтган. Мана шундай қудратли давлатнинг асосчиси бўлмиш Соҳибқирон бобомизнинг шонли, шарафли ҳаёт йўли қийинчиликларга, суронли воқеаларга бой бўлган. Лекин шунга қарамай, миллатнинг бирлигини таъминлаш, адолатли давлат барпо этишдек буюк мақсадини амалга оширди. Ул зот фақат илму ҳарб ва жаҳонгирлик борасида эмас, айни чоғда комиллик, инсоний муносабат, илм ва маънавият масаласида ҳам беқиёс фазилатлар соҳиби эди, – деб ёзади фалсафа фанлари доктори, профессор Жўрабек Яхшиликов ва тарих фанлари доктори Шакар Аҳадовлар ўзларининг “Темурийлар маънавияти” номли монографиясида.

Яна шуниси диққатга сазоворки, Соҳибқирон даврида унга қарашли барча жойларда адолат ва тартибни назорат қилиш зиёлиларнинг зиммасига юкланган. Амир Темур сарой амалдорларини тайинлашда уларнинг салоҳиятига, ўзини халқ ичида тутишига катта эътибор берарди. Ушбу ривоят ҳам бу фикрни тасдиқлайди: Кунларнинг бирида Соҳибқирон икки амалдорни ҳузурига чақириб, биринчисига шундай деган: “Сизни шу бугундан бошлаб эгаллаб турган лавозимингиздан бўшатдим”. Шу онда у “Олампаноҳ, менинг ишларимдан ҳамиша мамнун бўлиб ва мақтаб юрган эдингиз, нима сабаб бўлдики, мендан кўнглингиз қолди?” – деб ҳайрон бўлганида, қуйидаги жавобни олган экан: “Тўғри, ўзингизнинг вазифангизни биз истагандек бажариб келдингиз, лекин кейинги пайтларда сўзларингиз ва ўзингизни тутишингиз эгаллаб турган мансабингиз доирасидан юқорилашиб кетди. Манманликка берилиб, ҳеч кимни менсимай қолдингиз. Тунов куни масжид олдида ўтирган қарияларнинг қаршисидан отдан тушмай ва салом бермай ўтиб кетибсиз, ҳатто қабристондан ҳам Қуръон ўқимай отда ўтибсиз. Бунга ўхшаш маълумотлар анча тўпланиб қолди. Бу кетишда ўзингизнинг ҳам, ҳокимиятнинг ҳам шаънига путур етказиб қўясиз. Яхшиси, ўзингизни тарбиялаб олинг, сўнг сизни эътибордан четда қолдирмаймиз, албатта”. Иккинчи амалдорга эса Соҳибқирон шундай дебди: “Сизнинг муомалангиз ва фаолиятингиз эгаллаб турган мансабингиз доирасидан пасайиб кетди, шу боис сиз ҳам ундан озод этилдингиз”. Демак, Амир Темурнинг адолатли талабига кўра у ёки бу амалдор ҳаддидан ошмай, ўзига берилган ваколат доирасида сидқидилдан хизмат қилиши лозим бўлган. Шунинг учун ҳам Соҳибқирон саройида жасоратли, мард, тиришқоқ, ўз фикр-мулоҳазаларини ошкора айта оладиган, очиқ юзли мансабдорлар тўпланиб, унга садоқат билан хизмат қилишган.

Низомиддин Шомийнинг “Зафарнома” асарида ёзилишича “Амир Соҳибқирон бир гуруҳ таниқли ва диёнатли олимлардан танлаб, уларнинг ҳар бирини девони аъло томонидан бир амин билан мамлакат чеккаларидан бирига номзод қилди, токи улар тайин этилган томонга жўнаб, мамлакат ишларининг тагига етсинлар, агар бирон-бир мазлумга зулм етган бўлса ёки бирон ожизга зўравонлик равон қилган бўлса, зарар тиканини мазлумлар оёғидан чиқариб, улардан зўрлик билан олинган нарса исбот қилинса, ўша томонда бўлган хазина молидан қайтариб берсинлар, бўлган аҳволни ёзиб олиб қайтсинлар ва арз иззатгоҳига етказсинлар, токи бундан кейин у қоидаларни улардан йироқлаштирсинлар”.

Қуйидаги: “...Ҳазрат ҳақдин умидим борки, агарчи гуноҳим кўп турур, аммо бу жиҳатдин менга раҳмат қилгайким, золимларнинг иликларин мазлумлардин қисқа қилибдурмен. Ва қўймадимким, менинг даврим-да қавийдан (зўра-вондан) заиф куч егай. Эмдиким, Пир Муҳаммад Жаҳонгирким, валиаҳд қилибмен ва ўрнумга қойиммақом этибменким, Самарқанд вилояти аники бўлғай. ...Анга муте бўлиб, иттифоқ била анинг ишига машғул бўлғайсиз, то олам бузулмағай ва мусулмонларга ташвиш ва заҳмат бўлмағай...

Раъойо ва фуқаро мискин ҳолатидин ғофил бўлмағайсиз... Нечукким мен адлу эҳсон била оламни обод этибмен...Агар менинг васиятим била амал қилиб, адлу дод қилсангиз, кўп йиллар давлат ва мамлакат сизларда қолғуси турар. Ва агар сизлар аросида мухолифат бўлса, яхши бўлмағусидур...” Кўриб турганингиздек, Амир Темур ўзи бутун умри давомида содиқ бўлиб келган ғояларини фарзандларига васият қилиб қолдирди. (Муҳаммад Али, “Амир Темур солномаси”).

МУДОФАА ВАЗИРЛИГИ МАЪНАВИЯТ ВА МАЪРИФАТ МАРКАЗИ ИЛМИЙ-УСЛУБИЙ БЎЛИМИ.

ОИЛА ГУЛШАНИ

ЭЛ НАЗАРИ ҲАМРОҲ БЎЛСИН



Шартнома бўйича ҳарбий хизмат кичик сержанти Маҳмуджон Холов ва Қуролли Кучлар хизматчиси Дилнозахон Ёдгоровалар хонадонига кириб борганимизда тун пардаси борлиқни қоплаб улгурган эди. Катталар хизматдан, болажонлар мактабдан қайтган бир паллада биз ҳам уларнинг даврасига қўшилдик.

– Бу хонадон ҳарбий шаҳарчамиздаги энг намунали оилалардан, – суҳбатимиз аввалидаёқ улар ҳақида ижобий фикрлар билдиради ҳарбий хизматчиларнинг оила аъзолари билан ишлаш бўлинмаси бошлиғи Азира Бекембетова. – Мен кўплаб оилаларга уларни намуна қилиб кўрсатаман. Маҳмуджон оғир, босиқ, хизматда ўрин топган йигит бўлса, Дилнозахон пазанда, хушмуомала аёллардан. Айни дамда у ҳарбий савдо бўлимида хизмат қилаяпти. Бундай бекаларимиз ҳарбий шаҳарчамизда олиб бориладиган жамоатчилик ишларида ҳам доимо фаол.

Суҳбатимиз дастлаб оила бошлиғи билан кечди.

– Турмуш ўртоғим иккимиз ҳам Бухоро вилоятининг Шофиркон туманига қарашли Дўрмон қишлоғида вояга етганмиз, – дейди у ўзини яқиндан таништирар экан. – Ҳарбий хизматчи бўлишни болаликдан орзу қилганман. Муддатли хизматдан сўнг шартнома бўйича хизмат қилишга аҳд қилдим. Мана, ўн йилдирки шарафли бурчимни ўтаб келмоқдаман. Икки фарзандимиз бор, Донохон ва Шаҳзодбек. Ҳаётда мақсадга эришиш осон кечмагани каби, оилани ҳам аҳил-иноқликда бошқариш ўзига яраша масъулият талаб этади. Бунда эр-хотин ўртасидаги ўзаро ҳурмат, ишонч, бир-бирини тўғри тушуниш, ғамхўрлик катта аҳамият касб этади. Рафиқам жуда меҳнаткаш, ота-онамни ҳурмат қилади, фарзандларимиз тарбиясига эътиборли. Мен унга ҳар томонлама ишонаман ва суянаман.

Халқимизда «бир ёқадан бош чиқариб», деган ажойиб нақл бор. Бунинг замирида аҳил ва иноқлик, бир-бирини қўллаб-қувватлаш, муаммолар ечимини биргаликда ҳал қилиш каби юксак фазилат мужассам. Мен суҳбат давомида хонадон эгалари ўртасида мана шу самимий, дўстона аҳилликни ҳис қилиб турдим. Дилнозахоннинг очиқ кўнгиллиги, даврага тез қўшилиб кетиши, ҳазил-мутойиба ва суҳандонлик билан фикрларини етказа олиши менга жуда ёқди.

– Аёлларимиз оила қўрғонини асровчи бекалардир, – дейди Дилнозахон суҳбат чоғида. – Бундай дейишимга сабаб, анча йилдан бери ҳарбий оилалар сафида истиқомат қилаяпмиз. Турмуш ўртоқларининг хизмат бурчи сабаб республикамизнинг турли гўшаларидан келган аёллар бир-биримиз билан ўзаро ҳамфикр, сирдош, ўз ўрнида маслаҳатчимиз. Уларнинг садоқати, оилапарварлиги ҳурматга лойиқ. Оилам ҳақида сўз юритадиган бўлсам, ҳар бир аёл сингари хонадоним мен учун энг азиз гўша. Маҳмуд ака билан умр йўлимиз севги ришталари орқали боғланган. Қалбимиздаги бу туйғу йиллар синовидан ўтган. Мен ўйлайманки, икки ёш тақдирининг бирлашишида катталар розилиги ва дуосининг ҳам муҳим ўрни бор. Айни дамда ҳаётимдан мамнун, бахтли аёлман.

Ҳа, Дилнозахон Аҳаджон ака ва Баҳодира опанинг ёлғиз қизи бўлса, Иброҳим ака ва Тулфахон аянинг меҳрибон келини. Дуо билан эл кўкаради, деганларидек, катталар дуоси унга, унинг оиласига доимо ҳамроҳ, эканлигига шубҳа йўқ.

Аҳил-иноқ, обод хонадонлар ҳар доим жамият кўрки бўлиб келган. Биз қаламга олган Маҳмуджон Холовлар хонадони ҳам худди шундай. Инсон камолга етгани каби оила ҳам икки инсоннинг эзгу ҳаракати билан улғайиб, обод гўшага айланиб боради. Оила келажаги бўлмиш фарзандлар эса ота-онадан ўрнак олишади. Келажакда муаллима бўлишни орзу қилган Донохон, ҳарбийликка иштиёқи баланд Шаҳзодбеклар ота-оналарига муносиб, эл назаридаги инсонлар бўлишига ишонамиз. Хонадонга билдирадиган тилагимиз ҳам шу – доимо эл назари ҳамроҳ бўлсин.

Зулфия ЮНУСОВА,
«Ватанпарвар» мухбири.

БЎЛИНМАЛАР ФАОЛИЯТИНИ ЯНАДА ЯХШИЛАШ ЙЎЛИДА



Қуролли Кучлар Марказий офицерлар саройида Мудофаа вазирлиги ҳарбий хизматчиларнинг оила аъзолари билан ишлаш бўлими етакчилигида «Ҳарбий хизматчиларнинг оилаларида соғлом маънавий муҳит яратиш омиллари» мавзусида илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди.

Сир эмаски, оила жамиятнинг ўзаги, унинг ривожига ҳисса қўшадиган муҳим омил, асосий бўғиндир. Инсон одатда, бахт ва ҳаловатни оиласидан топади. Шу сабабли мамлакатимизда оилаларга, унда вояга етаётган ёш авлод тарбиясига катта эътибор қаратилган.

Мудофаа вазирлиги тизимида фаолият юритаётган ҳарбий хизматчиларнинг оила аъзолари билан ишлаш бўлинмалари ҳам ушбу юксак мақсад асосида ташкил этилган десак хато бўлмайди. Унда иш олиб бораётган билимли, ғайратли, ҳаёт тажрибасига эга аёллар, яъни бўлинма етакчилари режаларига эга. Бугун уларнинг Қуролли Кучларимиз тизимида ўз ўрни, мавқеи бор. Чунки бўлинмалар ҳарбий хизматчилар оилаларининг маданий-маърифий ва ҳуқуқий саводхонлиги ошишига яқиндан ёрдам бериш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, оилада тарбиявий ишлар самарадорлигини ошириш, бўлғуси юрт посбонларини ватанпарварлик руҳида тарбиялашга ҳисса қўшиш каби вазифаларни амалга оширади. Бу борада Мудофаа вазирлиги ҳарбий хизматчиларнинг оила аъзолари билан ишлаш бўлими ва унинг жойлардаги бўлинмалари маҳаллий бошқарув органлари, хотин-қизлар қўмиталари, фуқаролар йиғинлари ҳамда жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда иш олиб боради. Бундан кўриниб турибдики, бўлинмалар фаолияти кенг қамровга эга.

Шуни инобатга олган ҳолда, ўқув йиғинининг дастлабки кунида давлат ва жамоат ташкилотларидан ташриф буюрган мутахассислар ўз маърузалари билан иштирок этишди, бўлинма бошлиқлари билан ҳамкорликни янада ривожлантириш борасида суҳбатлар ўтказишди.

– Ҳарбий хизматчиларнинг оила аъзолари билан ишлаш бўлинмалари фаолияти анча кенгайиб боряпти, – дейди Мудофаа вазирлиги ҳарбий хизматчиларнинг оила аъзолари билан ишлаш бўлими бошлиғи Ойнисо Нодирова. – Ўтган уч йилдан зиёд вақт мобайнида округлардаги ҳарбий қисм ва таълим муассасаларида командирнинг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосарлари ёрдамчилари, яъни бўлинма етакчилари штат асосида иш бошлашди. Ўтган вақт мобайнида улар ҳарбий оилалар билан ишлаш борасида салмоқли муваффақиятларга эришишди. Ушбу илмий-амалий анжуманни ўтказишдан мақсад бўлинмалар ишини ташкил этишни янада яхшилаш, олдимизга қўйилган муҳим, долзарб вазифаларни бажаришда давлат ва жамоат ташкилотлари билан узвий алоқа ўрнатиш, округларда фаолият юритаётган бўлинма бошлиқларининг ўзаро тажриба алмашишларига замин яратишдан иборат. Ўйлайманки, ушбу йиғинимиз бўлинма етакчиларининг келгуси фаолиятларида катта аҳамиятга эга бўлади.

Тадбир «Ҳарбий хизматчиларнинг оилаларида соғлом маънавий муҳит яратиш омиллари» мавзуси билан бошланди. Шундан сўнг ўқув йиғинига таклиф этилган давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари – Республика «Оила» илмий-амалий маркази директори, профессор Васила Каримова, Республика ҳарбий прокурорининг катта ёрдамчиси адлия подполковниги Бахтиёр Мирмаҳмудов, Республика Маънавият тарғибот маркази раҳбари Минҳожиддин Мирзо, «Ҳаёт ижро» ҳуқуқшунос аёллар бирлашмаси раҳбари, профессор Жамила Шермуҳамедова, Республика «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси вакили Севара Джамбекова, Республика «Маҳалла» жамғармаси раиси ўринбосари Гулнора Йўлчиева, Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси катта мутахассиси Муҳиба Ҳамидова каби иштирокчиларнинг маърузалари тингланди. Ҳар бир мавзу бўйича савол-жавоб ва мунозаралар бўлиб ўтди.

Таниқли шоира Марҳабо Каримова иштирокидаги ижодий учрашув ҳам қатнашчиларда катта таассурот қолдирганига, шубҳа йўқ.

Энг асосийси, ҳар бир маърузада юрт равнақида оиланинг ўрни, фарзанд тарбияси, аёл бахти ва унинг жамиятда тутган мавқеига эътибор қаратилди.

Маърузачилардан профессор Васила Каримованинг оилалар билан ишлаш омилларига бағишланган илмий-услубий китоблари, фалсафа фанлари доктори, профессор Фотима Шайхованинг «Ўзбек аёли – одоб тимсоли», Марҳабо Каримованинг «Дунёнинг бир қавати» китоблари анжуман қатнашчиларига тақдим этилди. Шунингдек, энг фаол бўлинма бошлиқларига Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитасининг Фахрий ёрлиқлари топширилди.

Бўлинма бошлиқларидан Феруза Кенжаеванинг «Ҳарбий хизматчи аёлларнинг оила ва жамиятдаги ўрни», Жамила Ганиеванинг «Ариза ва шикоятлар билан ишлаш механизмлари», Лариса Лазеровнинг «Бўлажак Ватан посбонлари – оила қалқонлари», Маҳбуба Иноятованинг «Ҳарбий хизматчилар оилаларининг маънавий камолоти», Одинахон Мухторованинг «Бўлинма бошлиқларининг давлат ва жамоат ташкилотлари билан ҳамкорлиги», Гулбаҳор Ҳабибуллаеванинг «Ҳарбий қисмларда маънавий-маърифий тадбирларни ташкил этиш» мавзусидаги чиқишлари ҳам савол-жавоб ва мунозараларга бой бўлди. Икки кун давом этган илмий-амалий анжуман доирасида иштирокчиларнинг маданий ҳордиқ чиқаришлари учун ранг-баранг тадбирлар ҳам ташкил этилди.

Зулфия НОСИРОВА.

МАСЛАҲАТ

Месячник безопасности дорожного движения

ВЕДЕТСЯ АКТИВНАЯ ПРОФИЛАКТИКА

В нашей стране осуществляется масштабная, последовательная работа, направленная на обеспечение безопасности граждан, профилактику и предупреждение отрицательных последствий дорожно-транспортных происшествий для здоровья водителей и пассажиров.
В частности, только за последнее время вышли в свет и вступили в силу Постановления Кабинета Министров Республики Узбекистан «О дополнительных мерах по обеспечению безопасности дорожного движения», «О мерах по обеспечению безопасности водителей и пассажиров транспортных средств», Закон «Об обязательном страховании гражданской ответственности владельцев транспортных средств». Безусловное соблюдение требований нововведенных норм, отраженных в Правилах дорожного движения, имеют единую цель: обеспечить максимальную безопасность граждан на дороге.

Данные меры, как свидетельствует проводимый мониторинг, уже дают значимые положительные результаты, послужили основой для ощутимого снижения дорожно-транспортных происшествий в стране. Движение на дорогах стало безопасней. Дорожная дисциплина и водительская этика стали заметно выше.

Органами ХАН Министерства обороны также ведется активная профилактическая работа по реализации задач исходящих из данных нормативных документов, проводится широкая разъяснительная работа в частях и подразделениях.

– В настоящее время, в ходе месячника безопасности дорожного движения, проводятся профилактические мероприятия, – говорит начальник ХАН Ташкентского гарнизона майор Мурад Фазылов. – К сожалению, выявляются отдельные случаи в среде военных автомобилистов игнорирования требований ПДД. К нарушителям применяются соответствующие взыскания. Требования едины для всех. Благодаря принимаемым мерам проводимой широкой разъяснительной работе командиров подразделений и освещению темы в СМИ, случаи нарушения установленных норм по сравнению с аналогичным периодом прошлого года значительно снизились.

Зачастую некоторые нарушители ссылаются на свою забывчивость. Однако это не спасает их от соответствующего наказания.

Так, например, на днях, военный водитель младший сержант Адхамжон И. во время управления военной автомашиной «Нексия» был не только не пристегнут сам, но и не удосужился предупредить об этом старшего машины и пассажиров. Кроме того, он проигнорировал требование знака «Пешеходный переход», подвергая тем самым опасности не только собственную жизнь, но и пассажиров. Вопрос «На что надеялись?» так и остался без ответа.

В другом же случае, военный водитель служащий ВС Зокир С. на военной автомашине «Дамас» вел переговоры с абонентом по мобильному телефону, одновременно управляя транспортным средством. После остановки данный водитель упорно отрицал данный факт. Однако последние исходящие звонки с его мобильного в точности совпали со временем его остановки инспектором.

Важно помнить, что у водителя имеются не только права, но и обязанности – строго соблюдать правила дорожного движения. Ответственность водителя – это гарантия его собственной безопасности и жизни окружающих, наших близких. От ошибки, невнимательности и пренебрежения правилами дорожного движения могут привести к печальным последствиям.

Начиная движение на транспортном средстве, помните: строгое следование требованиям ПДД – залог вашей безопасности!

Капитан Мирза ХАСАНОВ.

Сўраган экансиз

БАНК БИЛАН ШАРТНОМА ҚАНДАЙ ИМЗОЛАНАДИ?

Ипотека кредити олиш учун ҳарбий хизматчи банк билан қандай тартибда шартнома имзолаши лозим? Дастлабки бадални банкка тўлаш тартиби қандай?

Подполковник Ҳ.ЭРГАШЕВ.

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг ҳарбий хизматчиларига узоқ муддатли ипотека кредитларидан фойдаланган ҳолда квартиралар сотиб олиш ва якка тартибдаги уй-жойлар қуриш учун ер участкалари ажратиш тартиби тўғрисида Низом ҳамда Мудофаа вазирининг бу борадаги тегишли буйруғидан мазкур саволларга жавоб топиш мумкин.

Хусусан, Мудофаа вазирининг буйруғи асосида тасдиқланган вақтинчалик йўриқномага кўра, Мудофаа вазирининг дастлабки бадал ажратилиши ҳақидаги буйруғи эълон қилингандан сўнг ҳарбий қисмлар командирлари уни тегишли уй-жой комиссияси орқали ҳарбий хизматчига етказишади. Мазкур буйруқ асосида уй-жойдан фойдаланиш органи (уй-жойдан фойдаланиш қисми) узоқ муддатли ипотека кредитларидан фойдаланган ҳолда квартиралар сотиб олиш ва якка тартибда уй-жойлар қуриш учун ипотека кредити олишда уй-жой майдонининг белгиланган ижтимоий нормаси доирасида сотиб олинадиган ёки қуриладиган уй-жой қийматининг 25 фоизи миқдоридаги дастлабки бадали ажратилиши тўғрисида ҳарбий хизматчи билан ўрнатилган тартиб асосида шартнома имзолаши белгиланган.

Шартнома имзолангандан сўнг ҳарбий хизматчига дастлабки бадал тўланган ҳақида кафолат хати берилади. Дастлабки бадал ҳарбий хизматчи банк билан кредит шартномасини имзолагандан сўнг, ҳарбий хизматчининг банкда очилган махсус депозит ҳисоб рақамига пул кўчириш йўли билан ўтказилади. Айтиш лозимки, кредит шартномаси банк ва ҳарбий хизматчи ўртасида Ўзбекистон Республикасининг «Ипотека тўғрисида» ги Қонуни билан ўрнатилган тартиб асосида тузилади ва шартноманинг бир нусхаси уй-жойдан фойдаланиш органига топширилади.

И.ҚУРБОНОВ тайёрлади.

Тест

ОДАМЛАРГА БАҲО БЕРА ОЛАСИЗМИ?

Ҳаётда ҳамиша кимгадир баҳо беришга, одатлар, қизиқиш, яшаш тарзи ва бошқа маълумотларга асосланиб хулоса чиқаришга тўғри келади. Хўш, сиз бу борада қанчалик омадлисиз? Одамларга тўғри баҳо бера оласизми? Қуйидаги тестга жавоб бериб, бунга ойдинлик киритишингиз мумкин.

1. Биринчи марта кўриб турган одам сиз билан ҳазиллашса, қизиқарли воқеаларни айтиб берса, у ҳақда нима деб ўйлайсиз?
а) гапга уста – 1 балл;
б) ўзига ишонмайди ва бу билан ҳозирги вазиятдан чиқиб кетмоқчи бўлаяпти – 2 балл;
в) сизда яхши таассурот қолдирмоқчи – 4 балл.

2. Сиз ҳеч қачон уришмайдиган эр-хотинларни биласиз. Сизнинг-ча улар ...
а) жуда бахтли жуфтлик – 2 балл;
б) бир-бирларига бефарқ – 1 балл;
в) уларда ўзаро ишонч йўқ – 4 балл.

3. Бировнинг кўзига тик қаролмайдиган инсон ҳақида нима дейишингиз мумкин?
а) ўзига ишонмайди – 1 балл;
б) самимий эмас – 4 балл;
в) ички хотиржамликдан маҳрум– 2 балл.

4. Сизнингча, хушмуомала одамлар ҳар доим:
а) яхши суҳбатдош – 2 балл;
б) мустаҳкам интизом асосида тарбияланганлар – 4 балл;
в) ҳақиқий феъл-атворларини яширадилар – 1 балл.

5. Ўзига тўқ одам ҳар доим арзон нарсаларни сотиб олади. Нима деб ўйлайсиз улардаги бу хусусият...
а) тежамкорликдан далолат – 4 балл;
б) камтарлик белгиси – 2 балл;
в) намунча зиқна бўлишмаса – 1 балл.

6. Ресторанда бир киши хизмат кўрсатувчи қизга одатдагидан кўпроқ чойчақа берди. Нима деб ўйсиз, у:
а) яхши таассурот қолдирмоқчи – 2 балл;
б) қиз унга ёқиб қолган – 2 балл;
в) ҳаётда қўли очиқ инсонлар ҳам кўп – 4 балл.

7. Яқин кишингизни синаб кўрмоқчисиз. Буни қай тарзда амалга оширган маъқул?
а) дўстларингиз даврасига таклиф қиласиз – 2 балл;
б) ёлғиз ўзингиз синаб кўрганингиз яхшироқ – 1 балл.

8. Қизиқ мавзу юзасидан суҳбатлашаяпсиз. Суҳбатдошингиз имо-ишоралар билан гапираяпти. Нима деб ўйлайсиз, у...
а) ҳаяжонланаяпти– 4 балл;
б) самимийликдан йироқ – 1 балл.


9. Сизнингча, биринчи бўлиб гап бошламайдиган инсон...
а) жуда уятчан – 2 балл;
б) мени тушунишмайди, деб ўйлайди – 1 балл.

ТЕСТ НАТИЖАЛАРИ ТАҲЛИЛИ:

35 ва ундан ортиқ балл.
Бошқаларга жуда осонлик билан баҳо бера оласиз. Катта қийинчиликсиз кишиларнинг феъл-атворини билиб олишингиз сабабли уларга ўз фикрларингизни бемалол гапираверасиз. Шундай бўлса ҳам, кишилар ҳақида хулоса чиқарганда шошмаслигингизни маслаҳат берамиз. Биргина нотўғри фикр билан дилхираликка сабаб бўлманг.

26–34 балл.
Одамларни ва вазиятни тўғри, холисона баҳолай оласиз. Инсонларнинг феъл-атворлари сиз учун ўқиган китобингиздек равшан. Агар фикрингиз нотўғри бўлса буни тан олишдан қўрқмайсиз. Бу раҳбарлар ва ўқитувчилар учун айниқса яхши жиҳат. Сиздан яхши психолог-мутахассис чиқиши мумкин.

16–25 балл.



Баъзида одамларга тўғри баҳо бера оласиз, лекин кўпроқ бошқаларнинг фикрларига қулоқ соласиз. Шу билан фикрингизнинг тўғрилигига шубҳаланасиз. Натижада ўз фикрингизни умуман айта олмайсиз. Маслаҳатимиз, нимага қўл урмоқчи бўлсангиз, фақат ўз фикрингизга таянишга одатланинг.

15 ва ундан кам балл.
Одамларга ҳаддан ташқари ишонасиз, уларни фақат юриш-туришлари ва кўринишларидан баҳолашга ўрганиб қолгансиз. Нотўғри хулоса чиқарганингизни билганингизда эса, қаттиқ афсусланасиз. Кетма-кет қилаётган хатоларингиз инсонларга тўғри баҳо бера олмаганингиздандир.

Жасур НИЁЗОВ тайёрлади.

На заметку

H_2O В ПОЖАРНОЙ СЛУЖБЕ

H_2O – химическое название воды. Это известно всем. А вот какую роль играет в пожарной службе вода? Ответим просто – неоценимую.

Вода – самое распространенное средство тушения и является конечным продуктом горения, ее огнегасительный эффект весьма высок. Он определяется большой теплоемкостью и большим количестве тепла, которое нужно затратить, чтобы превратить воду с температурой 0 градусов в пары.

Попадая на горящие вещества, вода отнимает тепло, создавая парообразование, тем самым понижая температуру горящего вещества.

Превращаясь в пар, вода изменяет требуемое для горения соотношение кислорода, и горение прекращается. В то же время пары препятствуют проникновению к горящему веществу воздуха.

Увлажняя горючее вещество, вода затрудняет его дальнейшее горение, так как пока вода не испарится, температура вещества не поднимается и, следовательно, это вещество гореть больше не будет.

Вода в виде струи действует также как и механическая сила, сбивая огненное пламя.

Единственным недостатком воды как средства тушения является ее способность замерзать при температуре ниже 0 градуса. Этот недостаток имеет весьма существенное значение при тушении пожаров в холодное время года.

Данный вопрос можно решить путем хранения дополнительных запасов воды (емкостей) и бочек в отапливаемых помещениях для пожаротушения в зимний период года.

Служба противопожарной защиты и спасательных работ Ташкентского гарнизона напоминает: необходимо беречь воду не только как источник жизни на земле, но и для спасения людей, бережного отношения к государственному имуществу от неожиданных пожаров.

Сержант Мурод МАТСАФАЕВ,
старший инструктор службы ППЗ и СР
Ташкентского гарнизона.

ТУРМУШ ЧОРРАҲАСИ

АЁЛ БАХТИ



Раъно ҳар доим ишдан кеч қайтади. Автобус эрталаб ва кечки пайт доимо шундай тиқилинч бўлади. У йўловчиларни кузатаркан, дам-бадам соатига қараб безовталанаётган аёлларга ҳаваси келди.

Чунки уларни уйда яқинлари кутади, кеч қолса хавотирланадиган умр йўлдоши ва болалари бор.

Хаёлидан шу ўйлар кечаркан беихтиёр кўнгли бузилиб кетди.

«Меничи, мени ким кутади, менинг кимга керагим бор, ким учун яшаяпман ўзи? Ўзим учун яшашдан зерикдим... Бир пайтлар қишлоқда ота-онам кутишарди. Туну кун дуо қилишарди. Уларнинг ҳам ўтганига ўн йилдан ошибди».

Раънонинг кўз олдида ҳар сафар қишлоқдан қайтаётганида кўзларида ёш билан "Худонинг паноҳига" деб кузатиб қолган ота-онаси келди-ю, энди росмана кўзига ёш келди.

Ўша пайтлар Раъно:

– Нега йиғлайсизлар-а? Мен ҳаётимдан мамнун бўлсам, яхши ишим, пулим бўлса, – деб уларни тинчлантирарди.

– Сенинг ҳам оғзинг тегсин қизим, боғдаги меваларимиздан сенга деб яшириб қўйган эдик, – деб туршак, жийда, майиз беришарди.

Раъно эса: "Керак эмас, шаҳарда ҳамма нарса бор", – деб олгиси келмасди. Ҳозир эса энг сара туршак, майизларни сотиб олса ҳам, ўша онаси берган меваларга асло ўхшамайди. Мана, қишлоққа бормаганига ҳам уч йил бўлибди, лекин шу йиллар давомида ҳеч ким уни бормисан, деб йўқлаб келмади. Синглиси бор. Лекин у ҳам "қўли калта"лигидан опасидан хабар ололмайди. Серфарзанд, устига-устак эри ҳам яхши чиқмади.

Укалари ҳам ўзи билан ўзи овора, хотинларининг измида. Раъно оилада биринчи фарзанд эди. Мактабни аъло баҳолар билан тугатди. Бир куни маҳаллаларидаги Ҳусния исмли дугонасини Тошкентга ўқишга кетаётганини эшитиб қолди. Онасига отасини кўндиришини сўраб ялинди. Лекин отасини кўндириш осон бўлмади.

Онасининг:

– Барибир ўтолмайди дадаси, бир айланиб келадида, борса борар, кейин биздан ўқитмагансизлар, деб домангир бўлмайди, – деган гапларидан сўнг рози бўлди.

Раъно эса имтиҳонлардан осонгина ўтиб ўқишга кирди. Отаси эса, энди ўқимайди деб оёғини тираб туриб олди. Маҳалла-кўй, қўни-қўшни отасига:

– Қизингиз ўқишга кирибди деб эшитиб, хурсанд бўлдик. Энди бизнинг қишлоқни ҳам ўз шифокори бўларкан-да, кекса-ёш совуқ кунда марказга қатнашдан қутиларканмиз-да?! – деб хурсандликларини билдиришгандан кейин рози бўлишдан ўзга иложи қолмади.

Институтни имтиёзли диплом билан тамомлаган Раънони олийгоҳнинг ўзида олиб қолишди. Бу таклиф Раънога ҳам жуда ёқди.

– Сени ўқишни битиришингни қишлоқдошларимиз қанчалар кутиб туришганини биласанми қизим?! – дея зорланган онасига:

– Нимага энди мен шундай имкониятдан воз кечишим керак. Бу менинг келажагим – деб жавоб берди.

Бу орада келган совчиларга ҳам рад жавобини берди. Энди у қишлоқ йигитларига турмушга чиқишни хоҳламасди. Бирин-кетин укалари уйланди, синглиси турмушга чиқди, Раънони сўраб келгувчиларнинг ҳам кети узилди. Ота-онаси куя-куя бу оламдан ўтиб кетишди. Шу-шу Раъно ёлғиз яшашга маҳкум бўлди. Кафтдеккина ҳовлиси бор. Лекин эрта кетиб, кеч келганидан ҳовлига қарашга ҳам вақти йўқ, аниқроғи, хоҳиши йўқ. Шунинг учун қўшни бўлмиш Малика опа бу ҳовлидан фойдаланади. Кўкат етиштириб бозорга олиб боради. Малика опа Раънони талабалигидан билади. Бу ҳовлида бир кекса кампир яшар, ёлғизлиги учун ижарага бир таниши Раънони топиб берган эди. Кампир оламдан ўтганидан сўнг ёлғиз фарзанди уйни сотувга қўйди. Бундан хабар топган Раънонинг дадаси қизининг тўйига деб йиққан-терганини белбоққа тугди-ю, шаҳарга жўнади. Ким билади, ўша пайтда отасининг хаёлидан нималар кечган экан.

"Отажон, қабрингиз нурга тўлсин! Мен сизга ҳеч нарса қилолмадим, фақат ўзимни ўйладим, сўнгги манзилингизга ҳам мени деб хотиржам кетмадингиз". Лекин бу гапларнинг энди фойдаси йўқлигини Раъно яхши биларди. Шу ўйлар гирдобида ҳовлига кириб келганини ҳам сезмай қолди. Ҳовлига сув сепилиб, айвон чироғи ёқилган, хонтахта устида тўнтарилган тоғорача... Малика опа қачон овқат олиб чиқса шундай қиларди. У Раънони фақат дам олиш кунларигина овқат қилишини биларди. Айвонга чиқиб тоғорачани очиб кўрди, манти экан. Нимагадир мантини кўриб ичига ютиб турган йиғисини тўхтата олмади. Тўйиб-тўйиб йиғлади. Овқатни устини ёпиб, уйга кириб, ўзини диванга ташлаганича эрталаб Малика опанинг овозидан уйғониб кетди. Соат тўққиз бўлибди, ҳаётида биринчи марта ишга кеч қолиши. Аммо ҳозир бу ҳақида ўйламасди. Тошойна олдига келиб, ўзига қаради. Юзидаги ажинларга, оқ оралаган сочларига бир зум термулиб турди-да, ишига йўл олди. Тўғри бошлиқнинг олдига кириб, таътилга чиқмоқчилигини айтди. Шунча йиллар давомида бирор марта таътилга чиқмаган ходимининг бирдан бу қарорга келиши, уни ҳам таажжубга солди.

– Майли, лекин таътилга чиқиб ҳам ишлайверардингиз, шунга...

– Тобим бўлмаяпти, чарчадим шекилли.

Эртаси кун Раънони уйда кўрган Малика опа ҳам ҳайрон бўлди.

– Вой, ишга бормадингизми?

– Таътилга чиқдим.

– Ажаб қилибсиз, дам ҳам олиб туриш керак. Эртага маҳаллада йиғин бор, бирга чиқамиз, тайёрланиб туринг, – деди-ю, кўкатларни кўтариб жадал юриб кетди.

Раъно обдон уйларни, ҳовлиларни тозалади, кир ювди, ҳамма ёқни саранжом-саришта қилиб қўйди. Ювиниб, тараниди. Шунақанги мазза қилди-ки, яқин ўртада бунчалик дам олмаганди.

Эртаси куни Малика опа вақтли чиқди. Бозорга кўкат ола туриб, ўсмадан ҳам бир тутам узиб олди.

– Раънохон, сўлитиб қўйинг, қўйиб оламиз.

У ўзига эътибор бермай қўйганига анча бўлганди. Шунинг учунми ўсма қўйгандан кейин бирам очилди, кўзгуга қараб ўзига ҳаваси келди. Айниқса, ним пушти дурраси бир ҳуснига, ўн ҳуси қўшди.

Малика опа ҳам:

– Раънохон ўзингизми?! – деб суқланиб қараб қўйди.

Раъно биринчи марта бундай йиғинларга қатнашаётгани учун ўзини жуда ноқулай ҳис қилди. Маҳалла аёллари гарчанд ёш бўлмасалар-да, жуда хушчақчақ, оққўнгил эканлар. Бир аёл Раънохонга жуда кўп эътибор берди. Қачон кўзи тушса, тикилиб турган бўларди. Унинг Малика холага Раънони имлаб нималардир деяётганини кўриб қолди. Хурсандчилик ўрнини энди ҳадик эгаллади.

Лекин бу ҳақида Малика опадан сўрашдан ийманди. Жоиз бўлса ўзи айтар.

Эртаси куни Малика опа Раънохонни олдига ўтқазиб гап бошлади.

– Қизим, ёлғизлик Оллоҳга ярашади, ёшлик қисқа, кексалик узоқ дейишади. Ҳозир сизга бир гап айтаман, шошмай ўйлаб, кейин жавобини айтарсиз.

Гап нима ҳақдалигини у сезгандек бўлди.

– Маҳалламизда Собитжон исмли йигит бор, жуда яхши инсон. Учта фарзанди бор, ҳаммасини уйли-жойли қилиб, улардан тинган. Аёли Сорахоннинг ўтганига ҳам беш йил бўлди, Собитжонни фарзандлари, яқинлари ҳам қайта оила қуришга кўндира олмадилар. Кеча йиғинда Собитжоннинг синглиси сизни кўриб ёқтириб қолиб, «бир гаплашиб кўринг», деб илтимос қилганди. Шуни бир ўйлаб кўрсангиз.

Бу ёлғизликдан Раъно ҳам чарчаган, айниқса, кексайганда, куч-қувватдан кетганида ҳоли нима кечишини ўйласа юраги орқага тортиб кетарди. Шу сабаблими, эътироз билдиришга шошилмади.

Тақдир экан, ҳаш-паш дегунча маҳалла катталари уларнинг бошини қовуштириб қўйишди. Вақт оқар дарё деб бежиз айтишмаган. Шу ишларга ҳам уч ой бўлибди. Шифокор қабулидан чиқаётган Раънохоннинг қувончи чексиз. Унга она бўлиш бахти насиб этадиган бўлди. Шу дамда оила, фарзанд аёл учун энг буюк бахт эканлигини биринчи марта ҳис қилди.

"Эрталаб ишга, ишдан оиласига шошган аёл энг бахтли аёл", деб эшитганди. Бу гаплар қанчалик ростлигига ҳозир ўзи гувоҳ бўлиб турибди. Автобусга чиқаркан соатига қараб қўйди, ахир уни уйда кутадиган кишиси бор, хавотир олади. Қолаверса, кечки овқатни тайёрлаши керак...

Баноат ЮНУСОВА.

Қатра

ХАЁЛ

Хаёл... Бунчалар яхшисан!

Сени кўмагингда бир зумда олисдаги яқиним билан дийдорлашиб, меҳрига қонаман. Ортга қайтиб, кўнглига озор берганларимдан узр сўрайман. Беғубор болалигим билан унинг кўчаларига бир-бир кириб чиқаман. Отажоним қучоғида унинг эртакларини борлиқни унутиб, ҳайрат билан тинглайман. Қўғирчоғим билан бирга ялпиз тергани бораман.

Оҳ, бунчалар яхшисан хаёл...

Ортга қайтиб, бир зумда қилган хатоларимни тўғрилайман. Бугун мени азобга ташлаб қийнаётган, ичимда қолиб кетган саволларимга жавоб оламан. Сени кўмагингда ҳаёт зарбаларига учраб, ўзини бахтсиз деб ҳисобловчилар бир зум бўлса ҳам бахт шаробидан симирадилар. Бироқ сени тирдобингга тушиб, хаёл қулига айланган ҳар қандай одам ғафлатда қолади. Буни биламан, лекин, барибир сен билан мозийга сайр қилиш мен учун жуда мароқли. Фақат инсонгагина берилган яна бир имконият бор, хаёлларни рўёбга чиқариш учун унга шижоат, билим, ғайрат ином этилган. Хаёлларда яралган нарсаларни кўпи ҳақиқатга айланиб, бугун инсониятга хизмат қилаётгани ҳам рост. Мозийга қайтиб хатоларни хаёлда тўғрилашдан кўра, уни такрорламаслик яхшироқдир. Хаёлларни рўёбга чиқариш эса ундан-да яхшироқ!

Хаёл... Бунчалар яхшисан!

КИБР

Мана баҳор ҳам ташриф буюрди. У ўз ҳусн-таровати билан барча кўнгилларга илиқлик, янгиланиш ва уйғониш олиб кирди десам муболаға бўлмас. Биз камтарликни табиатдан ўргансак яхши бўларди, деб гоҳида ўйлаб қоламан. Баҳор элчиси бўлмиш чучмомолар, бойчечаклар ҳамма ёқни бирдек безайди. Улар ҳатто қабристонларда ҳам аввалроқ униб чиқади. Баҳор ёмғири эса бадавлату ғариб хонадонига бирдек, баравар ёғади.

Ҳозирги кунда мансаб, мол-дунё гирдобига ғарқ бўлиб, ўзлигини йўқотаётганлар қанча. "Қабристонни зиёрат қилиб турингиз" деган Ҳадиси шарифнинг маъносини энди тушингандекман ва бу ҳадис ёдимга бир ривоятни солди.

Бир зиқна бой бўлган экан. Унинг ҳалол ва тўғрисўз хизматкори бор эди. У ўз ишини сидқидилдан бажарар, аммо бой ҳар дақиқада унинг қашшоқлиги-ю, бойга муте эканлигини эслатиб тураркан. Хизматкор эса бунга жавобан фақат жилмайиб қўяркан. Йиллар ўтиб, бу фоний дунёни икковлари ҳам тарк этишибди. Орадан яна йиллар ўтибди. Уларнинг хоки тупроққа айланиб кетибди.

Қулол соз тупроқ излаб юриб, уларнинг тупроққа айланиб кетган хокини олиб, чойнак ясабди. Бойнинг хоки чойнакни остига тўғри келибди, хизматкорнинг хоки эса чойнакка қопқоқ бўлибди. Бу қиссадан кимнинг қандай хулоса чиқариши ҳар кимнинг ўзига ҳавола. Зора, бу ривоят амал ва мол дунёга ружу қўйиб, ота-онаси-ю, қон-қариндош, ёри биродарлари олдидаги бурчини унутганлар учун сабоқ бўлса.

Сардор ЗОҲИДОВ.

КОИНОТ

МАРСДА ШЎР СУВ БОРМИ?

Марс сайёраси юзасини ўрганиш билан шуғулланувчи олимлар унда шўр сув билан тўлган кўлмаклар мавжуд бўлиши мумкин, деган хулосага келдилар. Аввалари ўта паст ҳарорат ва унча юқори бўлмаган босим сабабли мазкур сайёрада сув фақат муз ва атмосферадаги сув буғлари кўринишида бўлиши мумкин, деб ҳисобланар эди.

Бироқ, НАСАнинг «Феникс» модули бортидан олинган маълумотлар Марс тупроғида перхлорат тузлар мавжудлиги ва улар сувнинг музлаш ҳароратини Цельсий бўйича – 70 даражагача пасайтиришидан далолат бермоқда. Бундай тупроқнинг сувли муз билан бирлашиши натижасида шўрланган сув билан тўла сув ҳавзалари юзага келиши мумкин. Ушбу тахминлар Техас штатида бўлиб ўтаётган сайёрашунослик ва селенология бўйича 40-конференцияда муҳокама қилинмоқда. Бир қатор маърузаларда 2008 йилнинг 25 майида Марснинг шимолий ҳудудидаги текисликка қўнган «Феникс»дан олинган маълумотлар таҳлилидан сўнг қўлга киритилган дастлабки илмий натижалар тақдим этилган.

ТОПОЛМАДИ...

Ресторанга кириб, эндигина стол ёнига ўтирган мижоз олдига патнис кўтарган официант келди:

– Қаҳвами, чойми?

– Қаҳва.

– Йўқ, тополмадингиз. Чой келтирдим.

РУХСАТИ ЙЎҚ

Назоратчи балиқчига пўписа қилди:

– Нега тақиқланган, жойда балиқ тутаяпсиз?

– Балиқ тутаётганим йўқ, чувалчанг чўмилтираяпман.

– Барибир жарима тўлайсиз.

– Нима учун?

– Чувалчангни рухсатсиз чўмилтираётганингиз учун.

АДАШДИ

Эрталабки йўқлама. Лейтенант аскарларнинг фамилияларини ўқимоқда:

– Борисов.

– Мен.

– Журавлёв.

– Мен.

– Уч минг ўттиз.

Сафдан норози оҳангдаги овоз эшитилди:

– Ўртоқ лейтенант, ахир менинг фамилиям уч минг ўттиз эмас, Зозо-ку!

ҚУЛАЙ УСУЛ

– Доктор, – деди кулимсираганча бемор, – нимага менга тилингизни чиқаринг, дедингиз-у, ўзингиз унга қиё ҳам боқмадингиз?

– Рецепт ёзиб бергунимча бир пас жим туришингизни хоҳлагандим. – деб жавоб берди врач ҳам жилмайиб.

БЎЛАР ИШ БЎЛДИ

Бир киши қўшнисининг эшигини тақиллатганча деди:

– Агар сиз лаънати саксофонингизни чалишни ҳозироқ тўхтатмасангиз, мен ақлдан озишим аниқ!

Эшик орқасидан жавоб эшитилди:

– Ё, товба, мен икки соатдан бери саксофон чалаётганим йўқ-ку!

«ОҚИЛОНА» ҚАРОР

Бир бола иккинчисига деди:

– Кеча кўчадан ўн доллар топиб олдим. Яхшилаб қарасам, қалбаки экан. Ташлаб юбордим.

– Қалбакилигини қаердан билдинг?

– Иккита нолли ўн долларни қаерда кўргансан?..

ҲОЗИРЖАВОБЛИК

– Оғайни, бугун кечқурун нима қиласан?

– Ҳеч нима. Мен ичишни бутунлай ташладим.

С. ПЎЛАТОВ тайёрлаган.


Рекорды Книги Гиннесса



Lil Jon стал знаменит своему кулону Crunk Aint Dead, купленный у ювелира Jason. Кулон, выполненный из белого и желтого золота, стоимостью 500.000 дол. США, имеет внушительные габариты и украшен бриллиантами общим весом 73 карата. Всего — 3756 брюликов.




Самый большой перочинный нож, изготовленный Швейцарской фирмой «Wenger», был занесен в Книгу рекордов Гиннесса. В этом меганоже нашли место 87 различных инструментов, с помощью которых можно выполнять в общей сложности 141 функций.



Два скоростных лифта в самом высоком здании мира официально признаны самыми быстрыми. Всего за 30 секунд они способны поднять пассажиров на вершину 508-метровой башни TFC 101 Tower в столице Тайваня.

ДУНЁ НАФАСИ

РОБОТЛАР ОЙНИ ЎЗЛАШТИРАДИ




Японияда Ойни ўрганиш бўйича ноанъанавий концепция ишлаб чиқилмоқда. Яъни тиниб-тинчимаган японлар роботлар ёрдамида бу режани амалга оширишмоқчи. Мутахассисларнинг таъкидлашича, Ернинг йўлдошига робот «қадами» 2020 йилда тегиши мумкин.

«CyberSecurity.ru» сайтининг хабар беришича, агар мамлакат Вазирлар маҳкамаси маблағ ажратса, мазкур концепция бўйича ҳукумат комиссияси худди одамга ўхшаган роботлар ясашади.

«Japan Today» нашрининг хабарига кўра, роботлашган тизим орқали Ойни ўзлаштириш ғояси илмий доираларда 5 йилдан бери муҳокама қилиб келинади. Фақатгина бугунга келиб, ушбу ғоя Япония космик тараққиёт штабига етиб келди ва масаланинг муҳимлиги, долзарблиги эътироф этилди.

САРАТОНГА ҚАРШИ ЯНГИ ДОРИ



Гонгконг олимлари саратонга қарши самарали таъсир этувчи янги дори ишлаб чиқишди. «ВСА» дея номланувчи мазкур препарат таркибида саратон тўқималарининг озиқланиш воситаларини тўсиб қўювчи фермент бор. Оқибатда хаста тўқималар очликдан ҳалок бўлишади.

Шуни таъкидлаш лозимки, янги препарат хастани оғриқли кимёвий терапиядан, соч тушиши ва ташналикдан халос этади.

Гонгконглик олимларнинг бу хизматлари Женевада бўлиб ўтган халқаро кўргазмада мукофотга сазовор бўлди.

Олимларнинг таъкидлашича, мазкур дори қатор синовлардан ўтгач, аниқроғи 10 йилдан сўнг оммавий сотувга чиқарилиши мумкин.


АРКТИКАНИНГ ЁЗИ ЯҚИНМИ?



Колорадо штати университети тадқиқотчилари NASA билан ҳамкорликда Арктика қадим музликларининг каттагина қисми йўқ бўлиб кетганини аниқлашди. Маълум бўлишича, айни қишки мавсумда муз қатламининг бор-йўғи 10 фоизи сўнгги икки йилликка тегишли экан.

Тадқиқот билан бир пайтда «Geophysical Research Letters» журналида 30 йилдан сўнг Арктиканинг илк ёзи бошланиши, яъни музликлар тўла эриб кетиши эҳтимоли борлиги ҳақида мақола эълон қилинган.

«ХОТИРА ЭЛИКСИРИ»



Олим Тод Сэктор Андре А. Фентон билан сичқон ва каламушлар хотираси бўйича тадқиқот ўтказаётиб, муҳим бир хулосага келди. Аниқроғи «PKMzeta» дея номланувчи препарат танасига юборилганда, кемирувчилар таниш лабиринт сари элтувчи йўлни унутишди.

Мазкур тадқиқот бўйича журналист Бенедикт Кэрри шундай дейди: «Тасавур қилинг, бош мияга кимёвий препарат таъсири натижасида фобияни, турли нохушликлар ёки зарарли одатлар ҳақидаги хотирани ўчириш мумкин». Тод Сэктор эса мазкур препарат ёрдамида кексалик склерозининг олдини олиш мумкинлигига ишора қилмоқда.

«Хотира эликсири» нимага қодир эканлигини эса вақт кўрсатади.

Интернет материаллари асосида тайёрланди.



ДУНАРОДНАЯ ПАНОРАМА МЕЖДУНАРОДНАЯ ПАНОРАМА МЕЖДУНАРАРОДНАЯ ПАНОРАМА МЕЖДУНАРОДНАЯ ПАНОРАМА МЕЖДУНАРОДНАЯ ПАНОРАМА МЕЖ ДУНАРОДНАЯ ПАНОРАМА МЕЖДУНАРОДНАЯ ПАНОРАМА МЕЖДУНАРАРОДНАЯ ПАНОРАМА МЕЖДУНАРОДНАЯ ПАНОРАМА МЕЖДУНАРОДНАЯ ПАНОРАМА МЕЖ

МЕЖДУНАРОДНАЯ ПАНОРАМА



Италияда ер қимирлаши давом этмоқда

Марказий Италияда ер силкинишлари давом этмоқда ва вақти-вақти билан зилзила кучи Рихтер шкаласи бўйича 5 баллгача етмоқда. Зилзила қурбонлари ва жароҳатларганлар сони ҳам кундан-кунга ошиб бормоқда. AFR ахборот агентлиги қутқарувчилардан олинган хабарларга таянган ҳолда шу кунгача 179 нафар киши ҳалок бўлгани, яна 40 киши эса бедарак йўқолгани ҳақида хабар берди. Шунингдек, жароҳатланганлар сони 1,5 мингга етган, 100 минг киши эса бошпанасиз қолган.



Успешная трансплантация обгоревшему на пожаре

Французские врачи в ходе беспрецедентной 30-часовой операции помогли 30-летнему мужчине, который в 2004 году обгорел на пожаре, успешно пересадив пациенту часть лица и кисти рук. Одновременная трансплантация стала возможна благодаря слаженной работе десятков врачей больницы имени Анри Мондора под Парижем, передает агентство AP.



Яна бешта кема Сомали қароқчилари қўлида

Ўтган уч кун мобайнида Сомали қароқчилари бирваракайига бешта кемани қўлга олганлар. Британиянинг қуруқ юк ташувчи кемасидан ташқари, қароқчилар асирлигида Тайванга қарашли траулер, француз байроғи остидаги яхта, Яман шатакчи кемаси ва Германиянинг контейнер ташувчи кемаси ҳам бор. Германиянинг Hansa Stavanger кемаси бортида уч нафар Россия фуқароси ҳам бор, деб хабар беради ИТАР–ТАСС.



В условиях борьбы с издержками

Европейская комиссия, считает, что тарифная политика Visa ограничивает конкуренцию между банками-эмитентами и искусственно поднимает цены в магазинах, принимающих банковские карты.

Visa стала второй после MasterCard платежной системой, к которой были предъявлены претензии со стороны регулятора. Удовлетворение претензий к MasterCard позволит по данным Еврокомиссии сэкономить потребителям 200 млн. евро.



Гарсиа Маркес миш-мишларни рад этди

Дунёга машҳур ёзувчи Габриэль Гарсиа Маркес, аввал тарқатилган турли маълумотларга зид равишда, қитоб ёзишни давом эттирмоқда ва яқин келажакда ўзининг асосий машғулоти шу ишни давом эттириш эканлигини таъкидламоқда. Таниқли ёзувчи бу ҳақда телефон орқали интервьюсида мобайнида маълум қилган, деб хабар беради РИА Новости.

Колумбиянинг «Tiempo» газетаси таҳририятидан қилинган биринчи қўнғироққа Маркес қисқа қилиб «Кейинроқ қўнғироқ қилинг, ҳозир ёзиш билан машғулман», деб жавоб берган.



Зверь «ожил» прямо в машине

Польский водитель может сесть в тюрьму за то, что подобрал с обочины дороги мертвого, как ему показалось, оленя. Как сообщает Ananova, обвиняемый 25-летний Дариус Камински рассказал в полиции, что ехал на своем автомобиле «Fiat 126» по трассе в Люблине на востоке Польши и увидел лежащую на обочине тушу оленя. Он перетащил мертвое животное к себе в машину и поехал дальше на работу. Когда Камински доехал до офиса, он оставил оленя на заднем сиденье «Fiat». В это время зверь пришел в себя и пожелал оказаться вновь на воле.

(www.NEWSru.com).

ПАРЛАМЕНТ

СИНГАПУР ДЕЛЕГАЦИЯСИНИНГ УЧРАШУВЛАРИ

Мамлакатимизга ташриф буюрган Сингапур Республикаси парламенти Спикери Абдулла Тармуғий раҳбарлигидаги делегация 6 апрель куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Спикери Д. Тошмуҳамедова билан учрашди.



Мулоқот чоғида икки давлат раҳбарларининг учрашувларида эришилган келишувлар Ўзбекистон билан Сингапур ўртасидаги ўзаро ҳамкорликни барча жабҳаларда, жумладан, парламентаризм соҳасида ҳам ривожлантиришда муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилаётгани алоҳида таъкидланди. Хусусан, Президент Ислом Каримовнинг 2007 йилнинг январь ойида Сингапурга давлат ташрифи ўзаро алоқаларни янги босқичга олиб чиқди.

Учрашувда икки мамлакат олий қонун чиқарувчи органлари ўртасидаги муносабатларга доир масалалар юзасидан атрофлича фикр алмашилди.

– Мамлакатларимиз ўртасидаги алоқалар изчил ривожланаётгани бизни ғоят қувонтиради, – деди Абдулла Тармуғий. – Ташриф асносида юртингизни ҳар жиҳатдан ривожлантириш йўлида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар юксак самаралар бераётганининг гувоҳи бўлдик. Ўзбекистонда қонун ижодкорлари учун яратилган қулай шароит ва имкониятларга ҳавас қилса арзийди. Икки томон учун ҳам фойдали ҳамкорликни барча йўналишлар қатори парламентаризм соҳасида ҳам янада ривожлантириш тарафдоримиз.

Сингапур Республикаси парламенти Спикери Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси И.Собиров билан ҳам музокара ўтказди. Мулоқот чоғида икки томонлама муносабатларнинг ҳуқуқий асосини мустаҳкамлашда парламентлараро ҳамкорлик муҳим аҳамият касб этиши таъкидланди. Томонлар бу йўналишдаги алоқаларни янада фаоллаштириш масалаларини муҳокама қилдилар.

ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.

Мажлисни Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери Д. Тошмуҳамедова олиб борди.

Депутатлар Қонунчилик палатаси Кенгаши томонидан таклиф этилган кун тартибини тасдиқладилар.

«Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартишлар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳасини Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитасининг аъзоси Б.Юсупов тақдим этди. Мазкур қонун лойиҳаси Ўзбекистон Республикаси Номоддий маданий меросни муҳофаза қилиш тўғрисидаги халқаро конвенцияни ратификация қилганлиги ва унинг айрим нормаларини миллий қонунчиликка имплементация қилиш зарурати муносабати билан, шунингдек, ушбу соҳада мамлакатимизда тўпланган иш тажрибасини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилди. Қонун лойиҳасида номоддий маданий мерос объектларини талқин қилиш билан боғлиқ нормалар қайта кўриб чиқилган, номоддий маданий мерос объектларини сақлаш ва қайта тиклаш чоралари тўғрисида янги қоидалар белгиланган.

Савол-жавоблардан кейин қонун лойиҳасининг моддама-модда муҳокамаси бўлиб ўтди. Унда сўзга чиққан сиёсий партиялар барча фракцияларининг вакиллари мустақиллик йилларида мамлакатимизда Президент Ислом Каримов раҳбарлигида ўзбек халқининг кўп асрлик маданий ва маънавий меросининг моддий ҳамда номоддий намуналарини тиклаш, сақлаш ва тарғиб қилиш борасида катта иш қилинганлигини таъкидладилар. ЮНЕСКО оғзаки ва номоддий маданий мерос дурдоналари рўйхатидан Ўзбекистон номоддий маданий меросининг иккита намунаси – Бойсун туманидаги маданий мерос ва Шашмақом мусиқавий анъаналари жой олган. Киритилаётган ҳуқуқий нормалардаги янгилик ва уларнинг долзарблиги энг аввало шундаки, улар моддий маданий мерос объектларини илмий ва илмий-техник жиҳатдан ўрганиш, консервациялаш, реставрация қилиш ҳамда ҳозирда фойдаланиш учун мослаштириш бўйича давлат дастурларини самаралироқ рўёбга чиқариш имконини беради, ушбу соҳадаги ишларни сифат жиҳатидан янги даражага кўтаради.

Қонунчилик палатаси депутатларнинг айрим ҳуқуқий нормаларни янада такомиллаштиришга қаратилган таклифларини ҳисобга олган ҳолда Қонунни қабул қилди. Қонун маъқуллаш учун Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатига юборилади.

Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитасининг аъзоси Н. Алимов «Археология мероси объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси ҳақида ахборот берди. Ушбу ҳужжатда Ўзбекистон Республикаси ҳудудида мавжуд бўлган кўп сонли археология мероси объектларини аниқлаш, ўрганиш, сақлаш ва улардан фойдаланиш тартиби белгилаб берилади. Археология мероси объектларига нисбатан мулкчилик ҳуқуқи, археология объектини Маданий мерос объектларининг давлат кадастрига киритиш ва ундан чиқариш, тегишли давлат органлари ва ташкилотларининг ушбу соҳадаги ваколатлари, археология предметларини ҳисобга олиш ва сақлаш каби муҳим масалалар ҳам муҳокамага қўйилган ҳужжат орқали тартибга солинади.

Муҳокама давомида депутатлар Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги кўп асрлик миллий тарих ва маданиятнинг таркибий қисми бўлган археология мероси объектларининг давлат томонидан ишончли муҳофаза қилиниши муҳим аҳамиятга эга эканлигини, уларни изчил ўрганиш ва тадқиқотлар натижаларини жаҳон жамоатчилиги эътиборига етказиш, улғайиб келаётган авлодни тарихий далиллар мисолида тарбиялаш зарурлигини таъкидладилар. Мустақиллик йилларида ўзбек халқининг бой археология меросини қайта тиклаш ва тарғиб қилиш давлат сиёсати даражасига кўтарилганлиги, шунинг учун депутатлар мазкур масалага бундан буён ҳам катта эътибор қаратишлари алоҳида таъкидланди.

Муҳокама давомида баён этилган фикрларни ҳисобга олган ҳолда Қонунчилик палатаси қонун лойиҳасининг концепциясини маъқуллаб, уни биринчи ўқишда қабул қилди.

«Ёнғин хавфсизлиги тўғрисида»ги қонун лойиҳаси ҳақида Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси аъзоси Ф. Хатамов маъруза қилди. Қонун лойиҳасида ёнғин хавфсизлигини таъминлашнинг умумий ҳуқуқий, иқтисодий ва ижтимоий асослари белгилаб берилган, ушбу соҳада давлат ҳокимияти ва фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари, мулкчилик шаклидан қатъи назар, юридик шахслар ўртасидаги, шунингдек, жамоат бирлашмалари, мансабдор шахслар, Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар ўртасидаги муносабатлар тартибга солинади.

Ҳужжатни муҳокама қилиш вақтида депутатлар ёнғин хавфсизлиги миллий хизматини янги давр талабларига мувофиқ равишда бундан буён ҳам такомиллаштириб бориш зарур эканлигини таъкидладилар. Ушбу масаланинг ҳал этилиши ижтимоий хавфсизликни таъминлаш, ёнғин ва у туфайли келиб чиқадиган зиёнларнинг олдини олишга қаратилган иқтисодий, ижтимоий, ташкилий-техник ва бошқа чоралар комплекси билан жипс боғлиқ эканлигига эътибор қаратилди.

Қонунчилик палатаси депутатлар киритган таклифларни муҳокама қилиб, қонун лойиҳасининг асосий қоидаларини маъқуллади ва уни биринчи ўқишда қабул қилди.

ҚОНУН ИЖРОСИНИ ТАЪМИНЛАБ

Мамлакатимиз суд-ҳуқуқ тизимида амалга оширилаётган ислоҳотлар жараёнида суд қарорларини ижро этиш масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 29 августда қабул қилинган "Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида"ги Қонуни асосида ижро тизимининг ҳуқуқий асослари яратилди. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузурида ташкил этилган Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаменти мазкур Қонун ижросини изчил таъминлаб келаётир.

Жорий йил 14 январда қабул қилинган "Ижро иши юритиш такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни асосида суд қарорлари ижро этилиши кафолатлари янада кучайтирилди.

Пойтахтимизда Адлия вазирлиги томонидан ташкил этилган суд қарорлари ижросини таъминлашга қаратилган қонун ҳужжатлари ва уларнинг мазмун-моҳиятини аҳолига етказиш масалаларига бағишланган матбуот анжуманида шу ҳақда гап борди.

Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаменти директори ўринбосари У. Абдувалиев 2008 йилда олиб борилган ижро ҳаракатлари натижасида 2 триллион 750 миллиард сўмлик ҳужжатнинг ижроси таъминланганини қайд этди. Шундан давлат фойдасига 1,3 триллион сўмга яқин маблағ ундирилди.

Ижро ишининг изчил таъминланиши аҳолининг бу борадаги ҳуқуқий маданиятига бевосита боғлиқ. Шу боис соҳа ходимлари қонунчилик тарғиботига алоҳида эътибор қаратмоқда. Бу борада ўтган йил давомида уч мингга яқин тадбир ташкил этилди. Оммавий ахборот воситалари орқали ҳам мунтазам чиқишлар уюштирилмоқда.

Тадбирда бу йўналишдаги ишларни янада кучайтиришга қаратилган тавсиялар ишлаб чиқилди.

ЎзА материаллари асосида тайёрланди.

АСКАР УЙИГА ҚАЙТДИ

ТИЛ БИЛГАН – ЭЛ БИЛАР

Офицер Р. Шосаидов қўмондонликдан муҳим топшириқ олди. У қўл остидаги посбонлар билан бирга тоғ дарасида яширинган шартли душманни қидириб топиши ва йўқ қилиши керак. Командир кичик сержант С. Холниёзов билан биргаликда харитадан душман жойлашган ҳудудни ўрганди. Шундан сўнг ҳаракатланиш режаси ишлаб чиқилди. Оддий аскар Д. Расулов зиммасига шартли душман ҳақидаги зарур маълумотларни тўплаш юклатилди. Посбон тўплаган маълумотлар асосида шартли душман йўлига пистирма қўйилди. Хуллас, жанговар вазифа муваффақиятли бажарилди. Шижоати, фидойилиги, жанговар вазифани аъло даражада уддалагани учун оддий аскар Д. Расуловга миннатдорчилик эълон қилинди.

Ҳа, қаҳрамонимиз Дилшодбек Расулов армиядаги хизмати давомида ўзининг тиришқоқлиги, изланувчанлиги, салоҳияти билан сафдошларига ўрнак бўлиб келди.

– Оддий аскар Расуловни жуда яхши эслайман, – дейди офицер Р. Шосаидов. – Энг илғор посбонларимиздан бўлган. Айниқса, жанговар ва жисмоний тайёргарлик машғулотларида фаоллиги билан ажралиб турарди. Вазифасини сидқидилдан адо этиши, зиммасидаги масъулиятни юракдан ҳис этиши, юксак интизоми туфайли ҳарбий жамоада эътибор қозонган.

Армия қаҳрамонимиз ҳаётида туб бурилиш ясади, деб айтишимиз мумкин. Муддатли ҳарбий хизмат мобайнида жанговар тайёргарлик машғулотларида аъло натижаларга эришган, ҳарб илмини пухта ўзлаштирган посбон «Жанговар тайёргарлик аълочиси» кўкрак нишонига сазовор бўлди.

– Ҳаётимнинг энг сермазмун, завқли дамларини армияда ўтказдим, – дейди у биз билан суҳбатда. – Кўп нарсаларни ўргандим, ҳар томонлама чиниқдим. Соҳа билимларини эгаллашимда яқиндан ёрдам берган, ўзларининг маслаҳатлари билан хизмат машаққатларини енгиб ўтишимда кўмакчи бўлган офицер ва сержантлардан миннатдорман.


Муддатли ҳарбий хизматгача Дилшод Тошкент темир йўл касб-ҳунар коллежида таҳсил олди. Бу таълим даргоҳини муваффақиятли тамомлаб, Ўзбекистон темирйўллари акционерлик компаниясининг Тошкент шаҳар бўлимида алоқачи сифатида фаолият кўрсатди.

Ўн икки ёшидан буён спортнинг бокс тури билан мунтазам шуғулланиб келаётган ўғлон бу борада ҳам қатор ютуқларни қўлга киритган. 2006 йилда Термиз шаҳрида ёшлар ўртасида ўтказилган биринчиликда 62 кг вазн тоифасида 3-ўринни қўлга киритган бўлса, Ўзбекистон чемпионатининг саралаш баҳслари ғолиби бўлган.

Фарзандларининг ҳар томонлама баркамол инсон бўлиб етишишини орзу қилган Ҳамид ака ва Венера опалар Дилшоднинг ўқиши, хорижий тилларни ўрганишига жиддий эътибор қаратишди. Ҳозирда Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетининг роман-герман (инглиз) филологияси факультетининг 1-курсида таҳсил олаётган қаҳрамонимиз келгусида Европа халқлари тилларини ҳам ўрганиш истагида.

– Мақсадларим жуда улкан. Ҳали амалга оширадиган ишларим жуда кўп. Хорижий давлатлар тилларини мукаммал эгаллаб, уларнинг саноат, транспорт, маиший хизмат, ишлаб чиқариш, таълим соҳаларидаги бой тажрибаларини ўрганиш, энг истиқболли тадқиқотларни мамлакатимизда жорий этишни ният қилганман.

Улуғ аждодимиз Маҳмудхўжа Беҳбудий XX аср аввалида ёшларни «Икки эмас, тўрт тилни билиш»га чақирган эди. Миллатнинг жонкуяр фарзанди Аваз Ўтар «Ҳар тилни билув эмди бани одама жондир, тил воситаи робитаи оламиёндир», дея кўп тилни билишнинг фойдалари ҳақида таъкидлаганди. Боболар ўгитига амал қилиб келаётган, йигитлик мактабининг тарбиясини олган қаҳрамонимиз Ватан равнақига муносиб ҳисса қўша оладиган инсон бўлишига ишонамиз.



Жамшид НИЁЗОВ,
«Ватанпарвар» мухбири.

Қарор ва ижро

БАНДЛИККА ЭЪТИБОР – МУҲИМ МАСАЛА

Бугунги кунда ёшларимизга яратилаётган имкониятлар кишини қувонтиради. Айниқса, уларнинг орзу-ўйлари, режалари билан қизиқиш, иқтидорига муносиб баҳо бериш ва уларни мамлакат равнақига таъсир кўрсатадиган соҳаларга йўналтиришга қаратилган кенг кўламли ишлар фикримизни тасдиқлайди. Муддатли ҳарбий хизматни ўтаб, резервга бўшатилган аскарларнинг кейинги тақдири билан қизиқиш, уларни бўш иш ўринларига жойлаштириш ёки муайян касбга қайта тайёрлаш кабилар ҳам шулар жумласидан. Бу борада жойлардаги Бандликка кўмаклашувчи марказларнинг ёрдами катта бўлмоқда.

Шайхонтоҳур тумани Бандликка кўмаклашувчи марказ фаолияти мисолида бу борада қатор тадбирлар амалга оширилаётганига гувоҳ бўлиш мумкин. Жумладан, Қуролли Кучларимиз сафида конституциявий бурчларини ўтаб, резервга бўшатилган йигитларнинг ҳозирда нима билан машғуллиги, бўш вақтини қандай ўтказаётганлиги ҳақидаги маълумотларни ўзида мужассамлаштирган каталог ташкил қилинган.

– Ёшларнинг, хусусан, армиядан қайтган йигитларнинг бандлигини таъминлаш мақсадида қатор ишлар амалга оширилмоқда, – дейди марказ директори Васила Хонкелдиева. – Яқинда Тошкент шаҳри миқёсидаги бўш иш ўринлари кўргазмаси ташкил этилди. Унда муддатли ҳарбий хизматни ўтаб қайтган йигитлар ҳам иштирок этиб, тегишли касб ва малакага эга бўлганлар қатор корхона ва ташкилотлар, хусусий фирмалар, аҳолига хизмат кўрсатиш шохобчаларидан ишга йўлланма олишди. 2009 йил апрель ҳолатига кўра, жорий йилнинг баҳорида туманимизда истиқомат қилувчи муддатли ҳарбий хизматни ўтаб қайтганлардан 6 нафари ҳозирги кунда ўз имкониятларидан келиб чиқиб, вақтинчалик иш билан банд. Муайян иш билан таъминланмаганлар Бандликка кўмаклашувчи марказ орқали қайта касбга тайёрлаш курсларига ўқишга юборилган.

– Армиядан қайтгач, Собир Раҳимов тумани молия бўлимига ишга жойлашдим, – дейди Шоҳрух Убайдуллаев. – Бунда туманимиздаги Бандликка кўмаклашувчи марказнинг ёрдами катта бўлди. Муддатли ҳарбий хизматгача компьютер саводхонлиги бўйича ўқув курсларида тегишли мутахассисликка эга бўлганим, қолаверса, ҳаёт мактабининг сабоғини олганим туфайли менга ишонч билдиришди ва ишга қабул қилишди.

Таъкидлаш жоизки, марказ бўш иш ўринларига талабгорларнинг ва муайян иш билан банд бўлганларнинг турмуш тарзи тўғрисида, кейинги фаолияти хусусида етарли маълумотларга эга бўлиш мақсадида маҳалла фуқаролар йиғинлари, оқсоқоллар, ички ишлар бўлимлари билан ўзаро ҳамкорликка асосланган доимий алоқани йўлга қўйган.

Мансур СОБИРҚУЛОВ.



ОРЗУ – МАҚСАДГА ЕТАКЛАР

Тўрабек Бойқулов ёшлигидан шарафли соҳага меҳр қўйди. Унинг кўнглида ҳарбийликка муҳаббат уйғонишида акалари – офицер Бекзод Бойқулов ва шартнома бўйича хизмат сержанти Баҳодир Бойқуловларнинг хизмати катта бўлган. Уларнинг армия ҳақидаги қизиқарли ҳикоялари, Қуролли Кучларимиздаги янгиланишлар, ҳарбий касб эгаларига қаратилаётган эътибор, берилаётган имтиёзлар тўғрисидаги гап-сўзларидан ўғлоннинг кўнглида соҳага ҳавас пайдо бўлди.

Сурхондарё вилоятининг Термиз шаҳрида туғилиб вояга етган ўғлон касб-ҳунар коллежини тамомлаб, қўлига етуклик гувоҳномасини олгач, армияга бориш истагида эканини билдирди. Тўрабек синовлардан муваффақиятли ўтиб, муддатли ҳарбий хизматга лойиқ, деб топилди.

– Тўрабекнинг қароридан мамнунман, – дейди қаҳрамонимизнинг акаси капитан Бекзод Бойқулов. – Ундаги қизиқишни кўриб, қачондир шу йўлни танлашига ишонардим. Чунки ҳар гал армия ҳақида сўз бошлаганимда, қизиқиш билан тинглар, саволлари билан тинчлик бермасди.

Армияда ўқчи вазифасида хизмат қилган қаҳрамонимизнинг соҳага оид билимларни пухта эгаллаши, ҳарб илмини ўзлаштиришида офицерлар А. Муқимов ҳамда В. Ачиловларнинг ёрдами катта бўлди. Уларнинг кўмаги ва маслаҳатига суяниб посбон кўп нарсаларни ўрганди. Айниқса, жанговар ва ижтимоий-сиёсий тайёргарлик сабоқлари уни янада тоблади. Бундан ташқари, ҳарбий қисмда ўтказилган оммавий спорт ишлари кўригида муваффақиятли қатнашиб, юксак натижаларни қўлга киритди ва "Ҳарбий спортчи" кўкрак нишони билан тақдирланди.

Жорий йилнинг февралида муддатли ҳарбий хизматнинг белгиланган муддатини ўтаб, уйига қайтган йигит айни дамда олий ўқув юртига ўқишга кириш учун қизғин тайёргарлик кўрмоқда. Муддатли ҳарбий хизматни намунали ўтаган, зиммасидаги вазифани шараф билан адо этган, хизмат давомида қатор ютуқларни қўлга киритган посбонларга берилувчи тавсияномани ҳам қўлга киритган интилувчан, салоҳиятли ўғлоннинг кўзлаган мақсадига етишига аминмиз.

Жаҳонгир БОЙҚОБИЛОВ,
ЎзДЖТУ халқаро журналистика факультети талабаси.

Дил изҳори

МАРДЛАР КАСБИНИ ТАНЛАДИ

Она Ватанимиз, қадрдон заминимизни қўриқлаш, сарҳадларимиз дахлсизлигини таъминлаш, халқ осойишталиги ва тинчлигига посбон бўлишдан шарафли иш топилмаса керак. Фарзандларимга ҳам буни ҳамиша уқтириб келганман. Истиқлол шарофати билан Қуролли Кучларимиз мутлақо янгича қиёфа касб этгани, давлатимиз томонидан миллий армиямиз сафларида хизмат қилаётган посбонларга ҳар томонлама эътибор ва ғамхўрлик кўрсатилаётгани ҳақида фарзандларимга кўп ҳикоя қилганман.

Шу сабаблими, тўнғич фарзандим Муродали мардлар касбини танлади. Муддатли ҳарбий хизматга бориш ниятида эканини айтганида қанчалар қувонганимни тасаввур этолмайсиз.

У белгиланган синовлардан муваффақиятли ўтиб, муддатли ҳарбий хизматга лойиқ топилди. Ҳарбий қасамёд қабул қиладиган кунда у хизмат қилаётган ҳарбий қисмга борганимда ўғлимнинг қисқа вақт ичида янада улғайганини ҳис қилдим.

Бир йил ҳаш-паш дегунча ўтиб кетди. Ўғлимдан мунтазам хат олиб турдик. У армияда ҳар томонлама тобланаётгани, ҳарб илмининг сир-асрорларини эгаллаётгани, машғулотлар орқали эса олган сабоқларини янада мустаҳкамлаётгани, бу борада унга офицерлар Дилмурод Исроилов, Аҳрор Муқимов, Умиджон Маҳмудов, Руслан Кенжаевлар яқиндан кўмак бериб келаётганини жўшиб ёзарди.

Яқинда ўғлим муддатли ҳарбий хизматнинг белгиланган муддатини ўтаб, уйга қайтди. Қариндош-уруғ, маҳалла-кўй – барча Муроданинг армияда ҳар томонлама чиниққани, дунёқараши кенгайгани, бир сўз билан айтганда, ҳаёт мактабида тобланганини эътироф этишди.


Укалари ҳам унинг йўлидан боришини, ҳар бир оилада камол топаётган ўғил бола юрт корига камарбаста бўлишини, тинчлигимиз ҳимоячиси бўлишни шунчаки иш эмас, балки муқаддас бурч деб билишини истайман.

Эгамберди МАДРИМОВ, аскар отаси.
Хоразм вилояти, Хива тумани.

ЁШЛАР

ҚУЛАЙ ШАРОИТ – ЮКСАК БИЛИМ ОМИЛИ

Сир эмаски, бугунги кунда армияда хизмат қилиш ҳар бир эр йигитнинг орзусига айланиб улгурди. Қуролли Кучларимиз сафларида мард ва жасур ўғлонлар кўпчиликни ташкил қилади. Ёшларни ҳарбий хизматга тайёрлашда эса, жойлардаги мудофаа ишлари бўлими, маҳалла, лицей ҳамда касб-ҳунар коллежларининг ўрни беқиёсдир. Бу ерда йигитларимиз ҳарбий соҳа бўйича бошланғич билим ва кўникмаларни эгаллашмоқда.



Сергели туманида жойлашган Тошкент молия ва иқтисодиёт касб-ҳунар коллежида шаҳар ўқув муассасаларида чақирувга қадар бошланғич тайёргарлик фани бўйича «Энг яхши ўқув-моддий базаси» кўрик-танловининг шаҳар босқичига бағишланган тадбир бўлиб ўтди. Танловнинг биринчи босқичи жорий йилнинг февраль ойида туманлараро ўтказилган эди.

– Тадбирни ўтказишдан асосий мақсадимиз, – дейди Тошкент шаҳар мудофаа ишлари бошқармаси масъул офицери Дониёр Бегалиев, – чақирувга қадар бошланғич тайёргарлик фани учун керак бўлган ўқув-моддий базани яратиш, ёшларни ватанпарварлик, она юртимизга, халқимизга, Президентимизга содиқлик руҳида тарбиялаш, уларда илк ҳарбий билим ва кўникмаларни шакллантириш ҳамда дарсларни юқори савияда ташкиллаштиришдан иборатдир.

Бу борада Юртбошимиз ҳам ўз маърузасида шундай деган эди: «Ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялашнинг самарадорлиги ўқув юртида ўқув-моддий базасининг мавжудлиги ва сифатига боғлиқдир».

Дарҳақиқат, ёшларнинг етарли билим олишлари учун ўқув хоналари керакли кўргазмали қуроллар, плакатлар, умуман яхши ўқув-моддий базага эга бўлиши лозим. Бу каби кўрик-танловлар эса, чақирувга қадар бошланғич тайёргарлик фанининг юксак савияда ўтказилишида муҳим омил бўлиши, шубҳасиз.

Тадбир аввалида иштирокчилар ёшларнинг таълим-тарбия олиш жараёнлари, хусусан, чақирувга қадар бошланғич тайёргарлик фани бўйича яратилган шарт-шароитлар билан яқиндан танишишди. Коллежда ўқувчиларнинг ҳарбий тайёргарлик бўйича етарли билим олишлари учун барча имкониятлар бор. Саф майдончаси, тир, тиббиёт, фуқаро ҳимояси, отиш тайёргарлиги ва ҳарбий хизмат асослари хоналари зарур жиҳоз ва воситалар билан таъминланган.

– Коллежимизда ёшларни ҳарбий хизматга тайёрлаш бўйича шароитлар етарли, – дейди чақирувга қадар бошланғич тайёргарлик фани ўқитувчиси Олимжон Рўзиев. – Коллежлар орасида ўтказилган танловда ҳам биринчи ўринни эгаллашимиз бежиз эмас, албатта. Раҳбарият томонидан бизга жуда яхши имкониятлар яратилган. Ўқувчиларимизнинг кўпчилиги ушбу фанга катта қизиқиш билан қарайди. Учинчи курс талабаларининг аксарияти ҳарбийлик касбини танлашмоқда. Бу биз учун ўта қувонарли ҳолдир.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, мазкур ўқув маскани ўтган йилги танловда фахрли иккинчи ўринга муносиб топилган эди. Тадбир давомида йилдан-йилга фанни ўқитиш сифати ошаётгани, коллеж ва лицейлар ўқув-моддий базаси такомиллашиб бораётгани ҳақида тўхталиб, уларнинг ишлари намуна қилиб кўрсатилди.

«Энг яхши ўқув-моддий базаси» кўрик-танлови якуний босқичига кўра, Сергели туманидаги Тошкент молия ва иқтисодиёт касб-ҳунар коллежи (директори Улуғбек Инаятов, ҳарбий раҳбар Олимжон Рўзиев) биринчи ўринга лойиқ, деб топилди. Иккинчи ўринни эса, Учтепа туманидаги А.Хўжаев номидаги Республика дизайн касб-ҳунар коллежи (директори Шоносир Муродов, ҳарбий раҳбар Алексей Беляков) қўлга киритди. Учинчи ўринга Миробод саноат касб-ҳунар коллежи (директори Комилжон Пўлатов, ҳарбий раҳбар Шавкат Ражабов) ва Чилонзор туманидаги 1-Республика тиббиёт касб-ҳунар коллежи (директори Мавлуда Зияева, ҳарбий раҳбар Мансур Ортиқов) жамоалари сазовор бўлишди.

Шунингдек, Собир Раҳимов номидаги тиббиёт касб-ҳунар коллежи чақирувга қадар бошланғич тайёргарлик фани ўқитувчиси Ўткир Беккулов мазкур фан ва ўқув-моддий базани такомиллаштириш бўйича қилган улкан ишлари учун Фахрий ёрлиқ билан тақдирланди.

Тошкент шаҳар мудофаа ишлари, Ўрта махсус касб-ҳунар таълими ва Халқ таълими бошқармалари, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати шаҳар Кенгаши масъул ходимлари ғолиб жамоаларга Фахрий ёрлиқ ҳамда қимматбаҳо совғалар топширишди.

Тадбир сўнггида Тошкент молия ва иқтисодиёт касб-ҳунар коллежи ўқувчилари томонидан тайёрланган концерт дастури намойиш этилди.

Аҳрор НОЗИМОВ.
Баҳром АБДУРАҲИМОВ суратга олган.

ТАЛАБАЛИК САРИ ИШОНЧЛИ ОДИМ

Бугунги кунда ҳукуматимиз томонидан келажагимиз давомчилари бўлган ёшларга катта эътибор қаратилмоқда. Уларнинг мукаммал шахс сифатида камол топишлари учун юртимизда барча шарт-шароитлар муҳайё қилингани ҳеч кимга сир эмас. Жумладан муддатли ҳарбий хизматни ўтаб қайтган йигитларимиз ҳам бундай эътибордан мустасно эмаслар. Шулардан бири ҳарбий хизматни ўтаб қайтган ва олий ўқув юртларига кириш истагида бўлган йигитларнинг билимларини мустаҳкамлашга кўмаклашиш мақсадида юртимиздаги олий ўқув юртлари ҳузурида ташкил этилганидир. Эндиликда синов мактабини ўтаб қайтган мард ва жасур ўғлонлар мазкур курсларга кириш имтиҳонларига тайёргарлик кўришмоқда.

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети юртимиздаги энг нуфузли олий ўқув даргоҳи саналади. Ҳар йили мазкур университетга минглаб ёшлар ўқиш истагида ҳужжат топширади ва шулардан энг билимлиларигина талаба бўлишдек бахтга муяссар бўлишади. Айни дамда ушбу даргоҳда ташкил этилган тайёрлов факультетида ҳам муддатли ҳарбий хизматни ўтаб қайтган кўплаб ёшлар ўз билимларини бойитмоқда.

– Ҳукуматимиз қарорига асосан муддатли ҳарбий хизматни ўтаб қайтган йигитларни тест синовларига тайёрлаяпмиз, – дейди университет тайёрлов факультети декани Эргаш Согатов. – Дарсларга кўп йиллик тажриба ва малакага эга профессор-ўқитувчиларни жалб қилганмиз. Бу ерда абитуриентлар дам олиш кунларидан ташқари ҳар куни дарс машғулотларини ўташади. Шунингдек, қўшимча равишда ҳафтада 2 соат илмий-маърифий дарслар ҳам режага киритилган.

– Муддатли ҳарбий хизмат менга катта сабоқ берди, – дейди Сардор Турсунов. – У ерда малакали офицер ва сержантлардан ҳарбий соҳа сир-асрорларини мукаммал ўргандим. Шу билан бирга бўш вақтларимда қисм кутубхонасидан унумли фойдаландим. Ҳаёт мактаби деб аталмиш армия мени ҳар томонлама тоблади, чиниқтирди. Келажакда ўз ўрнимни топишимда ушбу хизмат муҳим аҳамиятга эга бўлади, деб бемалол айта оламан. Энди олдимга қўйган олий мақсадларим сари олға интилаяпман. Бунинг учун ҳозирда мазкур тайёрлов курсида сабоқ олиб, билимларимни янада бойитмоқдаман. Она тили ва адабиёт, тарих ва чет тили бўйича мукаммалроқ ўқиб-ўрганаяпман.

– Ҳар бир инсоннинг ўз олдига қўйган эзгу орзу-ниятлари бўлади, – дейди яна бир абитуриент Шербек Гадоев. – Агар инсон астойдил ҳаракат қилса, ушбу орзуларига етиши, шубҳасиздир. Мен ҳам мана шу ақидага амал қилган ҳолда талаба бўлишдек улкан мақсад йўлида ўқиб-ўрганишга интилаяпман. Бу борада ушбу тайёрлов курси ўқитувчилари менга катта кўмак беришмоқда. Ёшлигимдан техникага қизиқаман. Шу боис бу йил Абу Райҳон Беруний номидаги Тошкент давлат техника университетига ўқишга кирмоқчиман. Айни пайтда мазкур тайёрлов курсида физика-математика фанлари бўйича чуқур билим олишга ҳаракат қилаяпман. Устозларимиз Шаҳодат Рихсиева, Мақсуд Нурматовларнинг бераётган сабоқлари бизга жуда манзур бўлмоқда.

Дониёр Нодиров ҳам тенгдошлари каби билим олишга иштиёқманд ёшлардан. Унинг ҳам қалби ана шундай эзгу ниятлар ила лиммо-лим.

– Муддатли ҳарбий хизматни ўтаб қайтган йигитларга берилаётган имкониятлару имтиёзлардан жуда хурсандман, – дейди у. – Мана шундай ғамхўрликнинг самараси ўлароқ қанча-қанча йигитлар олий ўқув юртларида билим олиш имкониятига эга бўлишди. Биз эса ушбу эътиборга жавобан яхши касб эгаси бўлиш учун ўқиб-ўрганишимиз, буюк аждодларимизга муносиб фарзанд бўлиб, ўз порлоқ келажагимизни яратишимиз ва юртимиз равнақига муносиб ҳисса қўшишимиз зарур, деб ўйлайман.

Биз Ватан олдидаги шарафли бурчини адо этиб, юзи ёруғ бўлган ва ўз келажагини яратиш йўлида илм чўққиларини забт этишга интилаётган бу ёшларнинг самимий сўзларини тинглар эканмиз, уларга улкан муваффақият ва омад тилаб қоламиз.

Гулнора ҲОЖИМУРОДОВА.

Тошкент шаҳрининг 2200 йиллиги олдидан

ПОЙТАХТИМИЗ ЁШЛАР НИГОҲИДА

Ўзбекистон маданият ва санъат кўргазма залида Тошкент шаҳридаги мактаб, коллеж ва лицей ўқувчиларининг «Пойтахтимиз ёшлар нигоҳида» мавзуидаги расмлар танлови бўлиб ўтди. Тошкент шаҳрининг 2200 йиллик юбилейига бағишланган ушбу тадбир «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг Тошкент шаҳар кенгаши, Тошкент шаҳар хотин-қизлар қўмитаси, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармаси, халқ таълими бош бошқармаси ҳамкорлигида ташкил этилди.

Танловга минга яқин ижодий иш тақдим этилди. Уларда пойтахтимизнинг тарихи, маданият ёдгорликлари, бугунги қиёфаси рангбаранг лавҳаларда акс эттирилган.

Ғолибларни аниқлашда муаллифларнинг ижодий маҳорати, рангтасвир воситаларидан фойдаланиш қобилияти, фикрлаш доирасининг кенглиги каби мезонларга алоҳида эътибор қаратилди.

Республика рассомлик коллежи ўқувчиси О. Ҳикматуллаев профессионаллар, Чилонзор туманидаги 173-мактаб ўқувчиси К. Ҳусанов ҳаваскорлар ўртасида биринчи ўрин соҳиби бўлди. Танловда бошқа номинациялар бўйича ҳам ғолиб ва совриндорлар аниқланиб, қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди.

Б. ҲИДИРОВА,
ЎзА мухбири.

АДАБИЁТ

Эркин САМАНДАР

СУЛТОН ЖАЛОЛИДДИН

(Тарихий романдан парча)

(Давоми. Боши газетанинг ўтган сонларида).

19

Оқ отга эгар-жабдуқ урди Қилич. Қуёш нурида узангилари ялтираб кетди. Айиллари товланди. Сувлиғи оғзига, югани калласига ярашиб тушди. Қулоқлари диккайди оқ отнинг. Думи елпинди.

Буларнинг барини ўз оғилидан Қорабайир кўриб турарди.

Ҳаваси келарди оқ отга, жиловдор уни султонга олиб боришини биларди. Султон уни тоғу тошларда, адирларда елдиришига ҳам фаҳми етарди.

Султон билан Қорабайир ўтга-да, сувга-да кирди. Неча марта яраланди. Яғринини қиличлар тилди, бўйинларига ўқлар санчилди. Қони оқиб турса ҳамки, орқага тисарилмади. Оч қолгани ё чанқаганини ҳеч қачон сездиргани йўқ.

Жиловни қандай силташига, эгарда қандай ўлтириши, узангини қандай ниқташига қараб султоннинг не исташини билиб оларди. Уч деса учарди, қўн деса қўнарди.

Тўлиқиб жони бўғзига келдию кишнаб юборди Қорабайир. Ноласи даштларга, тоғларга етгандир.

Султонга ҳам нола етадиган кун бормикин?

20

Ғор ичидаги аслаҳахонадан олиб чиқилган тўпларни султон синчиклаб кўздан кечирди. Тошдони ботмонча келадиган харсангни ўзига жойлар олар, йўғон темир кураклари уни узоқларга отиб етказишга қодир.

Султон амри билан тоғ оралиғидаги кенг саҳнда йўғон ва баланд синов деворлари тикланган эди. Ундан уч юз-тўрт юз қадамча берида тўплар ўрнатилди. «От», – деб буюрилди биринчи тўпчига. Отди. Деворнинг уст пахсаси парчаланиб кетди.

Биринчи марта Тўғонбекнинг кўзларидан севинч ёшлари қуюлди. Падари бузруквор Абдул Маҳак бошлаган иш итмомига етди. Буни ўзи кўрса эди, қувончига олам торлик қилмасмиди. Ў, падари бузруквор, бу дунёда агар бор бўлсанг, ўғлинг ихтироси гумбурларини қулоқларинг илғагай, агар боқий дунёга кўчган бўлсанг, руҳи покинг шод бўлғай!

Тўплар ҳар хил узоқликдан отиб кўрилди, қай масофадан отса, зарби қандай бўлар, билинди.

Барча тўплар бирваракайига отиб кўрилди. Синов деворининг кўриниши қаттиқ зилзиладан кейинги ҳолатни эслатар эди.

Машқни кузатиб турган суворийлар, қиличбозлар, найзадорлар ҳайрат ичида гувранар эди.

Изн бўлди, ясатиғлик бедов келтирилди. Тўғонбек отга миндирилди.

Султон шу пайтгача ҳеч кимга кўрсатмаган бундай марҳаматдан Тўғонбекнинг эси оғай дерди.

Кашфиётга Тўғонтўп номи берилди.

21

Султон қароргоҳига Уччадан карвон етиб келди. Кубача совға-саломларини султон оёғига қўйишди. Қимматбаҳо ҳинд матоҳлари, тилла ва кумуш идишлар, лаъл-жавоҳирлар. Бари кўзни олгудек эди.

Гулбегимнинг юзлари ушшиққан. Кўзлари кичрайган ва ичига ботган. Ўлумдан қолгани ўзи мўъжизадур, ўйлади Жалолиддин ва ёлғиз қолганларида бошдан кечирганларини сўради.

Ҳаммасини бир-бир айтди Гулбегим. Волидаи муҳтарамасининг дарёга ғарқ бўлиши, ўғлининг отажонимга боруърмен деб кемадан қочиб кетиши, бошқа талафотлар тафсилотини эшитганида султоннинг кўзларида ёш ҳалқаланди. Ичидан унсиз оҳлар отилди. Волидаи муҳтарамасининг сўнгги сўзлари ёдига келди: «Ўғлим, бизни дарёга оқиз, Чингизга асир тушгандин балиқларга ем бўлганимиз афзал». Онанинг қоядек ғурурига яна бир марта қойил қолди.

Гулбегим ҳикояси Кубача саройида кечган ўз ҳаётига келганида султон уни тўхтатди: «Айтма. Кераги йўқтур», деди.

Малика тушундики, султон орияти ҳикояни эшитишга йўл бермас. Султон ўйларки... Айтган билан ўйидан қайтмас. Ахир, малика ўзганинг ҳарамида бўлган...

Вақт ўтиб султон тушунгай, деб ўйлади малика ва шу ўйидан кўнгли таскин топди.

Икки-уч кун машшоталар уни ювиб-тарашди. Маликанинг сўлиққан юзларига анча ранг кирди. Кўз остидаги кўк салқи йўқолди.

Ўз хобхонасида султонни кутди малика. Неча тун ўтса ҳамки султон ётоққа қадам босмади.

Қароргоҳга келган куниёқ султон Хоккар гўзалига уйланганини эшитган эди малика. Бунга ҳайрон бўлмаган эди. Султонлар бир марта уйланмагайлар... Уларга тожу тахт ворислари керак.

Уни оғритирган нарса – султоннинг ортиқча орияти. Ўлим чангалидан Жалолиддин ёди билан омон чиқолгани, ўзга ҳарамда анча соғайган чоғларида ҳам ўзини ўлим тўшагида ётганга солгани, мабодо Кубача қўл теккизгудай бўлса, жонидан кечишга қасд этганини билмади, билишни ҳам истамади султон.

Қай йўсинда бўлмасин, султонга рўйирост айтмаса бўлмас. Ҳа, қанча оғир бўлмасин, барини айтади.

Тўғри, кундузлари имкони бўлганида султон Гулбегимнинг олдига киради. Яхши сўзлар айтиб, кўнглини кўтармоқ истайди. Хуллас, малика сифатида иззати жойида. Аммо хотин сифатида... расмиятда бор, холос.

22

Султон хаёлидан Шамсулмулк можароси аримас. Кубача нечун сўровни адо этмайдир, нечун вазирни қайтармайдур?

Султон айрим саволларига жавобни Шамсулмулк мактубидан топган, албатта. Вазирнинг боши елкасида омонат экани ўзи ёзган сатрлардан маълум. Уни қутқазмоқ чорасин тезроқ кўрмоқ даркор.

Кубачанинг вазир қаламга олган қора ниятлари... Савашмоқ истармиул? Биздин не ёмонлик кўрмишким, қасди учун бел боғламоқ бўлса? Биз онинг ила дўст тутинмоқ, бори ҳиндий султонлар ила иттифоқ тузмоқ умидида оларга мактублар йўллаб турган аснода нечун душманлиғ йўлин тутгайлар, нечун бирлашмоқликка рағбат кўрсатмагайлар?

Яна. Кубача нечун маликани ўз вақтида султонга қайтармади? Боз устига, уни ҳарамига олди. Бу султонни ҳақоратлагани эмасми!

Ибн Ҳожиб найранглари... Бу сотқинни қўлга олмоқ даркор. Бу юмушни Маликшоҳга топширса бўлғай.

Ўзи узатган дўстлик қўли рад этилгани, Кубачанинг бирбиридан оғир қабоҳатлари султонга савашдан бўлак йўлни қолдирмаётган эди.

23

Гулбегим султонни оғир кайфиятда кўрди. Кўнглига тугиб келган гапларини айтишга истиҳола қилди.

Султон ундан ҳол сўрди. Ўз аҳволидан эмас, ўғлидан сўз очди малика:

– Ўғлумиз Жамолиддин... Они иймонли бир одам ўлумдин сақлаб қолгандек туюлур менга. Ўша марҳаматли зот кўзлардин яширин, бир кулбаи пинҳонда тарбият қилаётгандек бўлиб кўринур. Ўз тасаввуримдин ўзум таскин топгандек бўлурмен. Баъзида эрса, асли бошқача кўринур. Жони жаҳоним қоронғи бўлиб кетур. Яшамоқ азобга айланур ва бул оғриққа дош бермоқлик душвордур.

– Бирламчи тасаввурингга ишон, ёмон хаёлларга берилма, – деди султон кўнгил бериб. – Мен-да ўғлумизни кўп ўйлармен. Ўйимнинг тагига мен-да етабилмасмен.

Сўнг ўз вақтида тўрт тарафга хабаргирлар юборганини, лекин бари бефойда кетганини гапириб;

– Умидни йўқотмоқликдин ёмони йўқтур, – деди ўзига ўзи таскин бераётгандек. – Сенинг мантиғингга менинг-да ишонгим келур. Илоҳи, ўғлимиз ёғий илгига тушмаган бўлсин. Сенинг сўзларинг Жамолиддинни дағи ахтартирмоқ ниятин кўнглимда пайдо қилдиким, Синднинг нари бетига зудлик ила одамларни жўнатгаймен...

Сўнгги гапни Гулбегимга таскин бериш учун айтди султон. Аслида, Синд қирғоқлари, саваш кечган жойларда хабаргирлар ҳамон из қувмоқда эди.

Гулбегим кетаётиб султон кўзларига синчковлик билан тикилди. Бир вақтлар севги билан чарақлаган бу кўзларда энди ул талпинишдан дарак тополмай, нигоҳини ерга қадади-да, маъюс бир ҳолатда ташқари йўналди.

Хобхонасига кирасолиб ўзини тўшакка отди. Ичидан нидо келди. Бундоқ эркан, нечун мени олдирдинг, гар олдирдинг, нечун ўлдирмассен, жонимдин тўйиб кетдим, султон!

24

Мўлтондан келган элчи ва унинг топширган мактуби султон хаёлларини тўзғитиб юборди. Ҳоким Сабрхон мактубида айтилишича, султоннинг ўғли тирик, у саройда! Султон бунга бир ишонар, бир ишонмас, кўнглида дам севинч тўлқин урар, дам гумон бу мавжни босиб кетар эди.

Мактубда Сабрхон султон ўғлининг бир кулол қўлида бўлганлигини, ул кулолни ҳам, Жамолиддинни ҳам саройга олдирганини баён этгач: «Ўғлунгни сенга топширгайман, – дейди саховат кўрсатиб ва ўртага шарт қўяди, – эвазига сен менга Сойиржа Паҳлавонни топширгайсен, дағи шарт шулки, ўғлунгни олгани ҳузуримга ўзунг келгайсен».

Мактубни султон қайта-қайта ўқиди. Сойиржа Паҳлавонни топширгайсен... ўзунг келгайсен...

Воажаб... саркардада не қасди борки, талаб этар, ўзумни чақирмоғидин мақсуди недур?

Дарҳол Сойиржа Паҳлавонни чақиртирди султон. Бор гапдан огоҳ этди уни ва сўради: «Сабрхоннинг не қасди бордур сенда?»

Саркарданинг юзига қон урди. Гўё тили калимага келмаётгандай, саросимага тушиб қолаётгандай туюлди султонга. Аслида, саркарда ҳам суюнмоқда, ҳам куюнмоқда эди. Суюниши султон ўғлидан дарак топилгани (илоҳи, рост бўлсин, аммо Сабрхон кўп доғули), куюниши... бунинг тарихи узоқ.



... Сойиржа Паҳлавоннинг отаси Сабрхонда вазир, ўзи эса саркарда эди. То Чингиз хуружига қадар ҳаётлари қарийб бир изда оқди. Хоқон таслим бўлишни (Сабрхондан) талаб этгач, орада низо қўпди. Сабрхон Чингиз ила олишмоқни истамас, буни ҳалокат деб билар, саркарда ва унинг падари бузруквори таслим бўлмоқлик ҳам ҳалокат, барибир ёғий қалъага киргач, қатли ом айлар деб ўйлашар, шундан савашмоқ фикрида эдилар, қаттиқ турдилар. Сабрхон ичи қора, феъли тор, гапини икки қилганни аямайдиган одам, шундан бўлса керак, машварат тугаган ҳамоно вазир ўз ўғлига деди: «Шул тунда, эл оёғи тингач, қўшинингни, онанг ва опанг Хуморбекани ол-да, қалъадан пинҳона чиқиб кет».

– Қайга? – сўради Сойиржа Паҳлавон отасининг жавобини олдиндан билса-да.

– Султон Жалолиддинга бориб қўшил, – деди падари бузруквори аввал ҳам айтган гапини такрорлаб: – Онга боргил, нажот ондиндур!

Саркарда учун бундан бошқа йўлнинг ўзи йўқ эди. Тезда қўшинини жам этди. Аммо, опаси... Хуморбека ҳеч қаён кетмасмен, деб туриб олди. На отанинг, на онанинг сўзини қулоққа илмади. Сойиржа Паҳлавон уларни ажал домига ташлаб чиқиб кетишга мажбур бўлди.

Орадан кўп ўтмай билдики, Сабрхон вазирни қатл айлаган ва Хуморбекага уйланган. Дейишарки, буни Хуморбека ўзи ихтиёр этган.

Шундан ҳамон саркарданинг юраги қон, падари бузруквorининг ўлими қалбини ўртар, опасининг қилмишидан изза-дорлик ҳисси ҳамон қалбини тарк этмас.

Бусиз ҳам ўзини қўйишга жой тополмаётган султон Сойиржа Паҳлавон сўзларидан янада жунбишга келди. Бундай сир-асрорни яшириб келишга ўзида қандай куч топди экан саркарда. Қўшини билан келган куни «ёғий ила олишайин деб Сиздин мадад истаб келдим, султон» деган фақат. Шундан бери султон уни қаён бошласа борар, Сабрхон ҳақида оғиз очмас. Ул нокас эрса саркардани қайтариб беришни сўраб ўлтирар... Тағин султон ўғлини пеш қилиб-а!

– Ўйинг недур? – сўради ундан султон. – Не қилмоқ даркор сенингча?

– Ул қаллоб Сизни тузоққа туширмоқни ўйлар. Бу Чингиз шумлиги эса не ажаб.

Чингиз шумлиги... Ўзгалар қўли ила ўт ковлаш... Аммо Чингиз мундоғ эрса, сабрхонлар мусулмон. Норасидани ўртага қўйиб ўйин қилмас ўзини мусулмон деган кимса.

Не бўлганда ҳам Мўлтонга боришим шарт, деган фикрда эди султон. Машварат чақирди.

Мўлтон ҳокимининг мактуби барчани ўйга толдирди. Бироқ султоннинг қарори қатъий эди.

(Давоми бор).

МАЪНАВИЯТ

ИНСОН, ОНГ, ҲАЁТ...

Фанлар таснифи ёхуд Толстой нима дейди?

(ўн учинчи мақола)

Ҳозир ҳамма нарса ҳаёт билан бақамти равишда ўзгариб бораяпти. Зеро ўзгариш ва ривожланиш – биз яшаётган дунёнинг энг асосий қонунияти. Бундай эврилишлардан фанлар ҳам мустасно эмас.

Масалан, бир вақтлар дастлаб фалсафа фан сифатида шаклланган ва бошқа ҳамма фанлар аста-секинлик билан ундан ажралиб, мустақил фанларга айланишган бўлса, ҳозир фан тармоқлари шунчалик кўпайиб ва майдалашиб кетдики, уларнинг номларини эслаб қолиш ва фарқлаш ҳам амри маҳол бўлиб қолди. Ҳатто баъзан шундай бўладики, бир фан намоёндаси шу фанга тегишли бўлган биттагина йўналишни зўрға ўзлаштира олади. Натижада муайян бир нарса ва ҳодисаларни ҳар томонлама ўрганишда турли-туман қийинчиликлар юзага келмоқда. Борлиқдаги ҳар қандай нарса ёки ҳодиса бир бутунликни ташкил этади, яъни уни бошқа нарса ва ҳодисалардан алоҳида ҳолда ўрганиб бўлмайди. Зеро борлиқ бир бутундир. Шу ўринда бир нарсани таъкидлаш керакки, борлиқ тушунчаси реаллик ва материя тушунчаларига қараганда ҳам кенгроқ маънони англатади: борлиқ бизни ўраб турган оламнинг ҳозирги ҳолатингигина эмас, унинг ўтмиши ва келажагини ҳам ўзида ифода этади.

Сирасини айтганда, бундай ёндашув бугун ёки кеча пайдо бўлгани йўқ, балки фаннинг ўзи каби анча узоқ тарихга эга. Масалан, қадимги давр мутафаккирлари бўлган Аристотел ва Пифагорлардан тортиб, ўрта асрлар Шарқ ва Ғарб тамаддунларига асос солган алломалар – Хоразмий, Фаробий, Беруний, да Винчи ва Галилейларгача бўлган олимларнинг ҳаммаси моҳият эътибори билан қомусий алломалар бўлишган, яъни замонасининг ҳамма билимларини ўзларида мужассамлаштиришган. Улар ёзиб қолдирган асарлар бундан далолат беради. Фақат кейинги юз йилликлардагина фан соҳасида ихтисослашув жараёнлари кучайди ва бугунги кунга келиб фанлар классификацияси – таснифи шу даражада мураккаблашдики, табиат ва жамиятдаги у ёки бу жараёнларни изоҳлашда қийинчиликлар юзага келмоқда. Альберт Эйнштейн ўзининг «Физика эволюцияси» китобида фанларнинг, айниқса табиатшунослик фанларининг ҳаддан ташқари тармоқланишига нисбатан эътироз билдирган, унинг фан ривожига тўсиқ бўлишини башорат қилган эди. Бундай ёндашувни ўтган йигирманчи юз йилликнинг яна иккита улкан олимлари–энг сўнгги универсаллар – Владимир Вернадский ва Анри Пуанкаре асарларида ҳам учратамиз. Ноосфера ҳақидаги таълимот асосчиси В. Вернадский инсон ва табиатни ўрганишда бир хил тамойилларга асосланиш кераклигини таъкидлайди. Ўзининг математика ва физика соҳасидаги кашфиётлари билан фан тараққиётига катта ҳисса қўшган француз олими Анри Пуанкаренинг «Фан ҳақида» деган салмоқли монографик асари айнан мазкур муаммонинг фалсафий-илмий таҳлилига бағишланган. Унда муаллиф жуда кўп илғор фикрларни илгари суради, масалан, онг – борлиқдаги энг мураккаб моддий тузилма бўлган инсон миясининг хусусияти сифатида ўз-ўзини ва шу орқали ўз соҳиби бўлган инсон фаолиятини бошқаришдек мўъжизавий қудратга эга. Онгнинг яна бир ўзига хослиги шундаки, борлиқ – табиат ва жамиятни, инсондаги ўзликни чуқурроқ англаб боргани сари ўзи ҳам такомиллашиб, камол топиб боради. Демак, онг Яратувчининг ўзи каби ўз-ўзини бошқарувчи ва яратувчи субстанция ҳисобланади. Шу маънода у – энг улкан мўъжизалардан бири. Инсоннинг ўзини, ўзлигини англашда бу нарса шубҳасиз жуда катта аҳамиятга эга бўлади. Жилла қурса, мазкур жумбоқни англаб етиш зарурати ҳам фанларнинг ўзаро синтезлашувини тақозо қилади. Маълумки, борлиқдаги бундай жумбоқлар рўйхатини узоқ давом эттириш мумкин. Қолаверса, тириклик, яъни ҳаётнинг ўзи ҳам бир мўъжиза эмасми?! Шунинг учун ҳам ҳозир фанларни ўзаро бирлаштиришга нисбатан кучли эҳтиёж пайдо бўлди ва бу янги фан – синергетикада ўз ифодасини топмоқда. «Дунё узлуксиз ҳаракатда ва шаклланишда, – деб ёзган эди Лев Толстой бундан қарийб 150 йил аввал мазкур ҳолатни назарда тутиб. – Бизнинг асосий вазифамиз у билан ҳамкорлик қилиш ҳамда унга бўйсунишдан иборат!» Бу йўлда анчагина ишлар амалга оширилган бўлса-да, аммо ҳали ҳам кўпгина муаммолар ўз ечимини кутиб турибди.


Ўтган асрда юз берган илмий-техник инқилоб шароитида аниқ фанларга нисбатан эътибор кучайиб, ижтимоий фанларнинг роли бироз пасайгандек бўлган эди. «Постиндустриал давр» деб ном олган ҳозирги даврга хос бўлган воқеалар эса, бу иккала гуруҳ фанлар тенг ва ўзаро ҳамкорликда ривожланишлари мақсадга мувофиқ эканлигини кўрсатмоқда. Ҳамма соҳаларда глобаллашув авж олаётган вақтда ижтимоий ва гуманитар фанлар ҳал қилувчи аҳамият касб этса, ажаб эмас. Зеро инсон ва унинг манфаатлари умумтараққиётни белгиловчи асосий мезонлардир. Инсон нафақат жамият қонунлари, балки табиат қонунларидан ҳам ўз манфаатлари йўлида фойдаланишга ҳаракат қилади. Машҳур олим Альберт Эйнштейн ўз вақтида давлатлар ўртасида авж олган қуролланиш пойгасининг ва айниқса, ядровий қуролларнинг инсоният ҳаётига соладиган таҳдидини назарда тутиб шундай деган эди: «Энди одамзодни ҳеч нарса, ҳатто ернинг остига яшириниш ҳам ҳалокатдан қутқара олмайди. Уни энди ҳалокатдан фақат ахлоқигина қутқариши мумкин!». Ҳозирги давр воқеалари бу буюк инсоннинг нақадар ҳақ бўлганлигини кўрсатиб турибди.

Яна бир янги фан – «Универсал тарих» ҳақида ҳам шунга ўхшаш фикрларни айтиш мумкин. Ҳозир хорижий илмий адабиётларда бу фан ҳақида турли фикрлар айтилмоқда. Тарих деганда ижтимоий воқеликни, яъни инсоният тарихини кўз олдимизга келтирамиз. Ҳақиқатан ҳам, биз биладиган тарих фани фақат ижтимоий ҳодисаларни – жамиятнинг «таржимаи ҳоли»ни ўрганади. Ваҳоланки, одамзод энг аввало заминий ҳодиса, яъни Ер фарзанди! Шундай экан, уни она сайёрамизнинг шаклланиш тарихи билан қўшиб ўрганиш зарур бўлади. Ер эса, ўз навбатида бошқа осмон жисмлари – Қуёш тизими ва умуман коинот, бутун борлиқ билан, унинг тарихи ҳамда унда кечадиган турли хил кимёвий, физикавий, биологик ва астрономик жараёнлар билан изчил боғлиқликка эга. Демак, биргина инсоният тарихини тўлиқ ўрганиш учун бутун борлиқда кечган ва кечаётган ўзгаришларни билиш зарур экан. Бу нарса инсоннинг моҳиятини англашда ва инсоният истиқболини башорат қилишда катта имкониятлар эшигини очади. Аммо бир нарса аниқ: бу янги универсал фан билан шуғулланадиган олим қайси соҳа вакили – ижтимоий ёхуд табиий фанлар бўладими – қатъий назар, интеллектуал ва ахлоқий жиҳатдан ҳар томонлама етук инсон бўлиши лозим бўлади. Чунки бундай сифатларсиз бу соҳада тайинли натижага эришиб бўлмайди.

Яна бир гап. Биз қанчалик тарих ва тарихий онг ҳақида гапирмайлик юқорида эслаганимиз Лев Толстой бу масалага нисбатан шундай фикрни билдирган эди: «Умуман вақт тушунчаси йўқ, фақаттина сониялар бор. Шунинг учун бутун кучимизни шу сонияларга сафарбар этишимиз керак!» Бошқача қилиб айтганда, даҳо ёзувчи ўтмиш ўтиб кетди, келажак эса ҳали олдинда, шундай экан бугунги кунни мазмунли яшайлик, демоқчи. Сиз нима дейсиз?!

Подполковник Чори НАСРИДДИНОВ.

НОН ҲИДИ



Замахшарийдан: Довуд (алайҳиссалом) бир ғорга кирдилар ва у ерда ўлиб ётган кишининг бошида ёзилган лавҳага кўзлари тушди. Унда шундай деб ёзилган экан: «Мен фалончиман, минг йил подшоҳлик қилдим, мингта шаҳар қурдим, мингта хотин олдим ва мингта қўшинни мағлуб қилдим. Шундай замон бўлдики, бозорга нон учун бир халта дирҳам юбордим. Нон йўқ экан. Кейин бир халта динор юбордим. Нон йўқ экан. Сўнг бир халта гавҳарни жўнатдим. Нон йўқ экан. Сўнг шу гавҳарни майдалаб-майдалаб, оғзимга солиб, шу жойимда ўлдим. Ким эрталаб уйғонса-ю, унинг бир дона нони бўлса ва у ер юзида ўзидан бойроқ кишини бор деб ўйласа, Аллоҳ мени ўлдиргандек, ўлдирсин».

Тошкентнинг машҳур Олой бозорида 1990 йиллар бошида катталиги росмана икки қарич келадиган патир бозорнинг энг мазали нонларидан ҳисобланарди. Фалакнинг гардиши билан бир гурунгда ёнимдаги нотаниш суҳбатдошим Олой бозорнинг ўша машҳур патирини ёпадиган новвой эканини билиб қолдим. Маълум бўлишича, уларнинг нон ёпишдаги санъати мухлиси бўлган ва кейинчалик хорижга бутунлай кўчиб кетган бир нечта ҳамшаҳаримиз ушбу новвойни ҳам яхши ҳақ бериш шарти билан кўндиришиб олиб кетишибди. Хорижнинг тупроғи тандир ясаш учун яроқсиз чиққани учун у ерликлар Тошкентдан бир нечта тандирни яшикларга жойлаб учоққа ортиб, машҳур новвойимизга етказиб ҳам беришибди.

Ҳар бир вилоят новвойлари нонларнинг сифати, мазаси, турли-туманлиги бўйича гўё бир-бири билан мусобақалашгандек... Наманганга борганда фақат бир кўча бўйлаб бозор дарвозаси томон етиб олгунингизча юздан ортиқ новвойларнинг саватларга солиб қўйилган турли нонлари ўз жилваси билан кўзингизни қамаштиради, таратаётган ёқимли ҳиди иштаҳангизни очиб юборади.

Фарғона водийсида тайёрланадиган нонларнинг номлари: оби нон, оби жимжима, уй нони, кулча нон, жиззали нон, гўштли нон, ёғли нон, чапчап нон, гижда нон, оддий патир, ёғли патир, қашқар патир, ёғсиз патир, қатлама патир, тўй патир, лўлда патир, қўшалоқ ширмой, пайванд, оби хол олча гули, ширмой кулча, ширмон патир, кунгирали ширмой, кунжутли бозор нони, седанали бозор нони, байрам безакли нони ва ҳоказо.

Бухоро, Самарқанд, Сурхондарё ва Қашқадарё воҳасида тайёрланадиган нонларнинг номлари: оби, якқафо, гахсаки, нони заргарон, ҳиндути, фатири қашқари, ширмоли дужуфт, тафтон, тафтори ду без, нони тароқи, осиёий, пўлодий, жаззаин, кулчаи равғанин, оби жимжима, турфон, нони хаман, кулободи, забони гов, сохта ширмол, ширмоли седана пайванд, ширмоли оби холи олчагули, нони саланг, лаваш, чурек, давра, совғатин нақшин, ун нони, қўшалоқ барака кулча, куёв кулча нон, паркуп нон, кунжутли оби нон, седанали оби нон, кунжутли патир нон.

Қорақалпоғистон ва Хоразм воҳасида тайёрланадиган нон номлари: оби нон, тўй нони, Хоразм нони, катта патир, кичик патир, сутли чўрак, ширмон, ширмон қўшалоқ, кунжутли нон, лаваш нон ва бошқалар.

Ҳазрат Ҳизр ҳассасини суқиб кетган азим Тошкент шаҳри ҳозир катта бир новвойхонага ўхшайди. Бу ерда ватанимизнинг турли вилоятларидан келган новвойлар, мана, бир неча йилдан бери кимнинг нони мазали, ким уста новвой мусобақасини ўтказаётгандек нонларнинг турларини кун сайин кўпайтириб боришяпти. Нонинг биз учун азиллиги урф-одат ва анъаналаримизнинг нон билан боғлиқлигидир. У ерда-бу ерда нон ушоғини кўрсак, дарров бир четга олиб қўйишга одатланганмиз, қушлар ёки ит-мушуклар еб кетар, деймиз. Чунки бу бебаҳо неъмат инсоннинг пешона терию қалб қўри билан бунёдга келади. Альберт Эйнштейндан «Сиз дунё яратилганидан буён инсониятнинг қайси кашфиётини энг буюк деб ҳисоблайсиз? » деб сўрашганида у : «Нонни», деб жавоб берган экан.

Мансурхон ТОИРОВ.

МАЪНАВИЙ ОЗУҚА МУҲИММИ ЁКИ...

Инсоннинг дунёқарашини шакллантириб, тарбиялайдиган, эстетик завқ-шавқ бағишлаб, маънавий-руҳий комилликка етаклайдиган, унинг ички кечинмалари, ҳис-туйғуларини жунбушга келтириб, тўлқинлантириб, маънавий таъсир кўрсата оладиган маскан – бу театрдир.

Театр санъатида ҳар бир халқнинг ҳаёти, унинг урф-одатлари, қадрият ва анъаналари, дунёқараши, маданияти акс эттирилади. Шу жиҳатдан олиб қараганда театр бошқа санъат турларига нисбатан миллийликни тарғиб этишда, халқчил воқеаларни жонлантириб кўрсата билишда катта аҳамиятга эга. Драмалар, саҳна кўринишлари маданий ҳордиқ ва эстетик завқ бағишлаш билан бирга маънавий озуқа ҳам беради.

Ҳозирги кунда театрларимизда қўйилаётган кўплаб пъеса, драмалар ҳар томонлама мукаммал ва бадиий салмоқлилиги билан ажралиб туради. Қаҳрамон характерининг мураккаб қирра ва хусусиятлари актёрлар томонидан юксак маҳорат билан очиб берилмоқда. Қисқача айтганда, бугун театр санъатида янгиланиш ва юксалишни кузатиш мумкин. Бироқ театр, томошабин маданияти ҳақида гап кетганда кўплаб нохуш ҳолатлар кишини мулоҳазага чорлайди. Масалан, орамизда кийимини кийим илгичга топширмай тўғридан тўғри саҳна залига кириб кетадиган томошабинлар ҳам учраб туради. Театрга спектаклнинг бошланиш вақтидан кечикиб келиб, ўз жойини тополмай, топганида эса жойи банд бўлгач, саҳнада ижро этилаётган пъесага «ҳамоҳанг тарзда» саҳнадан пастда ҳам томоша кўрсатадиганлар ҳам йўқ эмас. Драманинг энг кескин, кульминацион нуқтаси ижро этилаётган пайтда кимнингдир қўл телефони бемаврид жиринглаб қолади ва бу бошқаларнинг диққат-эътиборини тортади, фикрини бўлади. Ваҳоланки, огоҳлантирилганидек, спектакль бошланмасидан олдин қўл телефонларини ўчириб қўйиш керак эди. Бунақада театрларда кийим гардероби билан ёнмаён қўл телефонлари гардероби ҳам ташкил қилишга тўғри келади, чамаси.

Томошабин савияси ва маданияти ҳақида гапирганда яна бир муаммо – томошабинлар орасида шаклланган ёмон иллат ҳақида тўхталиб ўтиш лозим. Театрга ўзи билан бирор егулик олиб кириш томошабин маданияти ва савиясининг паст эканлигидан далолат беради. Ўзингиз ўйлаб кўринг, маданий ҳордиқ олиш учун театрга ташриф буюрган томошабин спектакль ижро этилаётган пайтда кавшаб ўтирса ёки тинмай сақич чайнаса буни қандай тушуниш керак? Инсоннинг театр каби маданий масканларга ташриф буюришидан асосий мақсад, маънавий озуқа олишдир. Моддий озуқа учун эса тамаддихоналар ҳамиша хизмат кўрсатишга тайёр.

Театр – бу, ҳаққоний воқеа-ҳодисаларни тасвирлайдиган, жонлантирадиган ҳаёт саҳнасидир. Театрни бежизга ҳаёт саҳнаси, деб аташмайди. Зеро, биз инсонлар, яъни ҳар биримиз ҳаёт деб аталмиш тақдирнинг улкан саҳнасида ижобий ёки салбий қаҳрамонлар ролини талқин этувчи актёрлармиз. Фарқи шундаки, бунда ижрочи ҳам, томошабин ҳам ўзимиз бўламиз. Ўз саҳнамизнинг қадрига ўзимиз етишимиз керак. Зеро, бу саҳна бизнинг кимлигимизни, маънавий-маданий ва инсонийлик даражамизни белгилаб беради.


Шерзод РАЖАБОВ.

СПОРТ

Велоспорт

РУСТАМ ВЫИГРАЛ ЭТАП ГОНКИ

На открытом первенстве Узбекистана по многодневной велогонке среди юношей 1993–1994 годов рождения солидно выступил представитель армейского клуба МХСК Рустам Акбаралиев из Намангана.



На первом же этапе состязаний Рустам выиграл гонку на время на дистанцию 13 километров, промчавшись данное расстояние со средней скоростью выше 40 километров в час. На второй позиции финишировал представитель России Сергей Темненко из Омска, а третьим стал велогонщик из Казахстана Роберт Гайнеев (Алматы). Совсем немного, всего три секунды, уступил ему еще один армеец из Намангана Артур Халилов.

Однако на оставшихся этапах Рустам выступал не так сильно, придя к финишу четвертым. А выиграл эти три этапа россиянин Сергей Темненко, став победителем гонки.

Худжат ТУХВАТУЛИН,
старший тренер МХСК по велоспорту.

Водное поло

ДОСТОЙНЫЙ РЕЗЕРВ

Первенство Узбекистана по водному поло, победу в котором одержали представители МХСК, показало со всей очевидностью, что у национальной сборной страны растет вполне достойный резерв.

В состязаниях среди юношей 1991 года рождения наши ватерполисты одержали безоговорочную победу, второе место заняли спортсмены ДЮСШ-13, а бронзовыми призерами этого первенства стала команда РДСШОР.

По словам старшего тренера взрослой команды, к этим соревнованиям готовил ребят тренер Бахтиёр Джураев, сумев с максимальной эффективностью применить бойцовские качества ребят, многие из которых совсем недавно завоевали титул победителей первенства Азии среди юношей.

В этот успех внесли весомую лепту такие лидеры команды, как Ярослав Плетнев, Артем Мироненко и Виталий Маляцинский, увлекая за собой товарищей.

Отрадно, что у взрослой команды МХСК, которая также составляет костяк национальной сборной Узбекистана, подрастает достойный резерв.

Наш корр.

Кураш

ТЕРМИЗ ПОЛВОНЛАРНИ ЧОРЛАМОҚДА

Жорий йилнинг 11–12 апрель кунлари Термиз шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Президенти соврини учун Ал-Ҳаким ат-Термизий хотирасига бағишланган миллий спорт туримиз – кураш бўйича IX халқаро турнир бўлиб ўтади.

Мазкур нуфузли мусобақада иштирок этиш учун дунёнинг 40 га яқин давлатидан кучли полвонлар ташриф буюриши кутилмоқда. Кураш ҳозирда жуда тез оммалашиб бораётгани сир эмас. Миллий спорт туримиз бўйича дунёнинг 100 дан ортиқ мамлакатида кураш федерациялари ташкил этилган ва улар қизғин фаолият олиб бормоқдалар. Халқаро мутахассисларнинг фикрига кўра, курашимиз шуҳратини дунёга ёйишда, уни кенг оммалаштиришда анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган Термиз турнирининг аҳамияти жуда катта бўлмоқда.

Ҳозирда Термиз шаҳрида ушбу муосбақани ўтказишга катта тайёргарлик кўрилмоқда. Баҳслар ўтказиладиган марказий «Алпомиш» стадиони таъмирланди ва у ерга иккита кураш гилами ўрнатилди. Турнирга ташриф буюриши кутилаётган кўп сонли меҳмонлар, спорт мутахассислари ва журналистлар учун барча шарт-шароитлар яратилмоқда.

Халқаро турнирда республикамиз шарафини Шерали Жўраев, Бобомурод Рустамов, Нурбек Жалилов, Абдураҳмон Худоёров, Арслонбек Маҳмудов, Санжар Тўхтамишев, Давлат Чориев ва Абдулла Тангриев сингари номдор ва ёш кураш усталари ҳимоя қилишади.

Бокс

ҲИНДИСТОНДАН БЕШ МЕДАЛЬ БИЛАН

Ҳиндистонда бокс бўйича ташкил этилган нуфузли халқаро турнирда Осиёнинг 8 та мамлакатидан келган юз нафардан зиёд чарм қўлқоп усталари ўн бир вазн тоифасида ғолиблик учун рингга чиқдилар.

Мазкур мусобақада мамлакатимиз шарафини асосан ёшлардан таркиб топган терма жамоамиз ҳимоя қилганига қарамай, боксчиларимиз битта олтин, иккита кумуш ва иккита бронза – жами бешта медални қўлга киритишди. 75 кг вазн тоифасида баҳс олиб борган Фарруҳ Қиличев олтин медалга сазовор бўлди. Турнирнинг финалида иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритган терма жамоамиз аъзоларидан Орзубек Шойимов ҳамда Камолиддин Аҳмедов ҳал қилувчи беллашувда рақибларига имконияти бой бериб, кумуш медаль билан тақдирланишди. Иқтидорли боксчиларимиздан Аҳрор Миралимов ва Алишер Маҳмудов бронза медалларига сазовор бўлишди.

АМИР ТЕМУР СЕВГАН ЎЙИН

Амир Темур ёшлигиданоқ кураш, пойга ўйинларига, овчилик, камондан ўқ отиш, қиличбозликка жуда қизиққан. Шунинг учун ҳам соғлом, қийинчиликларга чидамли бўлиб ўсган ва ўз замондошларини, айниқса, тенгқурларини ўзининг жисмонан бақувватлиги билан лол қолдирган. Тарихий маълумотларга қараганда, у туғилган жой – Хўжа Илғор қишлоғида бир тош сақланган бўлиб (ҳозирда ҳам ўша тош бор), унинг оғирлиги 6 пуд (96 кг) экан. Амир Темур ёшлигида шу тошни кўтариб машқ қилар экан.

Соҳибқирон умри давомида турли ўйинлар ва машқлар билан шуғулланишни тўхтатмади. Унинг севган ўйинларидан бири шахмат бўлиб, кўпинча бирор ишга қўл уришдан олдин фикрларини пешлаш мақсадида дона сурар эди.

Тарихий манбаларнинг шоҳидлик беришича, Араб халифалиги даврида шатранж деб аталган мазкур спорт тури бўйича мусобақалар ўтказилиб турилган. Биринчи бор шатранж бўйича мусобақа эса 819 йил Хуросонда ўтказилган экан.

Ўзбекистон ҳудудида ҳам археологик қазишмалар вақтида кўплаб шахмат доналари топилган. Масалан, Сурхондарё вилоятидаги Далварзинтепа ёдгорлиги қатламларидан 2 минг йил муқаддам фил суягидан ишланган, чўккалаб турган фил тасвирланган шахмат донаси, Самарқанддаги Афросиёб ёдгорлигидан эса VIII асрга оид 8 та шахмат донаси топилган. Улар ҳам фил суягидан бўлиб, узунлиги 2,5–4 см.лар атрофида бўлган. Бу жажжи ҳайкалчасимон доналарда отлиқ чавандозлар, фил минган, тиззалаб турган пиёда аскарлар акс эттирилган. Қумқўрғон туманидан эса VII–VIII асрларга оид лойдан пиширилган 32 та шахмат донаси топилган. Уларни ташқи кўриниши жуда содда бўлиб, ҳозирги шахмат доналарининг айнан ўзини эслатади.

Олимларимиз бу ўйинни «четранг» номи билан Ҳиндистонда пайдо бўлганлиги, шахмат тахтаси 64 катакдан иборатлиги, лекин ўйинда иштирок этувчи 32та доналар тўрт қисмга (армия) бўлиниб, ҳар бир тарафда ҳозиргига ўхшаган доналар иштирок этиши, аммо пиёдаларнинг тўрттадан эканлигини айтишган.

Бу ўйиндаги катакларга бўлинган тахтача узра доналарнинг ҳаракати шубҳасиз жанг майдонини эслатади. Нақл қилишларича, бу ўйинни ўйлаб топган одамни рағбатлантириш мақсадида подшоҳ «тила тилагингни», деганда, у одам шу тахтачадаги катакларни биринчисидан бошлаб иккининг квадрати тўрт, тўртнинг квадрати ўн олти зайлида охирги катаккача буғдой доналари беришини сўраган экан. Шунда уни тўлғазиб чиқишга хазинасидаги буғдой ҳам етишмаслигидан лол қолган подшоҳ мот бўлиб, ихтирочига тасаннолар айтган экан.

Шахмат ўйинининг қадимийлиги шубҳасиздир ва бу ибтидоий даврдан бошлаб такомиллашиб келган жанг тартиблари ва уларда қўлланилган қуроллардан самарали фойдаланиш мақсадида жангчиларни тартиб билан жойлаштириш натижасида жанговар сафланиш тизими пайдо бўлганлиги билан боғлиқдир.

Ўрта Осиёда қўшинлар жанговар тартибининг энг яхши намуналарини Соҳибқирон армиясида кўриш мумкин. Шунга кўра, Амир Темур тенгсиз ижодкор тариқасида ўйин усулларини, жумладан, катта шатранжни ихтиро этган эди. Шунингдек, ўша даврларда даврали ва узунчоқ шахмат бўлган. Бу шатранж тахтасининг эни ўн бир, бўйи ўн хонадан иборат бўлиб, XV аср олими Ибн Арабшоҳ «Амир Темур тарихи» китобида бу ўйинда иштирок этувчи доналар номини келтириб, ўйинни ўрганиш йўли амалда осонроқ эканлигини таъкидлаган ҳолда қоидалари ҳақида маълумот берган. Бу ўйинни бир томонида 33та доналар иштирок этиши ва улардан ҳозирги замон шахматида йўқ бўлган туя, жирафа, илғор, турли пиёдалар каби доналар иштирок этишини ёзиб қолдирган. Қолаверса, у турли соҳалардаги ижодкорлар номларини келтириш билан бирга шатранжчилардан Муҳаммад ибн Ақил ал-Хайми, Зайн ал-Яздий ва бошқалар бўлганлиги ҳақида маълумот берган.

Амир Темур даврида энг уста, машҳур шатранжчи олим Алоуддин ат-Табризий эди. У Зайн ал-Яздийга ортиқча бир пиёда қўяр ва ундан ғолиб чиқар, Ибн Ақилга эса битта от қўйиб, уни енгаркан. Амир Темур у билан катта шатранж ўйнаркан.

Амир Темур даврининг ноёб ёдгорлиги ҳисобланмиш Шоҳруҳия қалъа шаҳрининг қурилиб, Шоҳруҳия деб номланишида ҳам шахмат ўйинининг ҳиссаси бор.

Ёзма манбаларда келтирилишича, Соҳибқирон ўзи қурдирган шаҳарни Шоҳруҳия деб аташининг сабаби шуки, у Сирдарё қирғоғига яқин жойда шаҳар қуришни амр этган бўлиб, кунлардан бир кун ўз одатига кўра яқин одамларидан бири билан шатранж ўйнаш билан машғул бўлган.

Ўйин давомида Амир Темур ўз рақиби «шоҳ»ига қарши руҳни ташлаган, рақиби бу ҳужумдан эсанкираб қолган бир вазиятда икки чопар келиб, бири Амир Темурга ўғил кўрганлиги, иккинчи чопар эса шаҳар қуриб битказилганлиги ҳақида хабар келтиришган экан. Шунда Амир Темур чақалоққа Шоҳруҳ деб, шаҳарга Шоҳруҳия деб ном берган экан.

Ёдгорликнинг маданий қатламларини ўрганиш вақтида мудофаа деворига бириктириб ишланган бурж (минора)лардан бирининг ичидан бир томони йўнилган ғалтаксимон, аниқроғи, тескари «Т» ҳарфи кўринишида бўлган 12 дона сопол буюмлар топилган. Биринчи бор назар ташлаганда, улар бир хил кўринишга эгадек, лекин синчиклаб қаралганда, уларни бир-биридан фарқи яққол кўзга ташланади. Бу топилмалар яхши пишитилган лойдан кулолчилик дастгоҳларида ясалиб, хумдонда пиширилган ва устидан оқ кулранг ангоб берилган. Уларнинг таг қисми ясси қилиб ишланган, баландлиги ҳар хил, яъни 8–11,5 см. Бир-биридан ҳажм жиҳатидан фарқ қиладиган бу доналар шахматдаги пиёдалар вазифасини бажарган, чунки Ибн Арабшоҳнинг таъкидлашича, катта шахматдаги ҳар бир асосий доналарнинг ўзларига тегишли пиёдалари, яъни руҳ пиёдаси, от пиёдаси, фил пиёдаси, туя пиёдаси, шоҳ пиёдаси, вазир пиёдаси бўлган экан.



Шундай экан, таъкидлаш жоизки, бу сопол буюмлар ҳарбийларнинг дам олиш вақтларида кўнгил очиш учун хизмат қилган шахмат доналари вазифасини ўтаган бўлса, улардан ҳарбий таълим бериш мақсадида ўқув қўлланмаси сифатида ҳам фойдаланилган бўлиши мумкин.

Ў. АЛИМОВ.

СПОРТ

Теннис

ҲАМЮРТЛАРИМИЗ МУВАФФАҚИЯТИ

Пойтахтимизда теннис бўйича ўсмирлар ўртасида ўтказилган Халқаро теннис федерацияси (ITF) мусобақалари тақвимидаги турнирда Осиё, Европа ва Африка қитъасидан келган иқтидорли спортчилар ғолиблик учун куч синашди.



Қизлар ўртасидаги беллашувлар ҳамюртларимиз учун муваффақиятли якунланди. Бош соврин учун ўтказилган беллашувда икки иқтидорли теннисчимиз – Альбина Хабибулина ва Сабина Шарипова ўзаро беллашди. Ҳал қилувчи баҳсда Альбинанинг кўплаб халқаро турнирларда тўплаган тажрибаси қўл келди ва С. Шариповани 6:1, 3:6, 6:4 ҳисобида мағлубиятга учратиб, жорий мавсумдаги дастлабки совринини қўлга киритди.

Альбина жуфтликлар беллашувида ҳам биринчи ўриндан жой олди. У туркманистонлик Анастасия Пренко билан ҳамкорликда финал учрашувида россиялик Александра Артамонова ҳамда беларуслик Полина Пехова дуэтини 6:1, 7:5 ҳисобида доғда қолдирди.

Ўсмирлар ўртасидаги жуфтлик басқиларида ҳам ғалаба ўзбекистонлик ёшларга насиб этди. Умидли спортчиларимиздан Жаҳонгир Жалолов ва Сергей Шипилов финалда Россия вакиллари – Владислав Дубинский ва Темур Нейматовни 1:6, 6:3, 10:8 ҳисобида мағлубиятга учратди.

Таэквон-до

ПОЙТАХТЛИКЛАР – ҒОЛИБ

Урганч шаҳрида болалар ўртасида таэквондо бўйича очиқ турнир бўлиб ўтди. Унда барча вилоятлардан келган юздан зиёд ёш таэквондочи ўзаро куч синашди.

Болалар спортини ривожлантириш, ўғил-қизларни спортга кенг жалб этиш ва иқтидор эгаларини муносиб рағбатлантириш мақсадида ташкил этилган мусобақа муросасиз баҳсларга бой бўлди.

Натижаларга кўра, пойтахт вакиллари Вадим Ли, Айдос Султонмуродов, хоразмлик Азамат Йўлдошев, қизлар ўртасида Навоий вилоятидан Асем Бектурсунова ўз вазн тоифаларида ғолиблик шоҳсупасидан ўрин олди.

Умумжамоа ҳисобида Тошкент шаҳри спортчилари зафар қучди. Кейинги ўринларни Навоий ҳамда Хоразм вилояти ёш таэквондочилари эгаллади.

ЎзА материаллари асосида тайёрланди.

Футбол

ҚУРЪА ТАШЛАНДИ



Маълумки, жорий йилнинг 24 сентябрь– 16 октябрь кунлари Мисрда ёшлар (U-20) ўртасида навбатдаги жаҳон чемпионати мусобақалари бўлиб ўтади.

Саралаш босқичларида муваффақиятли қатнашиб ушбу мундиалда иштирок этиш бахтига сазовор бўлган жаҳоннинг 24 та кучли терма жамоалари сафида А. Убайдуллаев бошчилигидаги Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси ҳам ғолиблик учун баҳс олиб боради.

Куни кеча Мисрнинг Луксор шаҳрида қуръа ташлаш маросими бўлиб ўтди ва 24 та жамоа гуруҳларга ажратилди. Қуръа натижаларига кўра, Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси Гана (Африка), Англия (Европа) ва Уругвай (Жанубий Америка) терма жамоалари билан «Д» гуруҳидан жой олди.

Жаҳон чемпионати 24 сентябрь куни Миср – Тринидад ва Тобаго терма жамоалари ўйини билан бошланади. Ҳамюртларимиз эса 26 сентябрь куни гуруҳдаги дастлабки учрашувда Гана терма жамоасига қарши майдонга чиқадилар.

БАҲСЛАР ҚИЗҒИН ТУС ОЛМОҚДА

Мазкур ҳафта футбол мухлислари учун таассуротларга бой бўлди десак, муболаға бўлмайди. Европа ва Осиёнинг энг кучли жамоалари қитъалар Чемпионлар лигаси мусобақаларининг навбатдаги учрашувларини ўтказишди. Бизни биринчи навбатда мазкур нуфузли мусобақада юртимиз шарафини ҳимоя қилаётган «Пахтакор» ва «Бунёдкор» жамоалари ўтказган ўйинлар қизиқтириши табиий.

3-тур баҳсини мамлакатимиз вице-чемпиони – «Пахтакор» жамоаси меҳмонда Эроннинг «Саба Баттери» клубига қарши ўтказди. Шуни қувонч билан таъкидлаш мумкинки, миллий чемпионатни кутилганидек бошлай олмаган пахтакорчилар турдан-турга ўз ўйинларини топиб боришмоқда. Айниқса Чемпионлар лигасидаги ўйинларни улар кўтаринки руҳ билан ўтказишмоқда. «Саба Баттери» билан ўтказилган учрашув ҳам бундан мустасно бўлмади. Пахтакорчилар деярли бутун учрашув мобайнида устунликни ўз қўлларида сақлаб туришди. Айниқса ярим ҳимоячилар майдон марказини тўлиқ эгаллаб, рақибларига мазмунли ўйин кўрсатишга имкон беришмади. Бунинг устига, 1-бўлим ўрталарида пахтакорчи Д. Марковичга нисбатан ўта қўпол ўйнагани учун эронлик футболчилардан бирининг майдондан четлатилиши ҳамюртларимиз учун қўшимча туртки бўлди. 2-бўлимда «Пахтакор» мураббийлари А. Гейнрих ва Ф. Тожиевнинг ёнига З. Тожиевни ҳам тушириб, ҳужумчилар сонини учтага етказишди. Бу эса охир-оқибат ўз самарасини келтирди. 2-бўлим ўрталарида уюштирилган чиройли ва тезкор ҳужумлардан сўнг аввал З. Тожиев, кейин эса унинг укаси Ф. Тожиев рақиб дарвозасини аниқ нишонга олиб, «Пахтакор» ғалабасини деярли таъминлаб қўйишди. Иккала самарали ҳужумда ҳам тўпни А. Гейнрих аниқ ошириб берди. Учрашувнинг қолган қисмида ҳам меҳмонлар бир неча марта гол уриш имконига эга бўлишсада, 2:0 ҳисоби сақланиб қолди ва пахтакорчилар сафарда муҳим ғалабага эришиб, гуруҳ пешқадамлигини сақлаб қолишди.

Мазкур турда Эроннинг яна бир жамоаси – «Сепахон»ни ўз майдонида қабул қилган «Бунёдкор» футболчилари учун ўйин жуда қийин кечди. Меҳмонлар бу учрашувга пухта тайёргарлик кўришгани бутун ўйин давомида сезилиб турди. Майдон эгалари устунликни ўз қўлларига олишга ҳарчанд уринишмасин, меҳмонлар бунга йўл қўйишмади. Аммо ҳисобни барибир биринчи бўлиб майдон эгалари очишди. 26-дақиқада уюштирилган чиройли ҳужумдан сўнг Ш. Саломов кучли зарба билан тўпни дарвозага аниқ йўллади – 1:0. Шундан сўнг меҳмонлар бир қанча хавфли ҳужумлар уюштирдилар. 1-бўлимга ҳакам томонидан қўшиб берилган вақтда жарима зарбасидан сўнг М. Зухуров қайтарган тўпга меҳмонлар ўйинчиси Ходи Оқилий биринчи бўлиб етиб келди ва ҳисобни тенглаштирди – 1:1.

2-бўлим ҳам тенг курашлар остида ўтди. 61-дақиқада «Сепахон»нинг ироқлик легионери Э. Муҳаммад «Бунёдкор» дарвозасига иккинчи тўпни киритишга эришди – 2:1. Шундан сўнг майдон эгалари ташаббусни ўз қўлларига олиб, бир қатор хавфли ҳужумлар уюштиришди. 75-дақиқада рақиб жарима майдонида эпчил ҳаракат қилган Б. Ашурматов ҳисобни тенглаштиришга муваффақ бўлди – 2:2. Бу ҳисоб учрашув охиригача ўзгармади ва жамоалар фақатгина 1 очкодан бўлиб олишди.

П. САЙДИВАЛИЕВ.

Атлетический клуб будущего воина


ГИМНАСТИКА – ЭТО ЗДОРОВЬЕ

Упражнения с гантелями (вес 1 кг) для детей 6 лет

Комплекс упражнений с гантелями по 1 кг выполняется через день в любое время дня. Занимающиеся выполняют каждое упражнение от 3 до 5 раз в среднем темпе, а затем 8-10 раз в быстром темпе. После выполнения упражнения следует 5-минутный отдых. Очень важно, чтобы нагрузки увеличивались постепенно, с учетом возраста и здоровья ребенка.

Исходное положение: стоя, гантели в согнутых руках у плеч (1). Поднять руки вверх – вдох, в исходное положение – выдох (2). То же с подъемом на носки.

Исходное положение: стоя, гантели в опущенных, вытянутых вперед или вверх руках (3). Наклонить туловище вперед (4), занося руки между ног (5) – выдох, возвращение в исходное положение – вдох.



МАДАНИЯТ

ТАЪЛИМГА ЯНГИЧА ЁНДАШУВ – ДАВР ТАЛАБИ



Маърифатпарвар бобомиз Абдулла Авлоний айтганидек, биз учун «тарбия ё ҳаёт, ё мамот, ё нажот, ё ҳалокат, ё садоқат, ё фалокат масаласи» саналади. Авлодлар тарбиясида, уларнинг илму ҳунар эгаси бўлишида, табиийки, мактабларнинг ўрни ва аҳамияти улкан.

Мудофаа вазирлигига қарашли 171-мактабда бўлиб ўтган «Мактабда анъана ва янгиликлар. Дарсларда замонавий педагогик технологиялар ва тажрибалар» деб номланган семинардан ҳам ана шундай эзгу мақсад кўзланган. Тошкент шаҳар ўқитувчилар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш институти, Мирзо Улуғбек тумани халқ таълими бўлими ходимлари билан ҳамкорликда ташкил этилган мазкур тадбирда мактаб директорлари ва ўринбосарлари ҳамда малака ошириш курслари тингловчилари иштирок этишди.

Семинарда 171-мактаб ўқитувчилари замонавий мультимедия, компьютер ва илғор технологиялар ютуқларидан фойдаланган ҳолда интерфаол усулда дарс ўтиш тажрибалари билан йиғилганларни таништирдилар. Машғулотда иштирок этган ўқувчиларнинг фаоллиги, билими, дарснинг содда ва қизиқарли тарзда ташкил этилиши иштирокчиларда катта таассурот қолдирди. Айниқса, «Феълларнинг вазифа шакллари» (Она тили), «Экологик қадриятлар» (Миллий истиқлол ғояси ва маънавият асослари), «Инсонлар ва фуқароларнинг шахсий ҳуқуқлари ҳамда эркинликлари» (Давлат ва ҳуқуқ асослари) медиа-дарслари барчага манзур бўлди.

– Бугунги семинардан амалиётга татбиқ этса бўладиган кўп нарсаларни ўргандим, – дейди Миробод туманидаги 263-мактаб директори Нурия Файзираҳмонова. – Айниқса замонавий технологиялар асосида дарс ўтиш яхши самара беришига гувоҳ бўлдим. Бугунги илм-фан ва ахборот асрида ёш авлодни қуруқ маърузалар, зўрма-зўраки ўтиладиган дарслар асосида эмас, балки турли интерфаол ўйинлар тарзида ўқитиш, фаол ва билимли ўқувчиларни рағбатлантириш, уларни соғлом рақобат руҳида тарбиялашга янада эътибор қаратиш лозимлигини англаб етдик.

– Бугунги тадбир орқали болаларда фикрлашни шакллантириш нафақат ўқувчининг ўзига, балки ўқитувчининг касбига ёндашуви, малакасига боғлиқлигига яна бир бор амин бўлдим, – дейди Юнусобод туманидаги 239-мактаб бўлим мудири Нодира Салимова. – Авлоний бобомиз айтганидек, «фикрнинг қуввати, зийнати, кенглиги» муаллимга кўп жиҳатдан боғлиқ. Агар ўқитувчи интилса, янгича ёндашувни, ижодкорликни қадрласа, замон билан ҳамнафас бўлса, бу ўқувчига ҳам ўз таъсирини кўрсатмай қолмайди. Бунга биз бугунги очиқ дарсларда гувоҳ бўлдик. Бу борада 171-мактабнинг ўзига хос анъанаси, мақтаса арзигулик ютуқлари бор. Қаердаки меҳнатингиз қадр топса, ижордкорлигингиз қўллаб-қувватланса, ўша жойда ўсиш, ривожланиш бўлиши аниқ.

– Ноанъанавий педагогик технологиялар, интерфаол усуллар ёрдамида дарс бериш ҳам ўқувчига, ҳам ўқитувчига фойда келтиради, – дейди 171-мактабнинг она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси, халқ таълими аълочиси Д. Қўчқорова. – Ўқувчи бундай дарсларда ўзаро дўстона рақобат туйғусини қалбан ҳис этади, билимининг рағбатлантирилиши уни янада илғор бўлишга ундайди.

Семинар сўнгида иштирокчилар ўзларини қизиқтирган саволларга атрофлича жавоб олишди.

Жамшид АРСЛОНОВ.
Баҳром АБДУРАҲИМОВ суратга олган.

ЯНГИЛАНИШ НАФАСИ ИЛА

«Эҳе-ҳе-ҳей, одамлару одамлар, эшитмадим деманглар. Она юртимизга Наврўзи олам ташриф буюрди-и-и!». Жарчи болакайнинг ҳайқириғи дилларга ўзгача сурур бахш этди. Борлиқни шодлигу қўшиқ, рақсларга тўлдирди.

Қозонларда сумалак,
Ёзиқ дастурхон.
Наврўз байрам муборак,
Эй, Ўзбекистон!..

«Олмахон» болалар боғчасида бўлиб ўтган «Ассалом, Наврўз» тадбири мана шундай кўтаринки руҳда бошланди. Тадбирга таклиф этилган Тошкент ҳарбий округи тасарруфидаги мактабгача таълим муассасалари етакчилари болажонлар иштирокида тайёрланган хилма-хил қувноқ чиқишларнинг гувоҳи бўлишди. Айниқса, болалар боғчаси кичик гуруҳ тарбияланувчиларининг шеър ва рақслари меҳмонларга янада манзур бўлди. Энг асосийси, тадбирда миллий қадриятларимиз, маънавиятимиз ва маданиятимизга катта эътибор қаратилган.

Шубҳасизки, Наврўз байрамини сумалагу ҳалим, кўкатлардан тайёрланган хилма-хил пиширикларсиз тасаввур этиш қийин. Боғчада ҳам бунга аҳамият берилган ҳолда катта дошқозонда сумалак қайнатилди. Болажонлар дастурхонига баҳор неъматлари тортиқ этилди.

– Ушбу боғча жамоаси юртимизда ўтказиладиган ҳар бир байрамни миллий анъаналарга таянган ҳолда, ўзига хос услубда амалга оширади, – дейди Мудофаа вазирлиги Маънавият ва маърифат марказининг мактабгача таълим муассасалари бўлими бошлиғи Валентина Куришева. – Кўриб турганингиздек, Наврўз айёмига бағишланган байрам тадбирига ҳам астойдил тайёргарлик кўришган. Тарбияланувчиларнинг шеър, қўшиқ ва рақсларни меҳр ила ижро этишлари бундан далолат. Шуни алоҳида таъкидлаб ўтишни истардимки, ушбу таълим муассасасининг иқтидорли болажонлари ҳар йили Тошкент округи тасарруфидаги болалар боғчалари ўртасида ўтказиладиган «Наврўзи олам келди» кўрик-танловида етакчи ўринларни қўлга киритиб келишаяпти. Албатта бу муваффақиятда боғча мудираси ва тарбиячиларининг, умуман олганда, жамоанинг катта ўрни бор.

– Мудофаа вазирлиги томонидан кўрсатилаётган эътибор ва ғамхўрлик, мактабгача таълим муассасалари ишини янада яхшилаш борасидаги буйруқ ва кўрсатмалар сабаб, кейинги йилларда боғчамизда катта янгиланишлар амалга оширилди, – дейди таълим муассасаси раҳбари, тажрибали педагог Шоистахон Абдуллаева шу ҳақда сўз кетар экан. – Аввало кўплаб жиҳозларни янгилашга муваффақ бўлдик. Яъни, машғулот хоналари, болаларнинг дам олиш хоналари, ошхонадаги жиҳозлар замон талаблари даражасида бўлишига эришилди. Айни дамда эса таълим муассасамиз тўлиқ таъмирланиш арафасида. Болалар таълим ва тарбиясига ҳам жиддий эътибор қаратилган. Тарбиячиларимиз тажрибасини ошириб бориш учун уларни доимий равишда малака оширишга юбориб турамиз. Мақсадимиз мустақил юртимиз келажаги бўлмиш жажжи фарзандларимизнинг етук инсонлар бўлиб камол топишларига замин яратиш.

– Албатта, бу борада муассасамизга барча керакли мутахассислар жалб этилган, – суҳбатни давом эттиради мудиранинг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари Замирахон Назарова. – Маълумки, болалар ёшига қараб турли гуруҳларда тарбияланади. Биз мана шу гуруҳларни йўналишларга ажратганмиз. Яъни қадриятларимиз, маънавият ва маърифат, нафис санъат, кулолчилик, қўғирчоқ театри, астрономия билан боғлиқ сабоқлар шулар жумласидандир.

Тарбияланувчиларимиз «эркатойлар – ширинтойлар» гуруҳидан бошлаб навбати билан юқоридаги йўналишларни эгаллаб боришади. Шу билан бирга, қизиқувчан болалар учун рақс, каратэ, «у нима-ю, бу нима» каби тўгаракларимиз фаолият юритади. Улар рус тили ва инглиз тили сабоқларини ҳам ўзлаштириб боришади. Йилнинг ҳар чорагида ота-оналар ва тарбияланувчилар иштирокида спорт ўйинлари ўтказамиз. Тажрибали тарбиячиларимиздан Жамила Ҳамроқулова, Гулнора Муҳамадиева, Салима Диляварова, Гулнора Тошметова, мусиқа раҳбари Ия Фирстова, руҳшунос Малоҳат Расулқориева, шифокор Саида Мамарасуловаларни боғчамизнинг жонкуяр ходимларидан десак арзийди. Ушбу байрам тадбирининг кўнгилли ўтишида ҳам уларнинг муносиб ҳиссаси бор.

«Учинчи минг йилликнинг боласи» таянч дастури асосида фаолият олиб бораётган тарбиячиларнинг меҳнати, билим ва иқтидори маҳсулини ҳар қадамда кузатиш мумкин. Наврўз айёмига бағишланган ушбу тадбирдаги катта тайёргарликдан ҳам буни англаш қийин эмас. Ойхон Зокирова, Муштарий Абдурашидова, Зилола Ҳайдарова, Висола Ҳайдарова, Абдуфаттоҳ Абдуқодиров, Севара Якубова, Мария Вдовяк, Камила Хайриддинова, Муштарий Аҳмедова каби бир қатор болажонлар байрам тадбирида олқишларга сазовор бўлишди.

Дилшода НОСИРОВА.
Баҳром АБДУРАҲИМОВ суратга олган.







ВАТАНПАРВАР

Муассис – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги

Учредитель – Министерство обороны Республики Узбекистан

Бош муҳаррир вазифасини вақтинча бажарувчи майор А. САФАРОВ.
Шу сонга масъуллар: майор А. УСМОНОВ, майор А. КАМОЛОВ.

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 2008 йил 6 июнда 0535 рақами билан рўйхатга олинган. ISSN 2010-5541.

Таҳририят манзили: 100031, Тошкент шаҳри, Миробод кўчаси, 21-уй.

«Ўзбекистон» нашриёт матбаа ижодий уйида чоп этилди. Босмахона манзили: Тошкент ш., Навоий кўчаси, 30 уй.

МУАССИС КЕНГАШИ: Тоҳир ҲАМРОҚУЛОВ – кенгаш раиси, Рустам НОДИРОВ, Раҳимжон НУРНАЗАРОВ, Олим ҚЎЧҚОРОВ, Алишер МУИНОВ, Нурмуҳаммад МУЛЛАБОЕВ, Шуҳрат ТЎХТАЕВ, Абдусаттор ЭРГАШЕВ, Қурбон АМИНЖОНОВ, Олимжон ЗАНЖИРОВ.

Телефонлар: навбатчи – 256 09 81; обуна бўлими – 256 03 46. Факс: 256 17 98.

«Ватанпарвар» газетаси таҳририятининг компьютер марказида Р. Исламаев ва З. Хошимов томонидан саҳифаланди.

Таҳририят фикри муаллифлар нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин. Таҳририятга келган қўлёзмалар, хатлар ва суратлар таҳлил қилинмайди ва муаллифларга қайтарилмайди.

Газета жума куни чиқади. Адади 25750.

Нашр кўрсаткичи 114. Буюртма № J-7202.